

898
У-28

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ



VIII

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

09.22



Сунис
Ферри
0000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА
ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

ЎЗБЕК
ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ
МАСАЛАЛАРИ

VIII китоб

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг 150 йиллиги
муносабати билан чоп этилган илмий
мақолалар тўплами



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“ФАН” нашриёти
Тошкент — 2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА О'РТА МАХСУС ТА'ЛИМ ВАЗИРЛИГИ
TOSHKENT VILOYATI SHIRSHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI



УЎК: 398(=512.133)(08)
КБК: 82.3г(5Ў)

Маърузи муҳаррир: **Шомирза Турдимов,**
филология фанлари доктори

Наширга тайёрловчилар: **Шахноза Назарова,**
Барно Мирзаева

Ушбу китоб ўзбек дostonчиларининг пешкадама вакили Эргаш Жуманбулбул ўгли таваллудининг 150 йиллигига бағишланган бўлиб, бахшнинг ҳаёт йўли, у ижро этган дoston ва термаларнинг илмий-амалий аҳамияти ҳамда фольклоршунослигимизнинг долзарб муаммоларига доир мақола ва суҳбатлардан таркиб топган. Китоб халқ оғзаки ижоди мутахассислари, илмий жамоатчилик ва кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Тақризчи:

Умурзоқ Жуманазаров
филология фанлари доктори, профессор

УЎК: 398(=512.133)(08)
КБК: 82.3г(5Ў)

ISBN: 978-9943-19-460-1

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2018



СЎЗБОШИ

Эргаш Жуманбулбул ўгли ўзбек халқининг оғзаки ижодиётига бекиёс хисса қўшган энг буюк бахши-шоирдир. Эргаш Жуманбулбул ўгли ўзбек фольклорининг Навойиси, деган таъриф ҳар жиҳатдан ўзини оқлайди. Унинг ижоди ва репертуари халқимиз маданиятини юксалтириш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий анъаналар руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда.

Эргаш Жуманбулбул ўгли санъаткорлик даҳосининг бекиёлиги билан алоҳида ажралиб туради ва у миллий дostonчиларимизнинг кейинги ривожига самарали таъсир кўрсатган устоз бахши-шоирларнинг етакчиси ҳисобланади.

Адабиёт ҳамisha фольклор заминида янгиланади. Эргаш Жуманбулбул ўгли ёзма адабиёт ривожига ҳам катта хисса қўшган ижодкор саналади. Бугунги шеъриятимизда унинг дoston ва термалардан таъсирланган истеъдод соҳиблари оз эмас. Эргаш Жуманбулбул дostonларидаги байт ва мисралар халқимиз дурдоналари ўлароқ халқ орасида кенг тарқалган.

Эргаш Жуманбулбул ўгли Кўрғон дostonчилик мактаби анъаналарига янги ҳаёт бағишлаш билан бирга уларни юксак санъатга кўтарди. Шунингдек, қадимда яратилган бири-бирдан тўғил халқ дostonлари бутун кўрки ва маҳобати билан ўзини халқимизга туфайли бизгача етиб келди ҳамда элимизнинг бебаҳо бадийий-маданий бойлигига айланди.

Эргаш Жуманбулбул ўгли сўз, маъно ва ижронинг султони эмас. У қуйлаган ҳар бир дoston ўзининг оҳангдорлиги, рангинлиги ва жозибаси билан бугунги маданий-эстетик ҳаётимизга тараққиётига улкан хисса бўлиб қўшилаверади.



2018 йил Эргаш Жуманбулбул ўгли тугилганига 150 йил тўлди. Шоир таваллудининг бу улкан санасини муносиб нишонлаш ўзбек фольклори, халқ достонлари, унинг ижрочилари ва ижодкорлари бўлмиш халқ бахшиларига юксак эътибор ва хурматнинг рамзига айланиши шубҳасиздир. Эргаш шоирнинг ижоди, биз авлодларга қолдирган мероси, қолаверса, Кўрғон достончилиқ мактаби вакилларининг халқимиз манавий ҳаётидаги хизматлари Эргаш шоир сиймасида ўзининг муносиб баҳосини олади.

Азиз ўқувчи, Сизнинг хукмингизга ҳавола этилаётган ушбу тўплам Эргаш Жуманбулбул ўгли таваллудининг 150 йиллик тўйига фольклоршунос олимлар ҳамда адабиёт ахлининг бир тухфасидир. Ўзбек фольклоршуносларининг устозлари, улуғ бахши-шоирлар шарафига тасниф этилувчи анъанавий “Ўзбек фольклоршунослиги масалари” илмий тўпламининг навбатдаги VIII китоби Эргаш шоир ҳаёти ва ижодида бағишланди. Сиз азиз ктobxonларга бу совғамиз манзур бўлади, деб умид қиламиз.




Ҳоди ЗАРИФ

УЛКАН ХАЛҚ САНЪАТКОРИ

Ўзбек халқ шеърятининг ажойиб халқчил хислатлари, илгор товлари, бадий хусусиятлари шу халқнинг тарихини яратган кўнрақнинг кўп асрлик ижтимоий ва сиёсий ҳаёти, меҳнатга ва меҳнат ҳаётига муносабати, дунёқарashi, шодлиги, дард-ҳасрати, орзу-умидлари, ниҳоят, бизнинг улугвор замонамиздаги бахти ва еволати билан боғлиқдир. Коллективнинг яратувчилик қудрати, ижодий маҳорати билан яратилган ва асосан халқ ҳаётининг ойнаси бўлган бу адабиёт халқ оммасининг ақлий ва жисмоний меҳнат қонинининг намойиши қилиб келди. Бу яратувчилик қудрати халққа улускенгиз хизмат қилди ва ҳозир ҳам бениҳоя фойда етказмоқда. Ана шу улугвор бадий адабиётнинг кенг мундарижали, чуқур маъмули, хилма-хил образларга, ранг-баранг бадий воситаларга, арзани ва барҳаёт дугатга, тадқиқотчилар хали камраб ололмаган грамматик хусусиятларга жуда бой халқ достонларининг асрлар ойна соқланиб келиши, шундайин, янгидан-янги достонларнинг яратилишида зўр қобилият эгаси бўлган халқ шоирларининг хизмати гоёт катта ва таҳсинга сазовордир...

XIX асрнинг охирида кўпчилик ўртасида танилиб, кўшиқлари манзур бўлган халқ шоирларидан Эргаш Жуманбулбул ўгли, Фозил Нулдеш ўгли, Ислоҳ Назар ўгли, Муҳаммадқул Жонмурод ўгли Пулкан, Абдулла Нурали ўгли ва шуларга ўхшаш бир неча достончи-тоналивнинг ижтимоий аҳволи ва ҳаёт йўли ўзбек халқ достончилари учун характерлидир. Булар қашшоқ дехқон болалари бўлиб, билмасдан етимлик кулфатини чекканлар, неча йиллар бойлар эшикни мизматкор бўлиб, уларнинг кўйларини боққанлар, экин-тикинларини экканлар, йигим-теримларини бажарганлар; талай меҳнат басовинга миннат билан кун кечирганлар. Меҳнатга яраша ҳақ олганларни қаби доим хўрлик кўрганлар. Бу бўлажак халқ шоирларининг дустлари, хамсуҳбат ва дардашлари ҳам ўзларига ўхшаган қашшоқ чўпонлар, хизматкор дехқонлар, замонасининг ғариблари бўлган. Ана шуниси характерлики, бу халқ шоирларининг санъат ва адабиётга қанақаслари дастлаб ана шу шароитда, меҳнат кучоғида






уйғонади ва эрта бошланади. Улар ёш пайтларида дўмбира чертиш ёки кўбиз тортишни ўрганадилар, кейин оз-оздан кичик кўшиқлар, термаларни ўрганиб ёдлайдилар, куйлаб машқ қилиб юрадилар. Шу жиҳатдан буларнинг дастлабки устоди ана шу чўпонлар, қароллар бўлиб, дастлабки тингловчилари ҳам ана шулар бўлган.

Шундай санъаткорлардан бири Эргаш Жуманбулбул ўғли халқ достонларини бутун гоёвий халқчилиги ва бадий гўзаллиги билан сақлаб келган шоирдир. Эргаш Жуманбулбул ўғли Кўргон кишлоқ достончилик мактабига мансубдир. Кўргон кишлоқ достончилик мактабининг сўнгги бир аср ичидаги вакиллари, асосан, Нурота туманининг Кўргон кишлоғида яшаб, уларнинг адабий, ижодий фаолиятлари шу ерда тарбия тошгани учун биз бу мактабни шартли равишда шу ном билан атадик. Манғиштовдан Нуротга қадар чўзилган силсила тоғларнинг, айниқса, Октовнинг шимоллий ва жанубий этакларида яшаган ва ана шу ерда етишган халқ шоирлари, кичик бир истисно билан, мана шу Кўргон кишлоқ мактабига мансубдирлар.

Ўзбекларда оғзаки достончилик традициялари хақида ўтмиш тарихий асарларда маълумот қолдирилмаганлиги учун биз бу мактабларнинг асоси қачон қурилганини билмаймиз. Уларнинг кўп асрлардан бери давом этиб келаётганини тахмин қилишга асослар бор. Лекин қарийб бир асрлик аниқ маълумотни кекса достончиларимизнинг ўзлари берадиларки, бу маълумотлар халқ шоирлари ўртасиданги кучли адабий анъанани ўрганиш учун қимматли манбадир.

Халқимиз буюк эҳтиром ва қатъ тантана билан юз йиллик тўйини нишонлаётган Эргаш Жуманбулбул ўғли 1868-йилда Кўргон кишлоғида меҳнаткаш деҳқон-шоирлар оиласида туғилди ва ҳаётининг кўпгина қисмини шу ерда ўтказди.

Кўргон кишлоғи Бухоро амирлигининг Нурота беқлигига тобе бўлиб, бу ернинг меҳнаткаш аҳолиси хонликнинг чексиз жабр-зулмлари, ҳақсизлик ва ситамлари, амалдорлар, рухонийлар ва бойларнинг истаганча эксплуатациялари остида эзилган, хўрланган, фан ва маърифатдан маҳрум этилган эди. Бироқ ҳар қандай ҳақсизлик ва адолатсизлик, жабр-зулм халқ шеърляти ва унинг қонуний тараққиётини тўхтата олмади. Меҳнаткаш халқ ҳар қандай оғир шароитда ижод этди, ога-боболарининг бадий ижодини хурмат билан сақлади, уларнинг миллий анъаналарини давом эттирди,



Кўргон кишлоғида достончилик анъанаси узоқ вақт давом этган. Бу ерда XIX асрнинг иккинчи ярмида йигирмадан ортик машхур достончи етишган. Бу ҳол Кўргон кишлоғининг халқ шоирлари ижодини эътибордан далолат беради. Кўргон кишлоқ достончилик мактабининг тақомиллашувида Самарқанднинг шимоллий туманларидан машхур достончиларнинг ҳам арзирли хиссаси бор. Катта кўргон. Қирин Ёрун, Амин бахши каби номдор достончилар шулар қумисидандир. Қарийб қирк беш йил илгари мен суҳбатлашган кўргонларнинг айтишларича, Эргаш шоирнинг етти отасига қадар шоир ўтган. Бу ҳол Кўргон кишлоғидаги адабий анъананинг жуда кучли ва изчиллиги билан боғлиқ бўлган, албатта. Эргаш шоирнинг ун қам буни тасдиқлагани ҳолда ўз таржимаи ҳолида бешинчи отасига қадар санаб ўтади:

Бешинчи отамнинг отидир Ёдгор,

Шу вақтда элида сўзга эътибор,

Алар ерда ўтказиб юрган сўзини,

Ўрмонликда ҳеч қим бўлмай баробар.

Туринчи отамнинг отидир Лапас

Шоирликда унга ҳеч қим тенг эмас,

Ўз вақтда сўзин элдан ўтқариб,

Туларда ўлида гапти уйламас.

Учинчи отамнинг оти Мулла Тош,

Мубола Тошнинг сўзи ҳар ердадир чош,

Шу вақтнинг бориб турган доноси,

Ун оқил экан соҳиби келгаш.

Мубола Холмуроддир бобомнинг оти,

Шу вақтда чечанларинг устоди,

Булар сен бобода сўзинг деҳқони,

Мубола бўлсан бунинг қанча авлоди.

Мубола Холмуроддан учта ул қолган,

Учинчи ҳам қатта шоирлар бўлган.

Жами Улоқ шоир дейди қаттастин оти,

Шоирликда кўн ишқирдлар чиқарган.



*Ўртамчасин оти Ёрлақаб бўлган,
Чечанликда тани сўз билан тўлган,
Ул Жош Узоқдан баланд бўлиб ўтканди,
Тамом умри элга шоирлик қилган.*

*Кичик ўглининг Жуманбулбулдир оти,
Ўз вақтида шоирларнинг устоди,
Ҳар қандай тўй бўлса, катта йиғинда,
Ҳамма элга писанд бўлган абётти.*

Эргаш туғилганда унинг отаси Жуманбулбул эллик ёшлар чамасида бўлиб, амакилари ҳам барҳаёт эдилар. Жуманбулбулнинг момоси Тилла кампир Кўргон қишлоғининг чечан шоирларига буюк келадиган забардаст шоира эди. Эргаш шоирнинг ёшлиги кечган замонда Кўргон қишлоғидаги шоирлар вақти-вақти билан йиғинлар, терма ва дostonлар айтишиб, кизгин адабий мунозараларда бир-бирларининг муваффақият ва камчиликларини ўрганар эдилар. Мунозаралардаги талашиб-тортишишларда талантлар ўсар, жилловлар, мустахкамлар эди. Қассоб бахши ва шунга ўхшаш бир нечаси асосан ўз қишлоғида шогирд етиштириш билан машғул бўлиб, Жуманбулбул каби бир неча шоир Бухоро, Қарши, Шахрисабз, Китоб, Самарқанд, Жиззах теваракларини айланиб кўшиқ айтиб келар, бу саёхатларида турли ерлардаги халқ дostonчилари билан учрашиб, уларнинг тажрибаларини ўрганиб боради, Кўргон қишлоққа қайтганларида шоирлар йиғинида ижодий ҳисобот беради. Шунинг билан бирга элни кезиб юривчи бу шоирлар йўлда учратганлари, хусусан, ўзлари таниган ва донгини эшитган йирик халқ шоирларини ўз қишлоқларига меҳмонга чақирар ва улар Кўргон қишлоғига келганларида катта адабий йиғинлар бўлар эди. Жумладан, машхур қозоқ оқини Мойлибойхўжа Кўргон қишлоғига келиб-кешиб турганини, Жуманбулбул ҳам ўз навабатида қозоқлар йиғинига бориб турганини таъкидловчи сатрларни Эргаш отанинг ўзи қайд этиб ўтган:

*Шу замонда қозоқ элда
Мойлихўжа деган ўтган,
Қозоқ элда чечанлиги,
Кўп овоза бўлиб кетган.*



*Аён ким чиқмаган тўйларда,
Сен сўзман етиб ўтган.*

*Аён шайда ёлган чечани,
Неча қизман бойбичани,
Буюк чечанинг чечани
Шу Мойлибой бўлиб ўтган...*

*Қозоқ элдан туркман келиб,
Кўп йулдушни олиб кетган.
Аува бир кеп обборган йўқ,
Етгани савки, унга етган.*

Шу сабабли замонамиздаги энг кучли халқ дostonчилари бўлган асосан шоир йўлдош ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Абдулла шоир Нурали ўғли, шунингдек, сўз санъатининг кадршунос кекса шоири Кўргон қишлоқ дostonчилари Жуманбулбул, унинг отаси Қассоб, акаси Жасоқ бахши ва бошқаларни доимо хурмат билан атаганлари бежиз эмас эди. Бу адабий традициянинг донги қозоқ дostonчиларига қадар етди. Қорақалпоқ халқ шоирларининг гувоҳлик берганича, қорақалпоқ дostonчиларининг бир нечаси Нуроса дostonчиларидан таълим олганлар. Фольклорист Қалли Айимбетов берган маълумотга кўра, Исомурод жироннинг отаси Нурабдулла жирон (1858-1922) дostonчиликни ўз юртида ўргангандан кейин бу соҳанинг билми ва санъатини ошириш учун Нуроса туманига келган ва бу ердаги халқ шоирлари тарбиясида балоғатга етиб, қозоқ дostonчилиги кайтган. Машхур қорақалпоқ халқ шоири марҳум Курбанбой жирон Нуроса туман халқ шоирларининг таърифини эшитган. Турғувулдан Нуротанинг шимолий қисмидаги қорақалпоқлар орасида келиб таълим олганки, бу ерда Кўргон мактабининг таъсирини кўрган эди. Дастлаб дostonчи бўлиб етишиши шу ерда бўлган. Шунинг учун Курбанбой жирон ўзбек дostonларидан баъзиларини ўзбек тилида яхши куйлар эди.

Бу адабий традиция ва Эргаш ота ҳақида гапирилганда, Кўргон қишлоғида неки шоирнинг – Қулсамат бахшининг онаси Султон кампир ва Жуманбулбулнинг момоси Тилла кампирни хурмат билан





лан эслаб ўтишимиз лозим. Хотин-қизларга бутунлай хўрлик на-
зари билан қаралган, уларнинг оддий инсоний ҳуқуқлари поймол
этилган, меҳнат ва ижодий фаолиятлари мутлақо тахқирланган бир
замонда халқ шоирларининг етишиб чиқиши, асарлари ёзилмай
қолган бўлса ҳам, номлари халқимиз ўртасида хурмат билан сакла-
ниб келиши эътиборимизни жалб этади.

Кексалар шоира Султон кампирнинг бадий маҳорати ҳақида
қизқарли хотиралар, ажойиб шеърий сатрларни нақл этадилар.
Кўргон кишлоғининг мактовли чечан шоирларидан бўлган Сул-
тон кампирнинг ўғли ва набиралари ҳам машхур дostonчи эди.
Оғиздан-оғизга ўтиб, бизга етиб келган маълумотта кўра, козok
оқинларидан бири Кўргон кишлоғига келган ва у ердаги шоирлар-
ни кўриш, улар билан айтишиш иштиёқида эканлигини билдир-
ган. Уни Кўргон кишлоқ шоирлари йиғинига йўллаганлар. Сухбат
орасида айтишиш бошланиб, козok оқини йиғиндаги шоирлар-
ни енгган. Голибнинг маҳоратига тан берган бир ўзбек бахшиси:
“Сен бизнинг Султон кампир билан тенг экансан”, – деган эмиш.
Оқин Султон кампирнинг уйини сўраганда, уни йўлга солганлар. У
отини миниб сой бўйига тулиши билан от бўйинини чўзиб сув ича
бошлаган. Ёзнинг куни бир-бирининг устига сув сочиб ўйнашиб
юрган болалардан Султон кампирни сўрабди. Болалар орқасига
бурилса, Султон кампир кўза кўтариб, сойга эниб келаётган экан.
Шу он қичқиришиб танитадилар. Шоира сой бўйига етиб келиши
билан оқин:

*Сендан савол сурайман, турган зайит,
Ўси турган товларинг неча жасар? –*

деб Оқтовни кўрсатган. Шунда шоира:

*Худойимнинг ишин кўр,
Фалақинг гардишин кўр,
Мен билмайман ёшини,
Оғзин очиб, тишин кўр! –*

деб жавоб берган ва оқинни енгган экан. Бу балки бир нақл-
дир. Нақлми, ҳақиқатми – барибир у икки халқ шоирларидан би-



рининг иккинчисидан устунлигини кўрсатиш тенденцияси асосида
яратилмаган, акенича, қобилият ва маҳоратта тан беришлик илга-
ри сурилган. Оқин Кўргон кишлоқ шоирларини енгиб чиқади. Бу
шоирларнинг устозларидан бири шоира момо – Султон кампирдан
енгиллади. Бу ерда ҳар икки халқнинг қобилият соҳиби эканлиги
устурилгани ҳолда аёллардаги маънавий бойлик ва бадий маҳор-
атининг эркаклардан кам эмаслиги таъкидланади.

Тилла кампир Кўргон кишлоғида етишган чечан dostonчи шoi-
рлардан бўлиб, унинг севиб куйлаган эпик асарларидан бири “Ой-
сулув” dostonидир. Бу асарнинг бадий тексти гарчи бизгача етиб
келмаган бўлса ҳам, тўла мазмуни Жуманбулбулнинг ўғли Эргаш
шоирга ҳикоя қилиб бериши ва Эргаш шоирдан 1937 йил январь
ойида бизнинг ёлиб олганимиз туфайли фольклоримиз хазинасига
кимматли маиба сифатида кирди, нашри билан халқимиз ўртасида
кенг тарқалди ва ўзбек адабиёти дарслиklarидан мустаҳкам ўрин
олди. “Ойсулув” dostonининг чуқур социал мазмуни, Ойсулув ва
унинг ўғли Қунботирнинг етуқ образлари асарнинг том маъноси
билан халқчиллик ва бадий юксаклигини намойиш қилади. Хус-
ни, ахлоқи ва одоби, акли ва идрoки, ватанпарвар ва халқпарварли-
ги, сadoқати, матонатги билан юксак инсоний фазилатларни ўзида
муъассамлиштирган Ойсулув образи тadbирли давлат арбоби, ёвуз
душманга даҳшат солувчи доворак ботир, муносиб қаҳрамон-
лар етиштирган олибжаноб ва меҳрибон мураббий она сифатида
алоҳида диққатга сазовордир. Ўзбек халқ dostonларида хотин-қиз-
лар образининг бу даражада етуқ ишланиши фақатгина Тилла кам-
пир ва Эргаш Жуманбулбул ўғиллари муҳитида учрайди. Эргаш
Жуманбулбул ўғлининг “Холдорхон” dostonидаги Юнус пари об-
рази ҳам кўп жонатдан Ойсулувга ўхшайди. Бизнинг фикримизча,
хотин-қизлар образининг олий фазилатлар, улуг гоёлар билан бу
даражада етуқ ишланишида халқ шоирларининг, шу жумладан,
Тилла кампирнинг ижодий хиссаи каттадир. Жуманбулбул ана шу
шоирнинг набираси бўлиши билан ҳақли равишда фахрланган ва
уни ҳам шу даража халқ хурматига сазовор шоир бўлиб етишган.

Ажойиб dostonчи сифатида маҳталган бу шоиранинг шеърлари-
дан беш сатрлигини оғлаки равишда сакланиб қолган. Эргаш шоир-
нинг ҳикоя қилинишига кўра, Тилла кампирнинг эри ёшлигида вафот
этиб, у чақалови билан қолган. Худди шу вақтда шоиранинг кўлига



куйдирги чиққан экан. Ёш келинчакнинг эрдан жудолик мусибати, куйдиргининг азобини шоира шундай ифода этган экан:

*Куйдирги мени куйдирди,
Кўзимнинг ёшин куйдирди,
Қаддимни ёйдаи ийдирди,
Эли-халқимни жийдирди,
Кўкдан кийим кийдирди.*

Кўргон қишлоқда дostonчиликнинг ривожланишида бу икки шоиранинг ҳам роли катта бўлган, албатта. “Қишлоғимизда икки чечан кампир бор эди, улар ўлиб кетди. Улардан сўзни ўрганиб қолмабмиз, — дер эди отам”, — деб хикоя қилиб берган эди менга Эргаш шоир. Жуманбулуннинг бу сўзи XIX асрнинг биринчи ярмида ўтган Султон кампир ва Тилла кампирнинг катта мавкеидан далолат беради. Биз ўзимиз суҳбатлашган донгдор халқ шоирларининг хотиралари туфайли ўз маҳорати, саз ва сўздаги эпчиллиги билан машхур бўлган бир қанча дostonчиларни биламиз. Афсуски, уларнинг ўз ижодларидан намуналар деярли сақланмаган. Аммо шу жонли гувоҳларнинг эътирофи этишлари ўзбек халқ дostonчилиги ва ўзбек халқ шоирлари аъналарини давом эттиришда шоирларимиз ҳам фаол иштирок этганларидан далолат беради.

Бу она шоиралар ижодида ижтимоий тузумнинг жабр-ситамлиридан, ҳақсизлик ва адолатсизликдан нолиш, шикоят мотивлари кучлидир. Жуманбулун шундай шоирларнинг пешқадамларидан бири бўлганлиги учун унинг бағрида ўша рух, ўша қайғу мавжуд эдики, замона зулмига ғазаб, ҳақиқат ва адолатга талаб тароналари аста-секин қулоғига куйилиб, камол топа бошлаган содиқ фарзандларда бундай холнинг бўлиши қонуний эди. Шу муносабат билан Жуманбулуннинг бир шеърини кайд этиш ўринлидир. Нурота беклигининг шимолий қисми — Қизилқум бағирларида яшаган қозқлар қорвачилик билан тирикчилик қилганлари холда айримлари саксовулдан тайёрланган кўмирни Нурота бозорига келтириб сотар эдилар. Амирлик улардан маълум даражада бож олар эди. Айтишларича, Нуротада бу вазифа Милтиқбой деган шахсга топширилган. Милтиқбой божни сўзсиз ва кўпроқ ундириб, ўз обрўйини оширишга интилар экан. Бир куни у Нурота бозорига Жу-



манбулунга дуч келиб, ўзини таъриф-таъсиф қилишни ва звазига шундан қорабайир отини мукофот қилиб беришини айтган. Шундан маъна шуни кенг жамоат ўртасида унинг пасткашлиги, жамият ва жомоат ишига яроқсиз киши эканлигини жасорат билан қўйлаган. Маълумки, кўмир туяга ортиб келинар эди. Аллақанча сувсиз чуқунли отир юк билан босиб келган туя шу меҳнатга чидайдиган юк тортар бўлишини шоир яхши билади. Шунинг учун у ўз сатирасини туя сўзи билан бошлайди:

*Агар туя бўлганда жўнг бўларинг,
Отдан кейин эшакман тенг бўларинг,
Қантар оғмай хариш бўп ағнаб ётиб,
Қарга билан қўзеунга ем бўларинг.*

*Агар йилқи бўлганда ўтмас эдинг,
Баҳонг қирқ беи-элликка етмас эдинг,
Ҳар ким олса ўзингни, айниб бериб,
Чир айланиб овулдан кетмас эдинг.*

Жуманбулуннинг ҳаққа яқинлиги, ўз тақдирини халқ тақдирин билан боғлагани, халқ саодати учун хизмат қилгани ҳар вақт муқом билан тилга олинади. Бу ҳақда Эргаш шоир шундай дейди:

*Ҳар ким кўрса қойил бўлди ўзига,
Ҳам шикъоз бўлди айтган сўзига,
Бир айтганин ким эшитса, ҳавас қил,
Сўзи ёқиб элнинг ўзил-қизига,
Шўйтиб ўтган у замони Булбулнинг.*

*Гоҳ шодликман умри ўтган, гоҳ ғамда,
Гоҳ эл билан бирга ишлаб ҳар ерда,
Дoston айтиб элнинг кўнглин юпатган,
Булбул оти маълум бўлган ҳар юрtda,
Шўйтиб ўтган у замони Булбулнинг.*

Демак, Эргашнинг ўсиши учун унинг оила муҳитида ҳам, у ўсиб ююга етган қишлоқда ҳам жуда катта адабий замин бўлган.



Ана шу адабий заминсиз бу азим санъаткорни, жуда олис-олис-лардан ҳам салобат билан кўриниб турган юсак тоғдек бўлган бу буюк сиймони – дostonлар хазинадорини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Кувончи, гам-гуссаси доимо эл билан бирга бўлган Жуманбулбул ўгли Эргашнинг тарбиясига катта эътибор берган. Ўзи саводсиз бўлган бу улуғ шоир ўглини ёшликдан ўқишга беради. Шунда ҳам у туғри келган домлага эмас, балки Қўқон мадрасаларидан бирида таҳсил олган, ўзига кўшни Қўштамғали кишлоқлик Ўтамурод хатиб тарбиясига топширади. Эргаш кишлоқдаги эски мактабни тамомлагандан кейин отаси уни Бухорога элиб, мадрасага жойлаштиради. Истеъдодли Эргаш Бухорода тожик тилини ўрганади, араб тили билан танишади, хусни хаг машқ килади. Бирок кашшоқлик, мухтожлик унга ўқишни давом эттиришга тўсқинлик қилади. Эргаш кишлоққа қайтиб, отасининг деҳқончилик ишларига ёрдам беришга мажбур бўлади. Шоирлар кишлоғида, шоирлар оиласида туғилиб ўсган зийрак йигитчада ёшликдан шеърятга ҳавас уйғонади. У хар кунни кўшиқ тинглар, шу билан бирга Навоий, Фозулий, хофиз Шерозий, Абдуқодир Бедил, Машраб ва Махтумқули асарларининг кичик девонларини кунт билан ўқиб борар эди. Бир томондан, халқ поэзиясини санъаткор халқ шоирларидан ўрганиш, иккинчи томондан, ўзбек, форс, озарбайжон, тожик ва туркман классик шоирлари ижоди билан қисман бўлса ҳам танишиш Эргаш Жуманбулбул ўғлига жуда самарали натижа берди.

Эргаш отаси, амакилари ва бошқа донгдор халқ шоирлари тарбиясида ўзбек халқ дostonларини барча гўзалликлари билан ўрганиб боради. Эргаш ўн саккизга кирганда Жуманбулбул 68 ёшида вафот этади, саккиз жондан иборат оилани тебратиш Эргашга қoлади. Бу вақт қутилмаган меросхўрлар, давъогорлар чиқиб, Эргашнинг бор-йўғини шилиб оладилар. Эргаш бу мусибатларни ўз таржимаи холида шундай тасвирлайди:

*Катта рўзгор эди, қолди ўзима,
Қўлоқ сонг, ёронлар, айтган сўзима,
Қўп одамлар мункир келиб тузимма,
Томир-тувгон душман бўлган кунларим.*



*Бор кунимда бари менга келганлар,
Топганимда ошу ноним еганлар,
“Сенга бизлар жуда дўстмиз” деганлар,
Ҳамманлари душман бўлган кунларим.*

*Бўлиб-бўлиб олиб кетди ҳақини,
Биз билмаймиз ҳақи бор ё йўғини,
Зоти ё олисми, бизга яқини,
Барига ҳақ бериб турган кунларим.*

*Бари ҳақин олди, бўлдиқ биз қашшоқ,
Топмадиқ минмакка бирорта эшак,
Бизда молдан қолмай ит туғиш пишак,
Бир гадоий-ялангоч бўлган кунларим.*

Жуманбулбул Эргашни уйлантириб қўйган эди. Унинг хотини унинг мактаб устоди Ўтамуроднинг қизи Зийнатой эди. Зийнатойнинг уйига кўчириб келмасдан Жуманбулбул вафот этиб, Эргашнинг бор-йўғидан айрилиши, ёш шоирнинг иқтисодий мухтожлиги уни руҳий қийнади. Келинни олиб келиш учун ўша даврдаги урф-одаг қолдиги бўйича яна бир тўй лозим эди. Эргашда эса бу кулрат йўқ. Бу ҳолни шоир шундай тасвирлайди:

*Хотин қолди отасинишг уйда,
Мен билмайман не гаплар бор уйда,
Қўп ваъдалар бўлган эди тўйда,
Уялиб, боролмай юрган кунларим.*

Эргаш шоир жуда оғир шароитда яшар экан, уни бу аҳволдан кулқариш мақсадида қайнатаси Ўтамурод уни солиқ йиғувчиларга котиблик вазифасига кўяди. Икки йил шу вазифада ишлаган Эргаш инспекторларнинг ҳақсизлик, ўғрилиқ ва хиёнатларини, элга ўтказилган жабр-зулмларини, эксплуатация ҳисобига машаат билан кун кўраётганликларини жуда яхши фаҳмлаб олди ва бу хoinлар билан ишлагани ўзига номус билиб котиблик вазифасидан воз кечди, яна деҳқончилик билан шуғулланди. Айни замонда амакилари ва бошқа халқ шоирларидан дoston ва термалар урганишни давом эттириб, чинчакам шоир – дostonчи бўлиб етишди.



Эргаш шоир укаларини ҳам яхши тарбиялайди. Кўп утмай, Эргашнинг икки укаси — Абдухалил ва Абдужалил эр етиб, унинг каватига кирадилар, уч ога-ини сингиллари билан бирга дехқончиликка уриниб, тирикчиликларини бир нав ўтказишга кодир бўлиб оладилар. Бу вақтда ўзи ва укалари талантларининг кенгайиши кучли устоддан таълим олишни талаб қилар эди. Шунинг учун улар қишлоқдаги дostonчилар суҳбатига доим борар ва етук дostonчиларни уйларига тез-тез чақириб, укалари билан бирга дoston тинг-лашар ва дostonчилик хақида таълим олар эдилар. Шундай қилиб, Жуманбулбулнинг болалари отаси вафотидан кейин ҳам меҳнаткаш халқдан чиққан замонасининг жабр ва жафосини чекиб ўсган шоирлар тарбиясида ўсди. Эргашнинг укаларига ғамхурлиги, отасига кадрдон кекса шоирларнинг тарбияси натижасида кичик укаси Абдужалил 15 ёшида йиғинга кириб дoston айтадиган бўлди, катта укаси Абдухалил 19 ёшида дostonчи шоир номини олиб, элга танилди. Абдужалил бевақт вафот этиб, Эргашни қаттиқ қайғуга солди.

1898—1910 йилларда дала-даштни босиб кетган чигиртка халқнинг бошига офат бўлиб, ҳамма дехқонларни ва шулар қаторида Эргаш оиласини ҳам хонавайрон қилган эди. Ўз таржимаи холида Эргаш чигиртка зарбидан халқ яна ҳам қашшоқ бўлиб, оч-ялангоч қолганини тасвирлайди, меҳнаткаш халқнинг холига қайғуради:

*Бугдойни еб бўлди арпага тўймай,
Кўкарган кўзулоқ, янтоқни кўймай,
Қопқора бўп селдай босиб кўп ерни,
Чигирткага тўлиб қолганди ҳар сой.*

*Тамом еди жўҳорини, тарини,
Тоza еди кўк экиннинг барини,
Ҳеч экин, ёрошлар, ундан қолмади,
Қолдирмасдан еб чакчак-кўкнорини.*

*Чигиртканинг ваҳми ҳаммани босиб,
Даштни босиб ётир тумандай сасиб,
Даштнинг эли чорва, дехқон бечора,
Кун кўролмади қолди камбағал, қосиб.*

Бунда Эргаш чор ҳукумати даврида чигирткага қарши курашнинг аҳамиятини, Бухоро амирлигида эса ундан ҳам ёмон ҳолатнинг тасвир этиб ўтади. Бухоро амирлигига қаршли ерлардан чигиртканинг олдини олиш учун губернаторликдан огоҳлангиларнинг бўлган, лекин унга қарши кураш ибтидоийлигича қола берган. Шунинг учун Туркистон генерал губернаторлиги ва амирликка тобе ерларда халқ оммасининг дехқончиликдан кўрган зарари жуда оғир бўлган эди. Бу вақт Эргашнинг бошига қайғули мусибатлар тушди. Хатирчининг беги Тогойбек Эргаш билан укаси Абдухалилнинг муносабати вақт ўтиши билан Оқтовнинг жанубий томонидаги Мурдеш қишлоғига чақиртириб, туни билан Абдухалилга дoston айтади. Шу ерда Абдухалил шамоллаб, қаттиқ касал бўлади ва бир неча ойдан кейин вафот этади.

Эргаш шоир шу муносабат билан ижод этган кўшиғида жуда кўп этнографик деталлар беради. Тогойбекни қоралайди, ўша вақтларда касални даволайман деб юрган дуохон, табиб-такконларга ишониб, укасидан ажралиб қолганини алам билан кўйлайди:

*Уқитмоқдан, дўстлар, армон қолмади,
Хайру эҳсон қилдик, қабул бўлмади,
Иқтирмоқдан, қоқтирмоқдан кўп бўлди,
Ирови, ёрошлар, ўрин олмади.*

*Иорини сарф қилдим ёлғиз инига,
Аса қолган қийматининг кунига,
Кўп нарсалар кетди табиб-таккон, деб
Битта бири ярамади кунига.*

Бу сатрларда шаманлик, алдамчи, фирибгар касал боқувчиларнинг инсон ҳаётини, хусусан, ёш авлодни сақлаб қолиш, унинг ҳаётга ҳаёт бахш этиш даъволари пуч эканлигини, шу алдамчиларга ишониб, талантли шоир жигаридан айрилиб қолганлигини ва айни замонда бундай фирибгарларга ишониш алданишдан бошда нарса эмаслигини таъкидлагандек туюлади.

Эргаш Абдухалилнинг вафоти муносабати билан икки синглисининг билан халқ ўртасидаги йиғи-айтимнинг жуда гўзал бадийий намунасини беради. Айни замонда Эргаш



йўқловида жигарига бўлган самимий мухаббатини образли ифодалар билан жўшқин куйлайди:

*Эмранди танимда жоним,
Хазон бўлди гулистоним,
Йиллашиб ёр-ёроним,
Бемасҳал куриб бўстоним,
Кўлдан учди бўз тарлоним,
Эшитинглар қадрдоним,
Ёлғиз иним суянганим,
Шунқоримдан жудо бўлдим.*

*Айрилиқ кўйига тушдим,
Жудолик ўтига тишдим,
Ёлғиз укамдан адашдим,
Ғам селлман тўлиб тошдим,
Шодликдан ғам сари кўчдим,
Шодлигимдан жудо бўлдим.*

Талангли шоир Эргаш шодлигини йўқотиб, ғам сари кўчганича ўз ўтига ўзи қоврилиб қолди. Меҳнат аҳллари унга тасалли беришдан бошқа ҳеч нарса билан кўмаклаша олмас эдилар. Амирлик давлати эса бундай кишиларга илтифот ҳам қилмас эди.

Бу воқеадан кўп ўтмай шоир Эргашнинг оиласида касаллик пайдо бўлади. Тиббий ёрдамнинг йўқлиги натижасида катта бир оила сал кунда жаҳолат қурбони бўлади, шоирнинг оила аъзолари бирин-кетин вафот этиб, Эргаш ёлғиз бир кизи билан қолади. Еш кизини ҳам узатишга мажбур бўлиб, ўзи кишлокма-кишлок, шахарма-шахар тентираб умр ўтказди. Бу ҳақда Эргаш шоир шундай ёзган эди: “Менинг бошимга тушган савдонинг адади, поёни йўқ, мен бир катта ховлида бир ўзим қолган, икки ини, икки сингил, тўртга-бешта киздан, тўрт-бешта ўғилдан, хотиндан, боладан айрилиб, бир ховлида бир ўзим қолиб, айрилиқ ўтига чидай олмай, хув деб элдан чиқиб, дашт-биёбонларда, чўлларда сарсон-саргардон бўлиб улоқиб, айрилиқнинг ўтига тутаниб, алам, ситам, қайғу, мотамлар билан кунларни, ойларни, йилларни ўтказиб, элма-эл, юртма-юрт, шахарма-шахар, кўргонма-кўргон, овулма-овул довди-

рай юрган. Ҳар кишининг қанча ситам-алами бўлса, тилдан чиқариб Шундай вақтда оҳ тортиб, бир байт айтиб, ўз холини билдирса, бир яқин кўрган одами билан мунглашгандай бўлади...”

Эргаш шоир куйлаган дostonлар ўзининг гоъвий-бадий юк-маъини билан кўзга ташланиб туради. У “Гуруғли” (туғилиши ва болалиги), “Холдорхон”, “Хушкелди”, “Авахон”, “Ҳасанхон”, “Довли”, “Равшан”, “Хиромон”, “Кундуз билан Юлдуз”, “Нурани”, “Алломини”, “Юсуф-Ахмад”, “Алибек билан Болибек”, “Қундузмин”, “Яска Ахмад”, “Вомиқ-Узро”, “Қумри”, “Ошиқ Ғариб”, “Қоғоноб”, “Тулумбий”, “Махтумқули” каби йигирмадан ортик традицион дostonларни, жуда кўп термаларни билар эди. Булардан ошоник фонизитина ёзиб олинган, холос.

Эргашдаги хофиза қувватининг кучлилиги кишини хайратга солади. У ўзбек тилидаги бирор шеърий асарни иштиёқ билан бир-икки мартаба эшитса ёки ўқиб чиқса, бошдан-оёқ эсида қолар эди. Эргаш систематик равишда дoston айтиб келмаган бўлса ҳам, бир неча юз минг сатрни ташкил этган ўнлаб дostonни ёд билган. Шунан кайд килиб ўтиш керакки, Эргаш дoston қори эмас эди. У устозларига катта хурмат билан қарагани холда ўрганган дostonларини қайта-қайта ишлар, ижодий қобилиятини ишга солиб, дostonларнинг бадий қимматини ошириш учун тиришар эди. Эргаш оёқ-оёқ адабийётдан ҳам баҳраманд бўлгани учун, Навоийдек улўғ шоирларнинг санъатларидан озиқланганидан шерикларига нисбатан яна сўзга бойроқ эди. Унинг дostonлари “Равшан”, Кундуз билан Юлдуз”, “Дали”, “Кунтуғмиш” ва бошқалар республикамиздаги бунга маълум халқ шоирларининг дostonларидан бадий ишланиши жаҳатидан анча устун туради. Дostonчиларимизнинг кўпида шеър тузилишида примитив шакллар кўзга ташланиб тургани холда, Эргаш дostonларида шеърларнинг маълум бир қолипга солинишини ва аксар изчиллик билан давом этганини кўрамиз. Эргашда қоғонлар ранг-баранг. У радифдан кўп фойдаланиши билан баронлар кўйини шаклларини ҳам топиб, ишлата билади. Эргаш дostonларидаги вазн ҳам бошқа дostonчиларимизга нисбатан бойроқ. Эргашнинг катта талант эгаси эканини унинг ҳамма асарларида кўриш кийин эмас. Шеърда сўзларни мумкин қадар иқтисод килиши, ортикча сўзлар билан тизимни чўзиш каби ҳоллардан қочиб, ҳар нарсаининг ўз характерини ифода эта биладиган сўзларни тан-



лаб, бир-икки байт ё банд билан бутун бир хаётий лавҳа берилиши интилишида Эргаш ҳамма дostonчиларимизга намуна бўла олади. “Кундуз билан Юлдуз” дostonида Кундузойнинг тўйи тасвиридаги:

*Йигитнинг ишқори иунда,
Бедовнинг тулғори иунда,
Эр йигитнинг нори иунда,
Кўчисининг ёри иунда,
Томошанинг бари иунда, —*

деб бошланган шеърни эсга олайлик. Бунда улоқдаги чананиларнинг таллашиб, тортишиб улоқ олиб кочишларини, тўдани кўришидаги вазиятларини мана бундай чизади:

*Дўнон семиз така ташлаб,
Оширганлар тақим ташлаб,
Бир хиллар қолди ёнбошлаб,
Қамчисин оғзига тишлаб,
Телсинганинг бари иунда.*

Худди шу тўйда қатта йиғин бўлганини кўрсатган бир шарҳи келтирамиз. Бунда банддаги дастлабки сатрнинг охириги сўзи ва кинчи мисрада биринчи сўз қилиб олинганга ҳам эътибор берили керак:

*Йиғин бўлди, ҳадсиз йиғин,
Йиғилганинг қайсин дейин,
Отли олдин, яёв кейин,
Кейинлиги тим бир бўйин,
Юрмакликнинг бари иунда.*

Эргаш дostonларида табиат тасвирилари (чўл, тоғ, шохар, шўрча, муш кўринишларининг тасвирилари (қалпоқ бозори каби) жуда кўп ва жонли берилган.

Ўтмиш даврлар фольклорига номарғуб шох ва бекларнинг сифлари феодализм даврида бўлиб ўтган золим хон ва бекларнинг



дostonлари ва ҳақрамонларнинг дostonлари ҳам бундай идеаллар бўлганига шубҳа йўқдир. Бу дostonлар ҳамма дostonчиларимизга намуна бўла олади. “Кундуз билан Юлдуз” дostonида Кундузойнинг тўйи тасвиридаги:

*Йигитнинг ишқори иунда,
Бедовнинг тулғори иунда,
Эр йигитнинг нори иунда,
Кўчисининг ёри иунда,
Томошанинг бари иунда, —*

деб бошланган шеърни эсга олайлик. Бунда улоқдаги чананиларнинг таллашиб, тортишиб улоқ олиб кочишларини, тўдани кўришидаги вазиятларини мана бундай чизади:

*Дўнон семиз така ташлаб,
Оширганлар тақим ташлаб,
Бир хиллар қолди ёнбошлаб,
Қамчисин оғзига тишлаб,
Телсинганинг бари иунда.*

Худди шу тўйда қатта йиғин бўлганини кўрсатган бир шарҳи келтирамиз. Бунда банддаги дастлабки сатрнинг охириги сўзи ва кинчи мисрада биринчи сўз қилиб олинганга ҳам эътибор берили керак:

*Йиғин бўлди, ҳадсиз йиғин,
Йиғилганинг қайсин дейин,
Отли олдин, яёв кейин,
Кейинлиги тим бир бўйин,
Юрмакликнинг бари иунда.*



хақидаги кузатиш ва тадқиқотларини бирма-бир ёзиб чиққанда кейин шеър вазнига оид асарларда учрамаган, лекин уша давр шеърятда мавжуд, хусусан, туркий халқлар, айниқса (хозирги тил билан айтганда) ўзбеклар орасида кенг тарқалган шеър вазилари ҳақида қисқача бўлса ҳам жуда муҳим маълумотлар ёзганимиз. Жумладан: “Яна турк улуси ба тахсис чигатой халқи аршойеъ авзондурким, алар сурудларин ул вазн биля ясаб мажолис айтурлар. Бириси туюгдурким икки байтка муқаррардур ва сайкилурларким тажнис айтилгай ва ул рамали мусаддаси мақсурдур. Мундоқким:

Ё раб, ул шахду шакар ёлабмудур,

Ё магар шахду шакар ёлабмудур;

фоилотун, фоилотун, фоилон

Жонима пайваста новак отқоли

Ғамза уқин қошига ёлабмудур?

фоилотун, фоилотун, фоилон

Англашилиб турибдики, туюк халқимиз ўртасида кенг тарқалган, йиғинларда куй билан айтиладиган тўртликларнинг маҳсули бир туридир. У бадий матн ва куй билан бир бутунлиқни ташкил этади. Кўпроқ тажнисли туюк манзур бўлгани учун бўлса керак, шоирлар шундай туюклар яратишга ҳаракат қилганлар. XIV асрда бошлаб олти аср давомида турли шоирлар томонидан яратилиб бизгача етиб келган туюқлар худди шундай. Аммо Навоий замонида туюк бадий матн билан куйнинг бирлигини ташкил этган экан, ундан кейинги асрларда фольклорга хос шу синкритик хусусияти қанчалик ва қай вақтгача давом этганлиги аниқ эмас. Ҳар холда бадий матн анъанаси изчил давом этиб келгани аниқ бўлса ҳам, намуналари деярли кўп эмас.

Тажнисли қофия маълум туркий асарларда XI асрдаёқ мавжудлиги кўзга ташланади. Маҳмуд Кошғарийнинг луғатида шундай бир байт бор:

أظفر اوزوم انك توزنكا

اظفر كوزم انك توزنكا



(Нариннинг анинг гўзаллигига овланар, кўзим анинг [оёк] тўзонага эмланар).

Бу ерда қад-қомат, хушбичимлик гўзаллигини билдирган туз билан тузон ҳолига келган тупроқ маъносидаги туз (талаффуз жиҳатида) у замонда қандайлиги жуда аниқ бўлмаса ҳам) шеърятда шоирларнинг шаклдош сўзлар билан безаш мавжудлигидан далolat берилди. Маҳмуд Кошғарий ўз луғатида келтирган тўртликлардан биринчи қаторда маънодаги тузоқ билан кейинчалик архаик ҳолга келиб қолган севикли, ёқимли маъносидаги тузоқ сўзининг қофиянинг тажнисли қофияларга интилишининг узок ўтмишдаги далилиларидан биридир. Бизнинг мулоҳазамизга кўра, шу мисолларнинг уни ҳам Алишер Навоий таърифлаган туюқнинг ижодий маънодан жуда қадимий бўлиб, классик ёзма адабиётимизда тадрижий равишда мунгазам, қонунийлашган бир шакл олганлигини кўрсатган. Аммо халқ ижодида Навоий изоҳлаган вазн ва куй доирасида қилдириб қолмаган тажнисли шеърлар ўз анъанаси доирасида давом этган. Бунинг изларини тажнисли мақол ва топшимоқларда ҳам кўриш мумкин.

Халқ ижодида тажнис сўз санъатининг чечанлари яратган саъжлар ва шеърый асарларда учраб туради. Аммо бизгача етиб келган тажнисли туюқларда тажнисли жумлалар у қадар кўп бўлмади, лекин уларнинг тажнисли байтлар ҳам онда-сонда йўлиқади. Тажнисли туюқ ва байтлар тузиш сўзга бой бўлиш билангина ўлчанмайди. Ҳар бир тажнисга назар ташланса, ижодкорнинг йирик асар яратиши учун керак бўладиган лавҳалар, деталлар, ҳаёт кучоғи, турмуш шартшароитларига қандай муносабатда бўлмоғи, ўз даврининг ижтимоий ҳаётини қимни қай аҳволга солгани, қим нимани орзу қилгани ва ҳаётда гох суғунч, гох ўқинч, гох кулги, гох ҳасрат эсда қоларлик нарсаларда инфодаланганини кўрамиз. Шунинг учун ҳам сўз санъатининг бу тури, агар таъбир жоиз бўлса, “сўзни ўйната билиш” бизда тажниснинг ривожланишига қатта ёрдам ва сўз санъаткорларининг ижодий ишларида зўр омили бўлган бўлса керак. Шу жиҳатдан қараганда биз билган ўзбек халқ шоирлари орасида сўзга бой Эргаш Жуманбулбул ўғлининг тажнислари диққатни жалб этади. Бизнинг тажнисли тўртликларидан бир нечасини қайд этмоқчимиз:





*Тоғнинг адирини ўради,
Ўрага қўйлар ўради.
Уч тол қилиб санамлар,
Чочини майда ўради.*

Биринчи сатрдаги ўра сўзи от бўлиб, инсон ва ҳайвон учун маънавий шаккат билан аста-аста кўтариладиган юксакликни билдиради. Жумланинг бошланишидаги тоғнинг адирини, деб қайд этилиши (сўз хар бир адир устида эмас, қир-адирлари ҳам қўл. Унга чиқиш учун қўл уриниш ҳам керак эмас) ҳавас билан, завқ билан, тилак билан юқорига интилиш, кўтарилиш, бу эса фазилагда юксалиш символ сифатида кенг маънога эга. Бу хол, айниқса ўзбек халқ дostonларида қаҳрамоннинг ўз орзу-тилақларига эришиш учун сафарлар тоққа кўтарилиши эпизодларида ҳам анъанавий бадийий бир услуб даражасида мустаҳкам ўрин олган.

Иккинчи сатр яна шу тилак билан боғлиқ. Ўзбекистоннинг жуд кўп ерларида кун кизиги билан дашт ўтлари тезда қовжираб қолиб чорва моллари тоғга қараб хайдалар эди. Чорва озик учун кўк ўрорзусида секин-секин тоғ ораларига ўрмалардики, бу табиий талаб айрим жойларда ҳозир ҳам бор, чунки ҳаёт шуни талаб қилади.

Тўртинчи сатрдаги саяжли қофия аёлларнинг соч ўриши ҳақида бўлса ҳам, бунинг юқоридаги икки сатрга мантаний боғланиш бор, деб тушунамиз. Уч тол қилиб санамлар, чочини майда ўради жумласидаги мафхумларга фольклорист сифатида назар ташла сак, ўзбек қизларининг қиёфий гўзаллик белгиларидаги нафосатдан кичкина, лекин муҳим, эътиборга лойиқ этнографик деталлар кўз ўнгимиздан кечадди. Қора сочни икки ўрим қилиб, саллонини гўзаллик меъёрларидан бири сифатида аёлни ҳам, эркакни ҳам қарчалик ўзига жалб этса, сочнинг бир неча толасини бирлаштириб, силай-силаи гўё бир толга келтириб, уч толни бармоқлар орасида унисидан-бунисига, у қўлдан бу қўлга ўткази-ўткази майда қилиб ўриб чиқиш, кейин қирқ қоқилни орқа бўйлаб ёйиб, завқ билан юриш ўшанчалик жозибдордир. Бунда гўзаллик, завқ-шавқ тажас суми бор. Энди кўкаламзор тоғ бағрига ўрмалаб турган қўйларнинг уларнинг хатти-ҳаракатларини узоқдан кузатиладиган завқни эсласак, бир-бирига мутлақо алоқаси бўлмагандай икки байтдаги параллелизм бир даража англашилади.



Арван шoirнинг шу тур асарлари орасида киморбозларнинг асарларига онд бир гўртлик бор:

*Биворднингми довшини,
Бу ва қоқмоннинг довшини.
Қовдорнинг сароҳам ур энди,
Савони қўйсан довшини.*

Биринчи сатрдаги сўз – дов жанжал, ҳақ даъво тортишуви маънасида. Киморбозлар ўртасида ўйин тартибларидан ишқал чиқариш ёки муомалада келиша олмаслик билан жанжал, тортишув сатри бўлади. Маълум бир ҳукмга келишилгандан кейин яна қимор дови олади. Биринчи сатр шунга қаратилган. Иккинчи сатр ошиқ сатри бўладиган навбатдаги ўйиннинг жиддийлашишидан дарак берган Қоқмон ошиқ отганда, сакратиб юборишга хизмат қиладиган предмет (товқа). Айни замонда ошиқларни ютук холига келтириб, қовқиб олинмаган пул-мол. Бу сатрдаги дов қимор ўйинига қўйилган пул-молнинг қўллагини (қатталигини) билдиради. Учтинчи сатрнинг сатр ўрага қўйилган маблағнинг ҳаммаси учун ошиқ сатрини ифодалайди. Бу ердаги дов қиморга тикилган пул-мол. Қиморбозлар орасидаги дов қўйдим, дов кетдим, дов урдим иборалари ҳам шунинг ўзидир. Биз бу тўртликни шoir дов (дав) сўзларининг маъноларини бир тўртликда бир сюжет доирасида маҳорат билан ишлатганини кўрсатиш учун келтирдик.

*Минибди отнинг қорасин,
Курсатмади қорасин.
Куринибди кўзига,
Биларга ҳам қарасин.*

Бу гўртлик бизнинг тасавури미зга кўра, ўзбек халқ дostonларида кенг ўрин олган мотив ва образлар билан боғлиқ. Дostonларнинг тасвирида кўримли от, унинг устидаги йигит ҳам ўзининг уркамлиги, баҳодирлик савлати билан барчанинг диққатини жалб этади. Кўк-бўз от (масалан, Гирот, Бойчибор) араби энг аъло сифатли юримол, чидамли, учқур от деб таърифланса, одатда сора рангли от шу сифатлардан холи бўлмагани холда сулувлиги,



гўзаллиги билан кўзга ташланади. Зотан, ҳаётда ҳам хушбичи қора от табият гўзалликларини севган кишининг томошасига сазовор бўлади.

Юқоридаги тўртликнинг мазмуни шундай: қахрамоннинг кўни га кимдир кўринибди, уни излаб йўлга чиқибди, аммо қизнинг ўн йигитга рўпара бўлгани йўқ. Йигит тушда кўрганига ишониб отин минган, биз гўзалларга ҳам бир боқиб кўрсин, биз ҳам унинг ҳаёли дагидан кам эмасмиз-ку!..

Қизик бўлди тўй энди,

Тўйдан жуда тўй энди,

Дехқоннинг кетди мазаси,

Чорвадор жуда тўйинди.

Биринчи сатр тўйнинг кизиқарли, кўнгил очар бўлганини билдиради. Иккинчи сатрда икки маъно ифода этилган: тўйдаги овқатлардан тўйиб е; тўйнинг ҳам озиқ-овқатидан, ҳам ўйин-кулгидан (шу қаторда кўпқариси)дан хузурланиб тўйиб ол. Учинчи ва тўртинчи сатрларда ҳам мураккаб маънолар мавжуд.

Патриархал уруғчилик одатларига кўра, кишлоқда ким тўй қилса, у ўз қариндошларини, танишларини ўзи тўйга таклиф қилишдан ташқари, уруғ бошлиқлари, кишлоқ оқсоқоллари маслаҳати, таклифи билан шу кишлоқнинг барча аҳолиси, шу кишлоқда яшовчи уруғчи қабилаанинг одамлари тўйга таклиф этилар, йироқ-ёвилар ҳам кўпгина сонни ташкил этар эди. Уларни қутиб олиш тўй эгасининг вазифаси бўлгани ҳолда қишлоқ аҳолиси ҳам моддий, жисмоний ва маънавий жиҳатдан қатнашар эди. Ҳар бир қатта тўйда барча оғирлик меҳнаткаш деҳқон устига тушарди. Айрим туманларда, жумладан, Эргаш Жуманбулбул ўғли яшаган ерларда тўйларда умумий ошга гўшт кўп истеъмол этилишидан ташқари ҳар бир кўноқ уйга кўй бериш, кўпқари учун улоққа ўнлаб эчки, тана топириш, чарвадорлар совринига от, туя, ситир, кўй, пул инъом қилиш, қариндошлар, ёр-дўстлар ва “улуғларга” тўн қийдириш каби урф-одаглар меҳнаткаш деҳқоннинг белини букиб кўяр эди. Бу харажатларнинг кўпи ортиқча баҳо ва процентлар билан қарзга олинар эди. Тарихнинг ана шу аччиқ фожиаларини эсласак, дабдабали тўй натижасида деҳқоннинг нима учун мазаси кетганлиги, чорвадор бойларнинг



қўлиниб фойдаланиб қолганлиги равшанроқ англашилади. Демак, деҳқоннинг тўртликда ўтмиш ижтимоий ҳаётдаги урф-одагларнинг қариндошлари ўз ифодасини топган.

Қозоқ оғлини отади,

Шу ҳам ўлини отади.

Қозоқда иккис кўй ҳали

Дангаси қўйин отади.

Бу тўртликдаги тажнисли сўзларнинг биринчиси ёввойи қушдан ҳайвон – оғлини овлаш мақсадида бирор қурол билан отишини, деҳқоннинг уқ еган оғ жон талвасасида ўзини ҳар томон ташлашнинг ифодаланади. Тўртинчи сатрда эса бу сўз икки маънога эга: қариндош – эшонга назр сифатида кўй атади; иккинчиси – яна шу сўз сифатида кўйни эшонга элтиб ташлайди демак. Бу тўртликнинг ҳам чуқур ижтимоий маъноси бор. Эргаш Жуманбулбул ўғли шундай ўзган ер Бухоро амирлигининг Нурота беклигига тобе эди. Деҳқоннинг Бухоро амирлигига тегишли анча қисми Нурота сий марказига қарарди. Феодал тузумида хуқмрон табақалар ўзлари қай халққа мансуб бўлишларидан қатъи назар ўзбек, тожик, эрақалтоқ ва қозоқ меҳнаткашларини хонлик қонуни ва ғайри қонуний равишда истаганча эксплуатация қилардиларки, бу талов-таловда шарият пешволарининг найранглари диний эътидодан устун олмаган аҳолининг бошига қулфаг устига қулфаг эди. Тешиқлар ҳар ерда қилганларидек, шу агрофлардаги қозоқларни ҳам кўпроқ авраганлар. Соддадил кўманчи қозоқлар орасидаги шундай ихлосмандлик юқоридаги тўртликда тажнис воситаси билан ифода этилганки, бу шу ҳолга ачиниш билан қўйланган самият тўйгусидир.

Табла қозоқ сўзининг икки маъноси бор. Бири маълум халқ, иккинчиси солда, баъзан тез алданувчи шахс. Бу ўзбек ёки ўзбек терминининг ўз халқимиз орасида мавжуд бўлган икки хил маъно ва маъно хил талқинига тенг сўздир. Бундай иккинчи маънонинг юзага келиши ва тарқалишида шахар найрангбозлари, айниқса, алдамчи, қаллоб савдогарлар, жаллоб ва даллоллар “хизмат” қилган бўлсалар керак. Эргаш отанинг бир туғида қозоқ сўзи биз эслатаётган маънони маънода ишлатилган:



Қозоқ сатди қонди энди,

Қозоқни кучук қонди энди,

Ётган ерида арқони

Эсидан чиқиб қопти энди.

Бу ҳазиломуз тўртликда қолди сўзини тажнисли ишлатиш билан содда ва софдил бир шахснинг айрим бир ҳолати тасвирланган. Эргаш шоир шева хусусиятларидан фойдаланиб (зотан у ушмансуб бўлган шевада сўзлар ва ижод этар эди), қизиқарли тажнисли тўртликлар яратган:

Пиширдингми мурути,

Ўсибди, олдир мурути.

Сўни дейсан богбонни,

Қайси эшоннинг мурути?

Биринчи сатрдаги мурут – олмурут (мева), иккинчи сатрдаги мўйлов (мўйловни). Бу ерда сўз уйини билан яна шундай бир шам бордек: мўйлов тоза ўсибди, энди олдирдиш керак. Тўртинчи сатрда кофияси эса муриди демек. Бу ерда ҳам меҳнаткаш деҳқонни ҳам мўйлаб қилиш майли сезилиб туради.

Қуйидаги тўртликда гарчи социал мазмун конкрет очилмаган фақат сўз уйинидан иборатдек туюлса ҳам, юқоридаги тўртликларда гидек текинхўрларга нисбаган салбий муносабат борлиги сезилди:

Қизариб пишган олмади,

Олмадан нега олмади?

Олмагани хўп бўпти,

Энди келса олма ди!

Биринчи сатр кофияси адабий тилда олмадир, тўртинчи сатрдаги ки эса олма де, яъни олмагин, деб айт демек.

Эргаш шоирдан ёзиб олинган “Равшан” достонида ҳам тажнисли гўзал бир тўртлик бор. Равшан ёр излаб узок сафарга кетаётган да, отаси Хасан унга насиҳат қилиб шундай дейди:

Қўлиндан келганча чиқар яхши от,

Яхшилик қил, болам, ёмонликни от.

Насиҳатим ёд қилиб ол, ёлғизим,

Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от.



Ушманнинг фарзанда бўлган меҳр-муҳабати, умид-орзулари, ота-оналари жуда самимий баён этилган насиҳатдан келтирилган бу тажнисли тўртликнинг ўзида ҳам жуда зўр мазмун бор. Тўртликнинг тажнисли кофияларда биринчиси ном, иккинчиси сўз, тажнислик, воз кечмоқ ва хоказо тушунчаларни англатувчи сўзларнинг буфрук шакли, учинчиси хайвон эканлиги изоҳсиз англашга мумкин. Фақат масала ана шу изоҳсиз англашилиб турган сўзларнинг ҳар бирини ўрни-ўрнида исталган фикрни тўла баён қилишга мумкин, эстетик қиммат касб эттира билишдаги маҳоратни кўрсатилади. Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг ҳаёт талабларини чуқур баён қилиши, инсоннинг маънавий бойлигига хизмат қиладиган сўзларнинг бадий тафаккур эта билиши, уларни кишига таъбир-таъриф қилишга олиши унинг диди, ижодий қобилиятини ёрқин қилиб кўрсатилади. Эргаш шоир – ана шундай дид ва ҳунар соҳибларидан бири.

Эргаш шоир шахсий ҳаётда оғир мусибаатлар остида эзилган қайғулар, умидсизликка тушган ҳоллари анчагина кўринса ҳам, гуманистларга эргашди. Шу қарама-қаршиликлар орасида гуманизмнинг улуғлигига ишонган ва унга берилган шоирдир. Эргашнинг гуманизм реал ҳаётга ва реал инсонга муҳаббат, хурмат, эътиборини улуғлаш, меҳнатни тақдирлаш, илм ва маърифатни тарғиб қилиш, прогрессив ҳолатларни жўшқин қуйлаши билан характерланади. У бу олийжаноб хислатларни халқдан ўрганди, фольклорнинг энг яхши асарларини, Навоий ва унинг издошлари бўлган уманист шоирларнинг асарларини ўқиши билан фикрий хазинасини бойлатди. Ота-она билан фарзанд орасидаги меҳр, аёлларга хурмат ва уларнинг қобилиятларини улуғлашда Эргашнинг сермаъно сўзлари ўқувчини ўзига жалб этади.

Эргаш “Гўрўгли” достонларини жуда севар ва асосан шу силлаб-уста достонларни айтар эди. У шулар устида кўп ишлаган эдики, бу тасодифий эмас, албатта. Тушунчаси кенг ва халқ учун қайғурган бу талантли шоирга халқнинг умид ва орзуларини чуқурроқ билдириш учун “Гўрўгли” достонлари кенг имконият берар эди. Ушманнинг ижтимоий чикиши, бу достонларда турли халқларнинг дўстлиги, золимларга қарши биргаллашиб курашиш, адолатни яшириш учун керак бўлганда жондан кечиш, чўлга сув чиқариш,





чўлда шаҳарлар барпо қилиш, мамлакатни обод ва фаровон қилиш каби муҳим ҳаётий масалалар, идеаллар халқнинг кенг фангазори си билан “Гўрўгли” дostonларида энг кўп ўрин олган эди. Эргаш шoir кахрамонларнинг тақдири халқ билан боғлиқ эканлигини ўзининг Гўрўгли ҳақидаги термаларида жуда очик ифодалаган:

*Ҳар ши қилса Гўрўгли,
Эли, халқи ёр эди.
Шул сабадан Гўрўгли
Душиманга дориди,
Енга олмай подиолар,
Ахир ўзи ҳориди.*

Халққа суянган ва халқ учун қайғурган ана шундай мард барди халқлар ва элаларнинг сеvimли кахрамони сифатида таърифланади:

*Туркманда, ўзбекда, қозоқ, қирғизда
Эл суйган бир номдор эди Гўрўгли.
Тўғрини севади, эгрига душман,
Зoлимларга хунҳор эди Гўрўгли.
Доим кўриб Така-Ёвмут элини,
Эли кўп миннатдор эди, Гўрўгли.
Шул сабадан ўзбек, туркман эллари
Жону дидан сеvar эди Гўрўгли.
Юртини кўриди душман эллардан,
Ёвлар келса тайёр эди Гўрўгли.
Халққа душман – Гўрўглининг душмани,
Уларни қийратар эди Гўрўгли.*

Бу сатрлар шуни кўрсатадики, Эргаш шoir ватан ва халққа муҳаббат, зулм ва ҳақсизликка қарши кураш, адолат ва озодлик учун интилиш, мардлик ва меҳнатсеварлик традицияларини улуглабгина қолмади, балки бу олийжаноб йўналишнинг актив ҳимийси ва куйчиси бўлиб хизмат қилди.

Ватанга садоқат, халққа хурмат Эргаш шoir дostonларида зўр оптимистик рух билан қуйланади. Равшан Зулхуморни излаб Ширвон юртига борганда, подшо амалдорлари уни маккорлик билан



қўли билан қўлиб оладилар. Равшанга насихат қилиб, ўз ватанидан, элидан вази кетди. Зулхуморни унга бериб, подшога куёв қилишларини сўздилар. Равшан душманга таслим бўлишни ор-номус деб биланган. У дар остида, жаллодлар қуршовида турган ҳолда зoлимларга қўли қўлиб шундай деди:

*Мен ўзимдан ўз элимдан кечмайман,
Ана бошим оёғимга тенг эмас!..
Қўлимдан келгани қилгин, аяма,
Ҳазини, деб мард йўлидан тояма.*

Фoлимлар традициясига кўра, кахрамон одатда бошқа юртдан бoлиди. Эргаш шoir айтган “Алибек билан Болибек” дostonида Алибек ўз севгилисига эришганда ҳам элини, юртини кўмсайди, у ўзгал ери билан бахтли ҳаётни ўз ватанида, ота-она кучоғида, эл-ю-рти бағридагина севади:

*Келин бирин бунда айлашин баён,
Неча хену табаримни созиндим.
Менинг билан бирга юрган ҳамроҳлар,
Кеч-кундуз дим айрилмас дилхоҳлар,
Жавоб беринг, Урганч элга кетаман,
Она-энамга хизмат қилмай нетаман!
Мен эл билан юртларимни созиндим.
Кетар бўлдим, ота, ўсган элима,
Элим, халқим, диёримни созиндим.
Алибек дер туролмайман мен бунда,
Уларсиз орому тоқат йўқ менда.*

Шoirнинг “Кундуз билан Юлдуз” дostonида ҳам аини гоя гўзал ифодаланган. Эргаш шoir ҳақиқатан ҳам энг илгор халқ шoirлари томондан борди, коллектив ижоднинг прогрессив тенденциялари, унинг ахши анъаналарини ўзлаштириб, гўзал дostonлар ва термаларни яратди. Бу холни шoirнинг ўзи ҳам қайд этган эди. “Алибек билан Болибек” дostonининг охирида ўзидан илгари ўтган йirik халқ шoirларини мактагандан кейин ёзади:



*Шу сўзларни билганимча сўзладим,
Достон айтдим мен шуларнинг йўлман,
Катта шоирларнинг йўли дostonим,
Байтиларини мен ўзимдан бойладим.*

*Будудод ҳеч нарсга, дўстлар, йўл олмас,
Йўл олса ҳам, элга эътибор бўлмас,
Ашр қолар ўз олдига уялиб,
Элга ташьсир қилмас, асл йўл эмас.*

Шоир ўз таржимаи холида яна шу масала устида сўз юритиш бундай дейди:

*Менда қолган катта шоир нуسخаси,
Уларнинг сўзининг йўқдир қисқаси,
Менгге сўзим шу чечанлар мероси.
Бизга шоирларда улар сўзи йўқ,
Сўзи тузул, излаб борсам, изи йўқ,
Ҳар нима деб тусмол қилиб сўз айтган,
Бирини айттириб кўрсанг, тузи йўқ,
Чана сўзин кўрсам, зардам қайнайди,
Ҷафанинг оғзида қисса ўйнайди.*

Кўрамизки, Эргаш шоир бадий асарнинг фақат халққа мақбу ва машур бўлишини, халққа манфаат етказишини асосий талаб қилиб қўяди ва ўзи ҳам шунга уринади. У достончиликда, умуман шоирликда масъулият сезмаган, асарнинг гоёси, бадий хусусиятлари устида ижодий меҳнат сарф этишни истамаган, достонларни паллавертиш куйловчи бахшиларни қаттиқ қоралайди:

*Байт ҳам йўқ, суҳан ҳам йўқ, йўл ҳам йўқ,
Сандираб отини достон кўйибди...
Яши сўзни ёмон қилиб юрибди,
Дона сўзни сомон қилиб юрибди,
Издати, хурматли улуғ эрларни
Хўр қил, юзин туман қилиб юрибди.
Шодлик ерга олиб келиб хўрликни,*



*Сўзинг барин сарсон қилиб юрибди,
Ле ванда калта-калта матанни
Давиттириб, достон қилиб юрибди.
Билмасга, ортини йиғиб ололмай,
Жаманай олмай сайрон қилиб юрибди.*

Ижодий фаолиятга ана шундай масъулият билан қараган Эргаш шоирнинг "Равшан", "Далил", "Кундуз билан Юлдуз", "Кунтуғ-тўғ", "Якка Адмад" ва бошқа достонлари ўзининг гоёвий, бадий ва гузаллиги билан ўзбек фольклори хазинасини беэзади. Шунинг билан ҳам халқимиз бу достонларни мароқ билан севиб ўқиди. Бу достонлар жяхонга танилмоқда...

Эргаш Жуманбулбул ўгли бизга бой адабий мерос қолдирди. Унинг жуда катта ижодий қуввати натижасида ўзбек эпосининг энг яхши намуналари сақлаб қолинди. У халқ ижодини тўплаш, халқ достончиларини аниқлашда кўп ишлар қилди ва катта фойдалар қилди.



Тўра МИРЗАЕВ
Маматқул Жўраев

“КУНТУҒМИШ” ДОСТОНИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Маълумки, ўзбек халқ бахшилари эпик репертуарида муҳим ўрин тутадиган ишқий-романик достонларда севги моҳарорлари, саргузаштли воқеалар тасвирига алоҳида эътибор берилган. Уларда воқеа-ходисаларни лирик йўналиш асосида тасвирлаш аъянаси устуворлик қилади. Бахшилар бадий даҳосининг нодий мўъжизаларидан бири “Кунтуғмиш” достони шундай асарлардандир. “Кунтуғмиш” достонида, бир томондан, кўнглида муҳаббат гунчаси гул очган икки ёшнинг аччиқ қисмати, бошидан ўтказган руҳий изтироблари ёрқин драматик лавҳаларда гавдалантирилган иккинчидан, ана шу оғир қисмат синовларида ҳам ёрқин келажакка ишонч ёғдуси нур таратиб туради. Ўзининг сюжет тузилиши ва композицион қурилиши жиҳатидан ўзбек халқ достончилигида фавқуллодда ўрин тутган бу достон Эргаш Жуманбулбул ўғли, Нурамон Абдувой ўғли, Исломо шoir Назар ўғли, Бекмурод Жўрабов ўғли, Эгамберди Олломурод ўғли, Зоҳир шoir Кўчкор ўғли, Али бахши Ҳақулов, Рўзимбек Муродов, Қодир бахши Раҳимов каби бахшилардан ёзиб олинган.

Атоқли халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Кунтуғмиш” достони ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида 11-инвентарь рақами остида сақланган. 1926 йилда ёзиб олинган. Достон 22х35 ўлчамдаги сарғиш тусли йўлу йўл қогозга араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида сиёҳ билан ёзилган бўлиб, ҳажми 80 саҳифадан иборат. Қўлёзманинг биринчи, иккинчи ва охири (саксонинчи) саҳифасида Ўзбек илмий маркази хазинасидаги “Ўзбекларнинг ўрганиш кўмитаси”нинг штамп босилган ва 21-инвентарь рақами қўйилган. Кейинчалик “21” рақамининг



“11” килиб ўзгартирилган. Назаримизда, Ўзбекистон Фольклор Халқ комиссарлиги Илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш комитети хазинасида “Этнография, фольклор ва археология бўлими”нинг илмий-текшириш кабинетининг (ҳозирги ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти) Фольклор бўлими ташкил этилиши ва 1929 йилнинг сентябрийдан эътиборан бу бўлим Ўзбекистон давлат илмий-текшириш институти таркибидан фаолият юргиза бошлаши муносабати билан ушай пайгача йнгилган барча фольклор материаллари қатори Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган “Кунтуғмиш” достони ва Фольклор архивида қайта инвентарлаштирилган, ана шу ўзгартириш амалга оширилган бўлса керак.

Достон қўлёзмасининг охириги саҳифасида мазкур асарни ёзиб олинган йили тугалланган 1926 йил 5 август санаси кўрсатилган. Шу йилда ёзиб олувчининг ушбу изоҳи мавжуд: “Ушбу достоннинг тарғибини вилоятининг Нурота туманининг Жўш кентининг рақиса уруги Кўргон кишлоқ фуқароси Эргаш Жуманбулбулнинг оғзидан 1926 йил 5 апрель ойидан бошлаб, 1926 йил 5 август ойида мазкур кишининг оғзидан эшитиб ёздим. Мазкур кишининг отаси бир авом бўлиб, ўзи шoirликда мумтоз бўлган бир киши экан. Аммо ўғилларининг сўзлари асли ўзбек тилида бўлиб, лекин баъзи бирларида, эҳтимоли бор, сиёйи тил аралашиб кетган. Буларни аифу қарам билан ювиб кетмоқларини сўраймиз”, деб достоннинг муҳаммад Иса Эрназар ўғли. 1926 йил.¹

Умумий эшик ривоя, сюжет ва мотивлари жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлган бу вариантлар орасида Эргаш шoir нусхаси баъзи ўзгаришлар билан, композицион пишиқлиги билан ажралиб туради. Умуман олганда бу вариантларнинг тарғибини шoirлар билан афзоли билан бир-биридан ажратилган ошиқ-маъшуклар билан, адолатсиз замон тўғрисида оға-онасидан ва бир-биридан ажралиб қолган эгизаклар саргузашти Эргаш шoir вариантлари билан тўғри-тўғри муаммо ижтимоий ҳодисалар фонидан ниҳоятда конкрет ва аниқ тасвирланган.

Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуаридаги “Кунтуғмиш” достонидан айрим парчалар биринчи марта атоқли олим Ҳ.Зарифовнинг “Ўзбек фольклори” хрестоматиясида чоп этирилди.² Мазкур достон 1949 йилда хассос олим Буюк Каримий томонидан нашрга

1. ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№11.
2. Ҳ.Зарифов. Ўзбек фольклори. – Тошкент, 1939. – Б.207-218.





тайёрланиб, Х.Зарифовнинг сўзбошиси билан алоҳида китоб ҳолда нашр этилди.³ 1955 йилда достоннинг Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Нурмон Абдувой ўғли вариантлари асосида фольклоршунос Зарифов томонидан тайёрланган йигма варианты босиб чиқарилди. Бу намуна 1958 йилда алоҳида китоб шаклида, шунингдек, “Ўзбек халқ достонлари” икки жилдлиги таркибида ҳам қайта чоп этилди. Бундан ташқари, Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган “Кунтуғмиш” достони баҳши асарларининг “Булбул тароналари” номи билан беш жилдлик,⁴ “Ўзбек халқ ижоди” кўпжилдлигининг “Озингул” номи билан нашр этилган жилдига⁵ ҳам киритилган. 2011 йилда бу достон Эргаш Жуманбулбулдан ёзиб олинган “Равшан достони билан биргаликда чоп этирилди.”⁶

Эргаш Жуманбулбул ўғли ижро этган “Кунтуғмиш” достонининг 1949 йилда нашрга тайёрланиб, чоп этирилган матни шонир С.Сомова тарафидан рус тилига ўгирилиб, унинг парчалари “Антология узбекской поэзии”⁷ ва “Народная поэзия Узбекистана” тўпламларида босиб чиқарилди. Мазкур достоннинг рус тилидаги тўла намунаси эса “Узбекские народные поэмы”⁸ “Лукавая царевна”⁹ ва “Песни Булбуля”¹⁰ мажмуаларида чоп этирилди. Бу достоннинг тўла намунаси 2016 йилда “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг 9-жилдида нашр этилди.¹²

Достоннинг бошқа вариантларидан Бекмурод Жўрабой ўғли нусхаси Зубайда Хусаинова томонидан нашрга тайёрланиб, М.Саид



Зарифов билан босилган.¹³ Бундан ташқари, мазкур достон Нурмон Абдувой ўғли ва Нурмон Абдувой ўғли нусхалари асосида Эргаш Зарифов томонидан тузилган йигма варианты ҳам бор.¹⁴

“Кунтуғмиш” достони сюжетининг келиб чиқиш тарихи, вариантлари ва асарнинг ўзига хос бадиий хусусиятлари дастлаб Эргаш Зарифов В.М.Жирмунский ва Х.Зарифов томонидан таҳрирланган.¹⁵ Кейинчалик Ходи Зарифнинг ўзи достоннинг 1949 йилда нашрига ёзган сўзбошисида “Кунтуғмиш” достони сюжетининг африм мотивларини (масалан, эпик қаҳрамоннинг аждаҳо билан курашуви лавҳаси) қадимги Талас теварагидан ёзиб олинган достон ва икеллар билан қиёсан ўрганиб, мазкур асар сюжетининг достоннинг тарихига доир қизиқарли фикрларни ўртага ташлаган.¹⁶ Достоннинг гонимий-бадиий хусусиятлари, асосий образларининг баҳани ва талқини каби масалалар М.Афзалов, М.Саидовларнинг асарларида¹⁷ таҳлилга тортилган. Бундан ташқари, “Кунтуғмиш” достонини тарихийлик ҳамда достон вариантлари каби масалалар ҳам маълум даражада ўрганилган.¹⁸

Халқ достонлари бизгача хар хил характердаги жуда кўп ўзгаришлар билан етиб келган, уларда турли даврлар ва замонлар ўзгаришлари кўзга кўриниб келган. Шунинг учун ҳам уларнинг яратилиш даври ва

Бекмурод Жўрабой ўғли, Холбека / Ўзбек халқ достонлари (нашрга тайёрловчи: Зарифов) – Тошкент, 1967.

Зарифов Х. “Кунтуғмиш” достони ҳақида // Кунтуғмиш (достон). Нашрга тайёрловчи: Зарифов – Тошкент, 1949. – Б.3-10.
Афзалов М. “Кунтуғмиш” достони ҳақида қисқача маълумот // Ўзбек поэзияси антологияси – Тошкент, 1948. – Б.56-57-бетлар. Саидов М. Ишк. вафо достони // Холбека (достон). Тошкент: Фан, 1967. – Б.3-9.
Сабитова Т. “Кунтуғмиш” да сеvgи ва садоқат талқини // ЎТА. – Тошкент, 1979. – №4. 9-33-бетлар. Бобоев М. “Кунтуғмиш” достонининг тарихийлиги ҳақида // ЎТА. – Тошкент, 1986. – №3. – Б.28-31. Очидов Н. “Кунтуғмиш” достонининг икки вариантги хусусида // ЎТА. – Тошкент, 2006. – №5. – Б.51-54. Боймухамедова К. Вариантилик муаммоси ва “Кунтуғмиш” достони // ЎТА. – Тошкент, 2006. – №4. – Б.60-64.

Зарифов Х. “Кунтуғмиш” достони ҳақида // Кунтуғмиш (достон). Нашрга тайёрловчи: Зарифов – Тошкент, 1949. – Б.3-10.

Афзалов М. “Кунтуғмиш” достони ҳақида қисқача маълумот // Ўзбек поэзияси антологияси – Тошкент, 1948. – Б.56-57-бетлар. Саидов М. Ишк. вафо достони // Холбека (достон). Тошкент: Фан, 1967. – Б.3-9.

Сабитова Т. “Кунтуғмиш” да сеvgи ва садоқат талқини // ЎТА. – Тошкент, 1979. – №4. 9-33-бетлар. Бобоев М. “Кунтуғмиш” достонининг тарихийлиги ҳақида // ЎТА. – Тошкент, 1986. – №3. – Б.28-31. Очидов Н. “Кунтуғмиш” достонининг икки вариантги хусусида // ЎТА. – Тошкент, 2006. – №5. – Б.51-54. Боймухамедова К. Вариантилик муаммоси ва “Кунтуғмиш” достони // ЎТА. – Тошкент, 2006. – №4. – Б.60-64.





юзига келган жойини аниқлаш ниҳоятда қийин. Бунда тадқиқчи турли характердаги қиёсий материалларга, у ёки бу дostonнинг бизгача етиб келган текстидаги релектларга, дostonчиликнинг умумий тараққиёти хусусиятларига суяниши лозим. Шунда муаллифнинг қарашларида муайян фаразларга йўл қўйилади. “Кунтуғмиш” дostonи ҳам бундан мустасно эмас. Текширувчилар бундан нақллари, айрим тарихий фактлар ва жўгрофий номларни “Кунтуғмиш” дostonининг бир қанча мотивлари билан алоқадор эканлигини таъкидлайдиларки, булар асарнинг яратилиш ўрни ва тарихий асосларини белгилаш учун муҳим қимматга эга.

Дoston “Нўғой” подшоларидан авлиёйи Қорахон деган бор эканлиги лақаблари Қиличхон экан, шу вақтининг одамлари Авлиё ота дегани”, деган муҳим бир хабар билан бошланади. Бу фактнинг ўзини бизни юқори Чиндан тортиб Каспийгача бўлган кенг майдонни тасаруфига олган, X асрдан бошлаб Шарқий Туркистон ва Моғорайнахрда икки асрдан кўпроқ ҳукмронлик қилган қорахонийлар даврига етаклайди. Дostonда учровчи Авлиё ота, Қорахон, Бувайхон исмлари ҳам айрим тарихий жой ва шахслар номларини эслаш тади. Асарнинг бош қаҳрамони Кунтуғмиш номи эса, туркий тилига яратилган илк ёзма дoston, XI асрнинг улкан ёдгорлиги бўлган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида Кунтуғди шаклига учрайди. Қадимий Талас яқинидаги харобалардан бири “Қутумиш” деб аталганлиги ҳам маълум.¹⁹

Қорахонийлар даври ва сулоласи билан боғлиқ бир қатор оғзаки ва ёзма ривоятлар ҳам “Кунтуғмиш” дostonининг айрим эпизодларига ўхшаш келади. Текширувчиларнинг таъкидлашича, бундай афсона ва ривоятлар Авлиёта атрофларида анча кенг тарқалган Соф туркийча бўлган Кунтуғмиш исминини болаларга қўйиш ҳам орасида кенг расм бўлмаган бўлса-да, “Қутадғу билиг” обидасининг қорахонийлар даврида яратилганлигини ва унинг Тавағач Улуғ Бутра Қорахон Або Али Ҳасан бинни Арслонхонга тақдим этилганлигини эътибордан соқит қилиш мумкин эмас.²¹ Шундай бир ривоятлар

¹⁹ Зарифов Х. “Кунтуғмиш” дostonи хақида // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни — Тошкент: Фан, 1971. — Б.43-44.

²⁰ Жирмуновский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. — М., 1947. С.140-142.

²¹ Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг (транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсифлаш нашлагга таърифловчи. Қ.Каримов). — Тошкент, 1971.



Қорахон 95 йил умр кўрган. 40 йиллодшолик қилиб, умрининг 50 йилини тоат-ибодат билан ўтказган. “Кунтуғмиш” дostonи охирида айни фикр сал ўзгарган ҳолда қайтарилади: Қорахон ношо неча йиллардан бери ўзининг ўрнига кушбегисини қўлади. Кунтуғмишнинг ўтига қўйиб, тағизаминга кириб, тоат-ибодат билан бўлиб эди.”²² Яна шуниси муҳимки, афсонада ай- айини, Қорахон Таласда кўмилган. Унга авлиё деб сизинганлар, авлиёнинг эли, Талас Авлиёта, деб аталган. “Қадимдан машхур эдики Талас, — деб ёзади Ҳоди Зариф, — VI асрдан бошлаб Шарқий Туркистон билан Ғарб орасидаги савдо муносабатларида муҳим ўрнидан бири эди. Шарқ билан Ғарб орасида қатновчи қаровон йўли Талас орқали ўтар, тизма тоғларнинг этаклари билан юрар эдилар, дostonда ҳам бунинг излари кўриниб туради”²³. Шу та- табиқ, авлиё орасида Авлиёта деб ном қозонган. Унинг қабри қадимий Таласда бўлиб, кейинчалик бу жой Авлиёта деб юритила бошланган. Абулқасим Қорахоннинг Таласдаги мазори хақидаги маълумот XVII асрдан мавқолабларида, жумладан, Махмуд ибн Валининг “Бахр ал-барқ” асарида маълум бўлган. “Кунтуғмиш” дostonидаги марказий эпизодларидан бири, яъни Қорахоннинг қарвон йўлидаги чашманинг кўзини эгаллаб, унга қарвон йўлига йўлатмай, яқинлашганини ютиб юборган аждарга қарвон йўлини ва уни ўлдириши тасвири ҳам бир қанча афсона ва аждар билан ўхшашдир. Бундай афсона ва ривоятлар яна Талас атрофлари ва унга яқин жойлар билан боғланади. Академик В.В. Бартольдда 1980 йилда Тулкибобша шундай бир нақлни сўзлаб берган: қишлоқдан беш чакирим нарида бир гор бўлиб, унинг остида бир тошга одамни ютиб турган илон сураати ўйилган эмиш, қарвон доим тутун чиқиб турармиш.²⁴ Лекин бу горни ҳеч ким кўрмаган ва ўша тошни кўрган эмас. Ҳозирги пайтда бундай афсона ва ривоятлар қишлоқнинг ёқидан кўтарилиб кетган. Хар қандай бўлса, бу хақиқатдан кўра, аждарга қарши курашувчи қаҳрамоннинг яратилиш йўлида тўқилган афсоналардан бири бўлиши ке-

риниб, афсона ва ривоятлар анчагинадир.

²² Зарифов Х. “Кунтуғмиш” дostonи хақида // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. — Тошкент, 1971. — Б.44.

²³ Бартольд В.В. Сочинения. Т. IV. — М., 1967. — С.115.



1969 йил 19 июнда Чимкент вилояти Лангар тумани, Султонраб кишлоғида яшовчи 72 ёшли Тумак Йўлдошев шу кишлоқ чеккисидаги Илонбузган тепалиги ҳақида шундай бир афсонани сўзлаб берган эди: бир вақтлар Илонбузган обод шаҳар бўлиб, унда кўп хонадон яшаган. Уларнинг бошлиғи бир кампир бўлган. Кампирнинг бир оқ эчкиси бўлиб, кунларнинг бирида ундан соғилган бир коса сутни тоқчага кўяди. Тоқча бурчагидаги ёриқдан бир илон чиқиб, сутни ичади ва битта тилла ташлаб кетади. Бу ҳол кўп кун такрорланади. Икки-уч йилда кампир жуда ҳам бойиб кетди. Мамлакат подшоиси бунинг сабабини сўраганда кампир яширади. Ҳаликам ушбу афсона билан алоқадор бўлади. Ҳаликамнинг ўлими билан Илонбузган обод шаҳари ҳам қолди. Подшо аввал ишонмай, сўнг пойлаб, воқеанинг ростлигини билди. Илон инини топиб, олтинларни олишни буюрди. Бир жойдан илон кўрасини топадилар. Подшо қирқ уйдан қирқ чорак мой йиғдиришни кўрсатди. Подшо қирқ уйдан қирқ чорак мой йиғдиришни катта дошқозонда қайнатиб, илон кўрасига тўқтиради. Мой сўнг илонни ергача бўлган илонлар ўлиб, қолганлари осмонга кўтарилиб, одамларнинг бошидан кириб, оёғидан чиқади. Бунинг натижаси кўпчилик халок бўлади. Бир одам қочиб қутилади. Шунда бир илон кўй хайдаб кетаётган савдогарлар серкасининг шохига илиниб қочган одам борган жойга боради ва уни чақиб ўлдирди. Илон бу одамни ҳам кўймай кириб юборгани учун бу жой Илонбузган деб аталган ва қадимдан обод бўлган шаҳар вайрона бир тепаликка айланди. Илонбузган тепалиги ҳақидаги афсонанинг сал бора қачароқ вариантыни академик В.В.Бартольд ҳам ёзиб олган эди.

Атоқли фольклоршунос олим Ҳ.Зарифов мазкур достондаги Қуш тугмишининг аждаҳо билан жангги лавҳасида тасвирланган воқеани Сайрам атрофларида қайд этилган “Илонбузгон” афсонаси билан бевосита алоқадор, деб ҳисоблайди. 1890 йилда Сайрам атрофларида экспедицияда бўлган шарқшунос В.В.Бартольд билан ҳамсуҳба бўлган кишилар Тулкибошда бир ғор мавжуд бўлиб, унинг ичидан тошлардан бирида одамни ютаётган илон сураги борлиги, шу ғорда унча узоқ бўлмаган жойдаги тепаликлардан бири эса Илонбузгон деб аталишини айтишган. Дарҳақиқат, Жанубий Қозоғистоннинг Сайрам шаҳри яқинидаги Лангар туманига қарашли Султонраб кишлоғи ҳудудида Илонбузгон номи қадимий тепалик мавжуд бўлиб, у ҳақда халқ орасида қуйидаги афсона ёзиб олинган:

25 Ўша мавза — Б.112.



Бизнинг амонларда бир кампир дарё бўйида ўтлаб юрган сигир-қўни соғайтган экан, сувдан улкан илон чиқиб келибди. У кампирнинг олдига бир дона тилла чиқариб ташлабди-да:

— Ҳа, аюмо! Агар мени сут билан боқиб турсанг, ҳар куни шундай дона бераман! — дебди.

Кампир рози бўлибди, орадан бир оз вақт ўтгач, кампир ниҳоят-да бойиб кетибди. Бундан хабар толган хон: “Бу кампир бирор қандай хазина топганга ўхшайди. Бўлмаса, сал пайтда шунча бой-қўни қаердан оларди?!” — деб ўйлаб, кампирнинг тез бойиб кетганига тани келибди. Бечора кампирни саройга чақиртириб:

— Шунча бойликни қаердан олдинг? Ё бирор жойдан хазина-пана топиб олдингми? Ё бўлмаса, бирорта бойнинг уйини урдингми? — деб сўроқ қилибди.

Кампир сирини очгиси келмай, тилини тишлаб, жим тураверибди. Аямо шохнинг қистовидан сўнг, қийноқлардан қўрқан кампир саройнинг олдига кўйибди. Шум хон кампирнинг гапларига ишонмай, кампирнинг бари уйдирма, деб ўйлабди.

Шунда кампир:

— Олманасан, агар менинг айтганларимга ишонмасангиз, илоннинг келишини ўз кўзингиз билан кўришингиз мумкин. Фалон қандай дарё бўйига боринг, — дебди.

Хон айтган пайтда дарё бўйига бориб, панароқда туриб кузатиб, қараса, кампирнинг гаплари бари тўғри эмиш. Сут ичгани билан илон кампирнинг косасига битта тилла ташлаб кетибди.

Кампирнинг илонга яхши муомала қилганлигини кўрган хон кампирнинг ҳар иккаловини қайнаб турган қозонга ташлашни буюрди. Шундан кейин илон шаҳар халқига сира кун бермай кўрибди. Ахир одамлар илоннинг дастидан ҳар қаёқларга кўчиб кетганига мажбур бўлибдилар. Золим хоннинг ўзи эса бошқа шаҳарга кўчиб бориб ўрнашибди. Аммо у барибир илоннинг таъқибидан қўчиб қутулолмабди. Хоннинг сурувидаги серканинг шохига ўралиб олган илон ўша ерга ҳам бориб, қочиб кетган хонни чақиб ўлдирди.

Ушбу афсона сюжетти ўзбек фольклорига кенг оммалашган бўлиб, унинг “Илонсузгон” деб аталган бир афсона тарзидаги варианты

26 Ушбу афсоналар (жой номлари билан боғлиқ афсоналар). Тўллаб, нашрга тайёрловчи ва сурабди муаллифи М.Жўраев. — Тошкент: Фан, 1993. — Б.68.





ти фольклоршунос олим М.Муродов томонидан нашр этилган Самарканд вилоятининг Қўшрабод туманидаги Қўшгамғали қишлоғида яшовчи Абдугани Турдимовдан 1987 йилда Ш.Турдимов ёзиб олган “Богожот аждаҳоси” афсонаси ҳам ушбу эпик сюжет асосида яратилган.²⁸

“Илонбузғон” афсонасида тасвирланган эпик қаҳрамоннинг илон билан курашиши лавҳасининг дostonдаги Кунтуғмишнинг аждар билан жанги эпизодига уйқашлиги ҳамда Авлибота — Талас харобаларининг илгарилари “Кутумиш”, яъни “Кунтуғмиш” дostonи ҳам аталганлигига асосланган проф. Ҳ.Зарифов шундай хулоса келган: “баъзи тарихий ва жўғрофий фактлар, қадим нақллар билан “Кунтуғмиш” дostonи маълум даражада яқинлашади ва айрим деталларда бирлашади. Лекин бу ҳол дostonнинг қорахонийлар даврида яратилганлигига далил бўла олмаса ҳам, дастлаб қадим Талас теварагида маҳаллий нақллар, афсоналар яратилгани, аждар билан курашувчи қаҳрамон (Кунтуғмиш) образи ишлангани, кейинчалик тарихий фактлардан материал олиб, “Кунтуғмиш” дostonига асосинганидан дарак беради”.²⁹

Бундай хулоса учун муайян асос бор. Чунки мунтазам эпик аниқлада халқ дostonлари доимо ҳаракатда бўлганлар, ўзларининг давр вақти асосларини сақлаганлари ҳолда эпиклаштириш томон ривожланишда давом этганлар. Бу нарса фольклор жараёни учун гоյат характерли бир ҳолатдир. Айни ҳолни “Кунтуғмиш” дostonининг ижодий тарихида ҳам кузатиш мумкин. Бизнингча, “Кунтуғмиш” дostonининг дастлабки асоси мўғуллар истилосидан анча кейин халқнинг мўғуллар зулмига қарши норозилиги кучайган ва уларга қарши курашлар авж олган даврларда қадимий Талас ағрофларини яратилган. Бунда қорахонийлар даврида мамлакат иқтисодининг аввалги даврларга нисбатан юксалганлиги, фан ва маданиятнинг янги ривожланганлиги, энг муҳими, туркий тилда юксак бадийий адабий юзага келганлигининг акс садоси умумий тарихий фон вазифасини бажарган. Чунки халқ бошига оғир кунлар тушганда, миллий ва э

²⁷ Асотирлар ва ривоятлар. Тўшлаб, нашрга тайёрловчилар: М.Муродов ва М.Шайхон 1-китоб. — Тошкент: Ёш гвардия, 1991. — Б. 58.

²⁸ Илақ нули афсоналари (жой номлари билан боғлиқ афсоналар). Тўллаб, нашрга тайёрловчи ва сузбоши муаллифи М.Жураев. — Тошкент: Фан, 1993. — Б. 101-102.

²⁹ Зарифов Ҳ. “Кунтуғмиш” дostonи ҳақида // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. — Тошкент, 1971. — Б. 45.



қорахонийлар кучайган вақтларда қаҳрамонна ўтмишга нигоҳ қилиб, ушбу ўтмишда “бўлган адолатли даврларни” жонлантириш, қорахонийларнинг “яхши нарсаларни” ибрат қилиб кўрсатиш халқ ижодидан қариктерли хусусият ҳисобланади. Бунда халқ идеали билан ўтмишдаги бўлган ва бўлмаган “яхши кунлар” ҳақида тўқилган ҳолат ва ривоятлар бирлашиб кетади. Шу тариқа фольклорда эпик асарлар юзага келган. Бундан “Кунтуғмиш” дostonи қорахонийлар даврида тарихий воқеаларнинг айнан акси экан, деган хулосага келишимиз мумкин. Унинг яратилиш асосларидаги на ҳақиқат, на афсона тарихий воқеалар куйланиши ва қайта ижод давомида доимий равишда аниқлашиб борган. XVI аср охириларидан бошлаб дoston асарлари пайванд жиддий равишда қайта ишланган. Бунда Қўргон қалъаси маданиялик мактабига мансуб бахшиларнинг хизматлари ниҳоятда юксалиб кетган. Дoston ўзи яратилган ҳудудда сакланиб қолмаган. Бу ҳолат билан, дostonнинг унинг у ёки бу мотиви билан боғлиқ юқорида қайд этилган тарихий воқеаларнинг мавжуд, Дostonнинг тарқалиш доиралари Самарканд вилояти, шунда ҳам асосан собиқ Бухоро амирилиги ҳудудларида юз берган билангина чегараланадики, бу ҳам бежиз бўлмаса бўлмас. Демак, “Кунтуғмиш” дostonининг яратилиши ва унинг дастлабки асослари муайян тарихий воқеалар билан бирга халқ оралиқ мавжуд афсона ва ривоятлар асос бўлган. Дostonнинг Қашқадарё вилоятининг ўрхондараё бахшилари орасида куйланиши эса XX асрнинг 60-70-йиллари армидан кейинги тарихий-фольклорий жараён, аниқроғи, “Кунтуғмиш” дostonи нашрининг бахшилар эпик репертуарига таъсирини билан боғлиқдир.

“Кунтуғмиш” дostonи бизга етиб келган холида бадий барқарор, композицион пишиқ, ишқий-романик дostonларнинг энг янги асосланади. Унда ишқ, муҳаббат, вафо ва оила масалалари муҳим ҳаёт ҳодисалари билан маҳкам боғлиқ ҳолда тасвирланади. Дostonда Буврахоннинг дабдабали сарой мухити ҳам, чўпонлар кўнхонасидаги фақирона ҳаёт ҳам, қатта қарвон йўлидаги савдочилар тўдасининг ғаламисликларини, балиқфурушлик билан кун кўришни сайёҳлар аҳволи ҳам, тақдир тақозоси билан тўрт томонга қарай ташланган ота-оналар ва эгизаклар тақдирини ҳам ҳамма ҳаммаси гоётда табиий ва ёрқин намоён бўлган.

Дoston бошқа романик дostonлар каби “ўн тўртта киргунча ўн кунлар, қасб-қамолот ҳосил қилиб, ўн тўртдан ўтгандан кейин





сипоҳилик ишларига юз келтириб, қилич чопмоқ, милтиқ отиширишбозлик, кўпқаритозлик, найзадастлик, гаровбастлик ишларига кўйиш” қилган Авлиёйи Қорахоннинг ўғли Кунтуғмишнинг Зангар подшоҳи вазирининг кизи гўзал Холбекани тушида кўриш унга ошиқ бўлиши билан бошланади. Холбека ҳам туш кўриб унинг кўнгили боғлайди ва ўз суратини чиздириб, бир сандиқка солиб дарёга окизиб юборади. Дарё бўйида йигитлари билан шикорчи олиб юрган Кунтуғмиш оқиб келаётган сандиқни кўриб қолади ва оқиб чиқади. Унинг ичидаги сурат қаҳрамонни энди бутунлай ишларнинг дардига мубтало қилади:

*Бог ичинда олма, анор истайдир,
Бўйи маҳбуб, мушки дилдор истайдир.
Қадрдонлар, бирга юрган бекларим,
Дўстлар-ай, кўнгиш бир ёр истайдир.*

Бу ўринда бир мотивнинг бундай иккилантирилиши (қаҳрамоннинг туш кўриб ошиқ бўлиши ва яна маъшуканинг суратини кўриб бу туйғунинг янада кучайиши) дostonни композиция тарқоқликка эмас, балки унинг эмоционалликни, ишонтириш куввати ва бадий таъсир кучини оширишга олиб келган. Бош романик дostonларда эса, бир мотивни турли томондан бундан кенг изоҳлаш кўзга ташланмайди. Уларда бири ё туш, ё сурат кўриш, ё бировнинг хабар бериши, ё гўзалнинг бир лаҳза жам кўрсатиб, гойиб бўлишини таъкидлаш орқали қаҳрамоннинг излаб сафарга отланиши тасвирлана беради. Демак, халқ бахшлари “Кунтуғмиш” дostonида қаҳрамоннинг ўзга мамлакатга залига гойибона ошиқ бўлиши мотивини сақланган ҳолда унинг шакли ва мазмунида, бадий талқинида жиддий ўзига хослик эришганлар. Зеро, мотив бадий сюжетнинг қандайдир таркиб қисми, анъанавий сюжет халқларига эмас, балки эпик қаҳрамонларнинг хар бир ҳолатдаги ҳаракат ва ҳолати манзараси, характерларнинг ўзаро муносабатлари тасвирининг муайян қиррасидир. Реал турмушдаги курашлар, боғланишлар, алоқаларнинг ўзига хос ва қайтарилмас тасвири ҳамдир.

Дostonда яна бир характерли мотив мавжуд. Бу қизнинг ўзини талабгорлар олдига шарт қўйишидир. Никоҳ шартлари ва баҳодир



ва баҳодирларни қаҳрамонлик эпоси учун характерли бўлиб, роҳат ва ҳаётини “Кунтуғмиш”да нард ўйини тарзида намоён бўлган баҳодир қаҳрамоннинг фаҳм-фаросатини, ақл-заковатини синаш ва баҳодирликнинг билан бирга муҳим ижтимоий функцияни ҳам намоён қилган. Бу ҳақида, Холбекага мамлакат подшоҳи Буврахон ҳам қўшади: “Мен устига совчи кўяди. Лекин қизнинг шarti ҳаммага баҳодир. Подшоҳ номардлик қилмасин, ўзидай подшоларга таъна-маъна қилмасин. Менинг шу шartим, эшитмаган, билмаган одам билан бўлса ҳам қавлимдан қайтмайман, шохингдан кўркмайман. Аёл бўлса ҳам келсин, нард ўйнасин, ўтса тегаман, нард ўйна ошиқ бўлган бўлса, келсин, нард ўйнасин, ўтса тегаман, тегаман, подшоҳ деб сийламайман”.³⁰ Буврахон эса, бундай шart-шартларнинг ақл, фаросат ишлатиб, ўзининг Холбекага муносиб шартини неботлашга қодир эмас. Шунинг учун ҳам саройидаги қизга мутоқи кишиларнинг маслаҳати билан Холбеканинг бахтини қўлади, шаҳарга ташқаридан ҳеч қимни киритмасликка, унинг бахтини тилга олмасликка фармон беради. Бу билан соф сеvgи ва бахт муҳаббат йўлини, адолат йўлини боғлаган бўлади. “Кунтуғмиш” дostonида соф сеvgи ва эркин оила куриш йўлидаги гўзлар, таъсир романик дostonларда бўлгандек, гайритабiiй кучлар, таъсир таъсирлари, дев ва парилар эмас, балки Буврахон ва унинг баҳодирлари, савдогарлар қарвони ҳисобланади. Бунинг ўзиёқ дoston конфликтини жиддий ижтимоий қарама-қаршилиқлар асосида таъсирланган далолат беради.

Ушбу учун ҳамма томондан йўллар беркилган бир пайтда Кунтуғмишнинг шаҳарга кириб келади. Қаҳрамоннинг дарвозабон, бозорда қизга сўзлашган кампир, Холбеканинг қанизи Замонгул билан учрашган инқилобларда унинг мардлиги, аҳдига вафодорлиги таъкидланади. Қанизлар Холбекага базоз қиёфасидаги номаълум киши Кунтуғмишдан хабар берганларида аввало унинг баҳодирлик сифатини сўзлайдилар:

*Уш сардор экан, сардор сабоқли,
Уш устига минган қуни ўмоқли,
Халқоққа ёмон қуни керакли,
Қайишай келбатли, бургут қабоқли,
Ниситининг лочинин кўрдим, бувишим.*

Буғула гароналари”, 1-жилд. – Б.174.





Бу сатрлар Кунтуғмиши бизнинг кўз ўнгимизда яққол гашлантиради. Чиндан ҳам мушкул ишларни худди шундай “билим темирдан, тирноғи пўлатдан” бўлган баҳодирларгина бажара олади. Кунтуғмиш ана шундай йигитлардан. У ўзининг ақл-фаросати билан нард ўйинида кўплаб талабгорларни енган мағрур Холбекни мот қилади ва шу мардлиги туфайли ҳам у билан қовуша олади. Уларни Буврахон жаллодлари банд этиб, ҳайдаб кетаётганда Холбек ёрига жаллодларга ялинмасликни маслаҳат беради:

*Аё нозим, бир гапим бор, англаб ол,
Мен сўзлайин, зеҳнингни қўй, қўлоқ сол.
Жаллодларга эланмагин, бўйингдан,
Гаваҳарни не билсин ушанган сопол.*

*Ёмоннинг қарори бўлмас бир ерда,
Кишига касоди тезар тор ерда.
Гаваҳарни не билсин ушанган сопол,
Зарнинг қадрин заргар бишар ҳар ерда.*

Мардликни, баҳодирликни тараннум этувчи бу сатрлар халқимизнинг асрий тажрибиларидан келиб чиққан ўзига хос панд-насихат, ўғит ҳамдир. Бир-бирига яқин бир неча мақол мазмунини шеърый мисраларга бундай хассослик билан сингдириб юбориб достончилигимизнинг юксак маҳоратидан далолат беради.

Достоннинг Кунтуғмиш ва Холбекага жазо тайинлаш эпизодига жазо лозимлигини амалдорларидан сўрайди. Улар шундай дейди: “Эй тақсир, подшоҳим, осиб ўлдирдингиз – кўрдик, бундай дейди: “Эй тақсир, подшоҳим, осиб ўлдирдингиз – кўрдик, тўш сиб ўлдирдингиз – кўрдик, минорадан ташладингиз – кўрдик, тўш сиб ўлдирдингиз – кўрдик. Бу беадабларга шундай жазо буюраминки бир тув бияни олиб келиб сўйсангиз, терисини тулуп килиб олсангиз, хом терига икковини зич килиб тиксангиз, бир асов байталнинг думига такиб, чўл жазирамага ҳайдаб юборсангиз, буларнинг ўлимини ни гажир-қузгунлар еб кетса”. Достонда бегуноҳ қахрамонларнинг аччиқ азоблардан иборат саргузаштлари шу тарика бошланади.

“Кунтуғмиш” достонини она муҳаббатини кўкларга кўтарган мактовчи, она қалбини юксак даражада улугловчи янғроқ каси



да бўлади. Бу нарса Кунтуғмиш ва Холбеканинг теридан омон-эмон чиқиб, Мунол тоғда макон тутишлари ва эгизак фарзанд кўриш-кўридан кейинги эпизодларда яққол кўзга ташланади. Эгизакларни мунол тоғда қўлади, эл-юрт топиш кимсасиз тоғда қолган эгизакларнинг бирдан-бир орзуси. Шунинг учун Холбека тоғда бола-болани тортариш қилиб қолганда, Кунтуғмиш эл излайди, юрт ахтарганда. Бу тоғда Холбеканинг шундай пайтлардаги ҳолати мохирлик билан ойнаган: “Холбека ойим... офтобнинг иссиғидан болаларини қўлидан соқсига ётқизиб, гўдакларнинг ҳалқуми куюниб, лайлак қўлидан қириниб, гоҳ бунисининг оғзига, гоҳ бунисининг оғзига турганнинг солиб ўтириб эди”. Чиркиллаб турган гўдакларга бир қул-қулдан, парча нон бўлмаган пайтдаги муштипар онанинг ҳолатини ёрқин ортиқ тасвирлаш мумкин эмас.

Бу тоғда қарвонбоши Азбархўжанинг хийла билан Кунтуғмишнинг мает қилиб, Холбекани гўдаклардан ажратиб олиш эпизодига она тилдан учта монолог берилади. Бу монологларда фалак-фалакнинг, зулм ва зўрликка қарши аламли нидолар янғрайди, она қўли ва муҳаббати бутун тўлалиги билан намоён бўлади. Холбекани қарвонлар қамчиси зарбига қарамай, болалари томон инти-лини, унинг боламлаб чинқиришлари, ўғилчаларига раҳм-шавкат қўлидан келган болишлари юксак санъаткорлик билан тасвирланган:

*Болаварим эр етган йўқ, бўлган йўқ,
Ахти нодон, ҳеч нарсани бишган йўқ,
Қўнча эди гўдакларнинг гуноҳи,
Норасталар ўйнаган йўқ, қулган йўқ.
Афта билан уйқусидан турган йўқ,
Ахти оч-да, оқ сўтимга тўйган йўқ,
Неки нодон бегуноҳга раҳм айла,
Чил турди, нодонларим эмган йўқ.
Уш нодон, алвон-алвон дўнган йўқ,
Ахти булар етимликка кўнган йўқ,
Қўнча эди норастанинг гуноҳи,
Қўрни очдир, эрта билан эмган йўқ...
Қўнчи қаттиқ, бағри тойдан, золимлар,
Ахч бўлмаса бир эмизиб кетайин.³¹*



ганида кушлар хозир бўлиб, унинг мушкуллини осон қилишибди “Туликаҳаҳ” эртагида эса чинор устига уя курган кушнинг болаларини аждар хуружидан сақлаб қолган Тилла кокилга ўша куш бир донга патидан беради. Тилла кокил ойнайи жаҳонномада кўриган қизни топиб келишда шу патни тутатиб, сеҳрли куш ёрдамида фойдаланади.³⁴ Куш патининг магик хусусиятга эгаллиги хақидан халқ қарашлари “Кенжа ботир” эртагида ҳам ўз бадий ифодасини топган: эртақ қахрамон чиройли олтин пат топиб олади. Шу пат билан кўзичокларнинг сағрини силайди ва улар бир-икки силкиниб, семира бошлайдилар.³⁵

Ўзбек халқ эртақларида магик хусусиятга эга бўлган сеҳрли ашёлардан бири сифатида қўлланилган куш патни детал аънаван поэтик тимсоолардан бири бўлиб, эпик қахрамонга кўмаклашувчи хомий кучларга алоқадор мифологик тасавурларни ўзида акс эттирганлиги билан характерланади. Куш патининг гаройиб хислати эгаллиги хақидаги мифологик тасавурларга асосланган эпик мотивлар ўзбек халқ достонларида ҳам учрайди. Масалан, “Гўрўглини туглиши” достонида хомий-персонаж қахрамонга икки донга пат бериб: “Парларнинг хосияти шуки, баданингга суртсанг гоҳи ё бўласан, гоҳи қаритобланиб, хар хил одам бўлиб қоласан. Оқ парни баданингга суртсанг қора одам, қора парни суйкасанг қора соқол бўлиб қоласан”, – дейди.³⁶ “Тулихиромон” достонида тасвирланган шича, Гардоншоҳнинг пистирмасига дуч келиб, яраланган Авазхо бехуш ётганда, Хиромон унинг устига келиб қолади. У ўз ёрига ёрдам бермоқчи бўлиб, унинг совутини кийиб, сочини бошига туйиб, жангга отланар экан, Авазхоннинг сеҳрли патлар тўғрисида айтган сўзлари эсига тушади: “Авазхон айтган эди: “Оқ парни кўк парни хосияти – бу нисби Чамбилда давлатди, киши ёв зўрлик қилганда кўк парни манглайга сурса, худди душманларнинг ўзинга ўхшаб қолади. Оқ парни Гиротнинг манглайга сурса, худди душманларнинг отига ўхшаб, чўммоқ бўлиб қолади”. Хиромон б

³³ Олтин бешик / эртақлар. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б.115-117.

³⁴ Чалпақ ёккан кун. Ўзбек халқ эртақлари (тузувчи: З.Хусанова). – Тошкент: Ўзлон, 1991. – Б.79-81.

³⁵ Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 1985. – Б.5-6.

³⁶ Гўрўглининг туглиши / достонлар. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – Б.137.



парларнинг бировини отга, бировини ўзига суртди”.³⁷ “Хушкел-ла” достонида эса Қалдирғоч мастон ўз юртига келган қари чол Гўрўгли эканини биллиб, ёқасидан тутиб, Хунхоршоҳнинг хузурига олиб боради. Хунхоршоҳ бу чолнинг Гўрўгли эканига ишонқираганида Қалдирғоч мастон шундай дейди: “Хў, Хунхор, бунинг мастон пари бор, қадимги хосиятли йўк бўлиб кетган кушларнинг мастони. Оқ парни бетига суйкаса, шундай чол бўлади. Қора парни бетига суртса, йиғит бўлади. Шундай қилиб, оқ парни юзига суйкаб, бобо бўлиб юрибди. Агар шундай қилмаса, буни ҳамма таний юрибди-да”.³⁸

Кўринадики, куш патни билан боғлиқ эпик мотив ўзбек халқ достонларининг аънаваний сюжет элементидир. Бундай гаройиб эпик қахрамонга ўз кўринишини ўзгарттириш имконини берувчи, эпик магик хусусият бахш этувчи, бахт ва омад келтирувчи эпик ашёга назифасини бажаради. Қахрамоннинг бу гаройиб ашёга эга эканини лавҳаси ҳам турлича мотивлаштирилган бўлиб, эпик хомийларнинг эҳсони, афсонавий куш томонидан полопонларининг ёлғизлиши эвазига берилган ҳаёти ёки бевосита топиб олинган қора сифатида талқин қилинади. Бу эпик мотивнинг мифологик ашёлари куш патининг магик хусусияти хақидаги халқ қарашлари-га бориб тақалади. Зеро укки, бойўғли каби кушларнинг патларини олиб болаларнинг дўпписига тақиб қўйиш, кўкйўтал бўлган болалар-га кўккарганнинг патни ивтирилган сувдан ичириш, келинчакларнинг боши кийимига пат қистириш каби удумлар ҳам куш культига ишоратли ва парининг магик хоссага эгаллиги хақидаги ишончлар асосида қилиб чиққан.

Куш патининг магик хусусияти билан боғлиқ халқ қарашлари-ни ўзида мужассамлаштирган эпик мотивларнинг генетик илди-лари анимистик тасавурларга боғланади. Аждодларимиз одам ёки парвар жонивор ўлгач, унинг руҳи танасининг муайян қисмлари-да соқланиб қолади деб ўйлаганлар. Ана шу қадимий тасавурлар-да яратилган аниматик мифларнинг архаик шакллари “Авес-тон” да ҳам ўз ифодасини топган. “Бахран яшт”,нинг XVI-фаслида

Гончаровмон / достонлар. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1963. – Б.282.

³⁸ Девон Жумановулбул ўғли. Давли. Хушкелди / достонлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б.300.





тавирланишича, Варағн номли афсонавий кушнинг пати сеҳрли хусусиятга эга бўлиб, кишини душманнинг жодусидан асраб, омад ва шерияраклик бахш этар экан. Зардўшт Ахура Маздага савол бериб, “душманнинг жодусидан сеҳрланиб қолганимда, қутулмоғимнинг чораси борми?” деб сўраганида у шундай жавоб беради:

*Қанотни келг Варағн,
Кушнинг олгин патини,
Патини ол, о, Зардўшт,
Астойдил қилиб ижлос,
У билан танинг сийлаб,
Душманнинг жодусидан
Бўларсан буткул холос.³⁹*

Варағн кушнинг пати билан танини сийлаб қўйган кишига душманнинг хар қандай жодуси таъсир қилмас экан. “Авесто” мифологияси талқинига кўра, қимда шу пат бўлса, омад уни сира тўри этмайди, ҳамisha иши ўнгидан келиб, жанг майдоннда ҳам доғим қўли баланд келаверади. Қудратли Варағн кушнинг патигина эмас, хатто суяги ҳам ана шундай сеҳрли кучга эга:

*Бу пат бизга хайрли,
Қудратли Варағннинг,
Кучли кушнинг сўнсаги,
У ҳам ҳатто сеҳрли.
Қимга мадақкор бўлса,
Қимга омад ёр бўлса,
Уни қўллар меҳр-ла
Муқаддас кушнинг пати.
Уни ўлдирга олмас,
Ҳеч вақт қотилу гаддор,
Пат қимда бўлса агар,
Уни қатл ололмас,
У барча ёвин енгар!⁴⁰*

³⁹ Авесто. Бахран ашт (Варахран алковни) // ЎТА. – Тошкент, 2000. – 2-сон. – Б. 76.
⁴⁰ Уша манба. – Б. 76.



Варағн кушнинг пати туфайли Фаридун уч бошли Заҳокни қатл қилган. Чунки бундай пат соҳибига ҳеч қандай ёвуз куч таъсир қилолмайди. “Кунтуғмиш полвон” дostonида эпик қаҳрамоннинг ҳар томондан ҳаёя этилган сеҳрли пат ҳам Варағн кушнинг пати сингари магик хусусиятга эга. Варағн кушнинг гаройиб патини сўзисидаги эътиқодий қарашлар дастлаб зардўштийликдан асосан анимистик тасавурлар асосида шаклланган бўлиб, яшлар кирали этиб келган бу қадимий мифологик инончларнинг халқимиз орасида кенг оммалашиши натижасида сеҳрли пат билан боғлиқ аниқлашувий эпик мотивлар келиб чиққан.

Ауллас, “Кунтуғмиш” дostonининг Эргаш Жуманбулбул ўғли, Нармон Абдувой ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Ислom шоир Нармон ўғли, Эгамберди Олломурад ўғли, Зоҳир шоир Қўчқор ўғли ва бошқаларнинг ижро этган вариантларидаги барча мотив ва эпик мотивлар унинг яхлит композицион бирлигини таъминлаган. Ундаги барча деталъ муҳим вазифа ўтайди. Бу жиҳатдан дostonда Кунтуғмишнинг кўрган чўпон ҳикоясининг киритилиши характерлидир. Чунки шу ҳикоя тўрт томонга тарқаб кетган эгизаклар ва ота-оналар тасвирида муҳим роль ўйнайди, асарнинг композицион изчиллигини таъминлайди. Чўпон ҳикояси орқали ўз бошларига тушган қисмини биллиб олган Гуркибой аввал Моҳибой билан, сўнг она-бери ва оталари билан топшадилар. Дostonда адолат, ҳақ-ҳуқук ва адолат енгиб чиқади, ярамас шахслар жазоланади. Демак, дostonда адолатсизлик, адолатсизлик, зулм ва зўрлик, хиёнат ва ёвузлик ва бошқалар, одамгарчилик ва саховат улугланади. Унда вафо ва саховат, онла ва эркин муҳаббат, болалар ва ота-оналарнинг бурчи ва адолати халқимизнинг орзу-умидлари идеаллари ўзининг ёркин тасвирини топган.

Шомирза ТУРДИМОНОВ

МЕН ШОИРМАН, ШУНДАЙ АЙТСАМ ЯРАШАР...

(Эргаш Жуманбулбул ўглининг ҳаёти ва ижоди)

Хар неки бор, ўз тақдирига эга.

XIX асрда археологлар шумерлар эпоси “Билгамеш”нинг эрдан уч минг йиллар бурун сопол қаричларга ёзилган нусхасини топиб, олимлар ўқишгач, бизга унут бўлган этнос бадий ижоди ҳақида ажиб тасавурлар қайта ўйгонди. Айтувчиси номаълум асар инсоният тарихидаги илк эпос, деб тан олинди.

Юнонларнинг икки достони ҳам ёзма ҳолда етиб келди. Грек адабиёти ва санъати хали хануз уларга таъзимда. Бу дostonларни куйлаган Гомер номи ўтмишнинг илк бахшиси сифатида тилга олинади.

Тақдир битиги шундай экан...

Ўзбекнинг бахшилари XX асрнинг яримларигача гуруллаб дostonлар куйлашди. Эпик ижод “Космос асри” гача тўла жонли ижодида яшади. Икки дунё бир кадам бўлган шу даврда асосий дostonларимиз ёзув шаклига кўчиб, архивлардан жой олди. Китоб кўришида кўпайиб, ўқувчиларини топди. Бошқа тилларга таржимани қилинди.

Билганлар “Алпомиш”, “Гўрўгли”ни “Билгамеш”, “Одиссея”ларга қиёлашмоқда, бахшиларимиз — Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан шоир, Исломо шоирларни Гомерга менгашмоқда...

Тақдирнинг битиги шундай экан...

XIX асрда Герман Вамбери юртимизга келиб кетди. Тошкент, Бухоро, Хивада бўлди. Бу пайт Кўргонда Жуманбулбул, Жасон Ёрлақаб, Султон кампир, Тилла кампир, Булунгурда Йўлдош булбул-у яна ўнлаб етук бахши-шоирлар авжи илҳом отида эдилар. Лекин олимнинг гузари бошқа манзиллардан ўтди.



Фольклоршунос Алберт Лорд албан бахшисини тинглаб, Гомер дostonларини шундай куйлаган бўлса керак, деб тасавур этиб китоб ёзди. У ўзбек бахшисидан дoston эшитганида мифология тафаккурининг ўзгача бадий-эстетик талқини нодир ҳолатини кўриб, ҳайратланган, жаҳонга жар солган бўлармиди?

Бу ҳам тақдир экан.

Хар бир ўқиниб, афсус чекадиган ўрин эмас. Ўзбекнинг эпик достони исиз кетган эмас. Эпосимизнинг жаҳонга кўз-кўз қилса эрдани мумтоз намуналари ёзиб олинди. Биргина “Алпомиш”-дostonнинг ўттизга яқин варианты хозирги кунда ЎзР ФА Ўзбек адабиёти ва фольклори институтининг фольклор архивида эълонмода, бугунгача шулардан бештаси нашр этилган. “Гўрўгли” туркуменинг қирқдан ортик дostonлари ҳам китоб бўлиб чиқди. Бу улкан хазинанинг келажак авлодларга мерос бўлиб қолишига асосли бахшилару фольклоршунос олимларимизнинг фидокорона меҳнатлари чекиз.

Ўзбек бахшиси инсоният тарихида озгаки эпик ижод анъаналарини ва мумтоз эпос намуналарини жонли ижрода XXI асргача асраб саклаб келган санъаткор шоир сифатида қолади.

Ўзбек бахшисининг пешонасига яратганининг битгани шу экан. Фақат қилса арзирлик тақдир бу!

* * *

Адабиётшуносликда адабий мухит тушунчаси бор. Адабиётнинг таракқиёти, улкан ёзувчиларнинг етишиб чиқиши, янги-янги йўналишларни ўзида мужассам этган ноёб асарларнинг пайдо бўлишида адабий мухитнинг ўрни бекиёс. Худди шунингдек, фольклорда ҳам ўзига хос фольклорий мухит мавжуд. Хусусан, эдик дostonларини авлоддан-авлодга ўтказувчи маълум марказларнинг йиримизни далиллайди. Фольклоршуносликда дostonчилик макtablари деб атаган бу маънавият кўргонлари халқ эпик меросининг мумтоз намуналарини бизларга кўз қорачигидай асраб беминат этилиб келди. Халқнинг ижодкорлик салоҳияти ва қувватини ўзини намоён этувчи айни дostonларни ақл тарозисида чамалаб кўрар эканмиз, бир ҳақиқатга аниқ ишонч ҳосил қиламиз. Бу дostonларни яратган, куйлаган, олмосдек сайқал бериб, бу кунларгача етказган бахши-шоирлар талантига қойил қолмай иложимиз йўқ. Яратган





инъом этган қобилиятни Улуғ бир неъмат билиб, уни рўёбга чиқара олган бунёдкор инсон меҳнатига таърифу ташбеҳлар оживил қилади.

Фан аниқ фикрлайди. Фольклоршуносликда дostonчилик мактабига шундай тавсиф берилган: "...умумлашган пухта энциклопедия анъана доирасида маълум бахши ёки бахшилар гуруҳига ҳар бир индивидиал ижодий хусусиятлар, йўллар, услублар ўзгачалик ва устоз-шогирд муносабатлари мавжуд. Бундай фарқларни кўриб олиш учун Ҳоди Зариф фольклоршуносликда дostonчилик (бахшичилик) мактаблари термини қўллаган..." Бу ўринда бахшичилик мактаблари кенг маънода репертуар бирлиги, ижро ва куйларнинг ўхшашлиги, дostonчилар гуруҳига хос поэтик йўл, услуб, репертуар характери, ижро усуллари билан ўзаро ажралиб туриши кайд этилган (Т.Мирзаев).

Ўзбек бахши-шоирлари орасида донгдор вақиллари билан Самарқанд вилояти худудида жойлашган Кўргон, Булунгур ва Нарпай дostonчилик мактаблари алоҳида ажралиб туради.

"Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилғи", дейишади. Ўзбекистон дostonчилик мактабларининг ҳар бири ўз тарихи, тақдир, ўзининг гини намоён этувчи хусусиятларига эга. Сиртдан кузатган киши ҳам аниқ кўринувчи ижро йўллари бор. Кўргон бахшилари дostonчиларни "сулв" қилиб куйлаганлар. Булунгур бахшилари "ботир Нарпай бахшилари саргузащтларга бой элиб айтганлар.

Бахши дostonни "сулв", "ботир" ... куйлайди, деб халқ бахшичи ган. Халқнинг тафаккур тарзи образли фикрлашга мойил. Бугунги адабиётшунослик атамаларига эвирсак образ пардаси сиринди. Яъни, бу дostonчилик мактабларида анъанага айланган ифода усуллари хусусида гап бораётганлиги англашилади. Кўргон дostonчилик мактабига шеърнинг тўртлик шакли етакчи ўрин эгалайди. Шеърлий лексика мумтоз адабиётга уйғун, оҳанг йўлларида равлонлик, ранг-баранглик мавжуд. Бахши-шоир қахрамонлик руҳиятида кечаётган ҳолатларни тасвирлашга кўпроқ диққат қаратади. Кўргон бахшилари мумтоз макомда куйлаган "Равшани дostonи фикримизни далиллайди.

Равшанининг Зулхумор талабиди Ширвон мамлакатига жўнаб кетишини бахши шундай куйлайди:



Нарвондор паноди,
Анани билсан доноди,
Фаннидан дуо олиб,
Равшани полвон жўнади.

Мирвон тўққан знади,
Индан яғонади,
Сўру бер, деб ёш бачча,
Ширвон қараб жўнади.

Анани суқсур-сўнади,
Ковнаққўлга қўнади,
Сўру бер, деб бек Равшан
Индан тўшиб жўнади...

Бу хил ҳолат тасвирини Булунгур бахшилари "Алпомиш" дostonчилик кандай куйлаганига солиштирсак, масалага ойдинлик киради. Нарчин талабиди йўлга тушган Алпомиш сафарини Булунгур бахшичи куйлагича тасвирлаган:

Индан бошда дўнгуллаб,
Анани қўбба қалқон қарқиллаб,
Индан пойнак уриган,
Ушангиларга ширқиллаб,
Индан отлари дирқиллаб,
Индан кундайин чарқиллаб,
Анани найза сўлқиллаб,
Индан узоқ йўлга,
Ананимай унгу сўлга,
Индан деб ёрнинг элига...

Келтирилган мисолларда моҳиятан бир хил ҳолат куйланмоқда. Буларнинг бирида ошиқ, бошқасида жанчи ёр сафарига отининг тасвирдан англашилади. Булунгур бахшичи "Алпомиш"ни, Кўргончиликлар "Гўрўғли"ни, нарпайликлар "Орзуғул"ни мумтоз макомларда мерос қолдиришган. Бахши "эскиларнинг изини юриб" дoston куйлаган. Из салафлардан мерос келган. Ижодкор





бахши бу изни асрий анъаналар ўзанида янгилаган. Ушбу ўринда эътироф этган йўллар урф бўлади. Наслдан-наслга Жуманбулду йўлдошбулдул каби номлар афсоналарга йўгрилиб ўтади.

Достон халқнинг эпик хотираси ва унга кувват бағишловчи бошилик муҳити мавжуд бўлган ҳолатдагина ривож топган. Бу эпоснинг яшаши, бахши шоирларни тарбиялаб, камол топтирувчи достончилик мактаблари билан чамбарчас боғлиқ кечинишдан лолат беради.

* * *

Ўзбек бахши шоирлари дейилганда, рўйхатлар Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан шоир, Ислом шоир номлари билан бошланади. Бу санокда Эргаш Жуманбулдул ўгли алоҳида ўрин тутади. Улар кистон қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов таърифи билан айтинг: “Ўзбек адабиётининг Навойиси – Алишер Навоий, ўзбек фольклорининг Навойиси – Эргаш Жуманбулдул ўгли”.

Эргаш шоир 1868 йил ҳозирги Самарқанд вилоятининг Кўшрбот туманига қарашли Кўргон қишлоғида, бахши-шоир Жуманбулдул хонадонидан тўнғич фарзанд бўлиб дунёга келди. Эргаш шоир “Гаржимаи ҳол” достонида ўзи ҳақида шундай маълумот берган: “...мен – ёзувчи, Зарафшон вилоятининг Нурота жарибини Жўш даҳасининг Кўргон қишлоғидан Мулла Эргаш, олтмиш беш яшар, Жуманбулдул ўгли, Жуманбулдул Мулла Холмурод ўгли, Мулла Холмурод Мулла Тошнинг ўгли, Мулла Тош Уста Лафсининг ўгли, Уста Лафас Ёдгорнинг ўгли, ўзим ўзбек...” Шоир дostonда ота-боболарининг чечан бахши бўлиб ўтганлигини фахр билан таъриф-тавсиф этган. Шоирлик авлоддан-авлодга суяк сурин келаётганлигини айтган.

Эргаш шоир туғилган олти уйлик Кўргон қишлоғида икки кавакиллари истиқомат қилишган. Бирлари бахши-шоир бўлишса, бошқалари темирчи усталар эди. Шоирнинг тўртламчи отаси Уста Лафас эканлиги бежиз эмас. Қолаверса, Кўргоннинг усталар шоир, шоирлари уста эди. Қадим-қадимдан бу икки касб эл орада хурмат-эътиборда бўлиб келган. Шажарада саналган оталарини мулла сифати эса бу авлодларнинг аксарияти хат-саводли, зифатинсонлар эканлигидан далолат беради. Кўргон бахшиларининг достонларни “сулув” услубда ижро этишларида уларнинг мумто



дони билан бохабар бўлганликлари ҳам ўз таъсирини ўтказган. Эргаш шоир ана шундай адабий муҳитда ўсди, улғайди, камол топди. Унинг тарифининг “Эргаш ёма адабиётдан ҳам баҳраманд бўлганда, унинг Навоийдек улуғ шоирларнинг санъатларидан озиқланганда, унинг ширкларига нисбатан яна сўзга бойроқ эди”, деган фикри билан келишадими, ота-боболарига ҳам тегишлидир.

Ўзбек бахши-шоир яшаб ижод қилар, Эргаш шоирнинг отаси Жуманбулдул, амакилари Жасоқ ва Ёрлақаб уларнинг пешқадам устаси эди. Халқ орасида “Кўргоннинг кудуғидан сув ичганда, унинг шоир бўлмай қолмайди”, деб айтилган сўз беҳикмат эмас. Ўзбекистон олимлар аниқлаган Кўргон достончилари Ёдгор бахши-шоирини боғлиб эллиқдан ошади. Аслида Кўргон достончилик мактабидан тарихи, анъаналари Эргаш шоир санаган беш авлод билан боғлиқдир. Шоирнинг бешламчи отаси Ёдгорга устоз бўлган Жуман бахши ҳам Кўргон қишлоғига асос солган тўрт ака-ука болаларидан – Ўр уста, Эр уста, Сори усталарнинг кенжаси – Куйчи шоирнинг авлоди саналади. Маълум бўлмоқдаки, усталик ва бахшилик узоқ боболардан мерос келиб, бу анъаналар илдири Аму ва Ўр ёлларидан истиқомат қилган сак-массагет уруғ қабилаларидан элик оламига уланиб кетади. Жуманбулдулнинг момоси Тилла шоир айтган “Ойсулув” достонининг Геродот эзиб қолдирган достончилар маликаси Тўмарис афсонасига уйғунлиги тасодиф эмас, аслида, бу хил достонлар бирламчи манбалар ҳисобланади. Достончиликда эпик билим, эпик қолип ва анъана ўта муҳим омиллар. Улар шунчаки пайдо бўлиб қолмаган. Неча-неча асрлар давомида қатрама-қатра бино бўлган ва ибтидоси Одам атога аниқланган муқаддас СЎЗга боғланади.

“Ойсулув” достонининг қора сўз мазмунини Эргаш шоирдан Касп Тариф эзиб олган. Эргаш шоир уни отаси Жуманбулдулдан олган. “Отам айттар эди: “Тилла кампирнинг бир достони бор, уни мен ҳам билмайман, Жоссоқ ҳам билмайди, бошқа шоирларнинг ҳам айтганини эшитмадик. Тилла кампир ёш вақтида кўшик эзиб айттар экан, қариган сўнг, эртак қилиб айттар эди. Мен кўнда эртак солмас эдим, эртак-да деб кета берар эдим”. Бир кун “Тилла кампирнинг эртагини айтиб беринг”, – дедим отамга. Шунда шоир эзиб: “Мен момонгдай айтолмайман-да, билганимни айтсам, ай-



тиб берайин”, – деб ёнбошлаб ётиб накл қилиб эди”. “Ойсулув” тони воқеалари Геродот ҳикоя қилган “Тумарис” афсонасига яқин. Фақат дoston соф фольклорий талқинлар олган. Достон Турон маликаси Ойсулув ва унинг ўғли Кунботирнинг Эрон шаҳри Доро ва унинг лашкарбошиси Пахлавон Қайсарга қарши кураши куйланган. Пахлавон Қайсар хийла билан Кунботирни асир олиш зиндонга ташлайди. Пахлавоннинг кизи Офтобой ёрдам бериб Кунботирни зиндондан халос этади. Кунботир Турон ва Эрон шаҳрининг шиддатли жанги устидан чиқиб, Ойсулув қўшини сарда да жангга қиради. Турон лашкари голиб келади. Доро ва пахлавон Қайсар халок бўлиб, Ойсулув ўғли Кунботирга Офтобойни олиб беради ва ҳаммалари мурод-мақсадига эришади.

“Ойсулув” достонини Жуманбулуннинг бошқа бахшиларга эшитмаганлигининг бош сабабларидан бири бу асарни чечанларнинг фақат аёллар даврасида айтиб келганлиги бўлиши келса, Чунки, бизда аёллар бахшилик қилиб қатта давраларда достон куйлаши ислом дини одатларига кўра урфдан чиққан эди. Сура кампир, Тилла кампир каби чечан аёллар ўзлари билган достон, шикларини аёллар ва болаларнинг тор йиғинларидагина куйлаган. Фикримизни Эргаш шоирнинг навераси Абдугани ота айтиши ушбу хотира ҳам исбот этади. “Онам – Зарбиби саводхон аёл эди. Достон, матгал (эртақ), қўшиқларни кўп биларди. Қўшни аёллар уйимизга тўпланиб онам уларга достон, матгал айтганини кўп куйганман. Бирор-бир эркак келса, жим бўларди, хатто мен келсам ҳам айтмай қоларди. Бўлмаса, ўша вақтлар етти-саккиз ёшдаман. Не магадир айтмас эди. Шунда ўзимни ухлаганга солиб эшитиб ётардим. Онам бир гал “Ўртоқ” деган достонни икки эшитиб ётардим. Қўшиқлариям кўп эди. Бир подшонинг икки ўғли бўлиб, қатган уйланиб, кичиги етти ёшлик вақти ота-онаси ўлади. Шунда янги си болани хафа қилади, у уйдан аразлаб чиқиб кетади. Ақаси унинг узоқ излаб, охири топади. Менинг эсимда:

*Келинг Ўртоқ уйнайлик,
Дарёларни бўйнайлик.
Балиқларга роз айтиб,
Бир худо, деб йўғлайлик, –*



тиб айтилган қўшиқ қолган. Бу хил қўшиқлари кўп эди. Кичик ва катта достоннинг оти Ўртоқ бўлади, шунга достонни “Ўртоқ” деган. Бошқа бировдан бу достонни эшитмадим”. Зарбиби ота-онаси шунга аёллар Кўргон достончилик мактабининг бешигини қўриган. Ўш улардан санақли – Тилла кампир, Султон кампир ва аёллар намоёндalarнинг биламиз. Тилла кампирнинг аччиқ достони шундай эгган куйидаги:

*Бизнинг мени куйдирди,
Кўргоннинг ёшин куйдирди,
Ақсақимни ёйдай ийдирди,
Ақсақимни жийдирди,
Кўргон кийим кийдирди, –*

Мана шундай тўртлик ва Жуманбулуннинг ўғли Эргаш шоирга айтиб берган “Ойсулув” достонига ёдгор қолди. Айтишларича, Тилла кампир эридан, бир неча болаларидан эрта айрилган, усти-устига кўриб куйдирги яра чиқиб кўп азоб берган. Шунда ана шу кўргоннинг айтиб юпанган экан.

Султон кампирнинг қозоқ оқини билан савол-жавоби ҳам эл достонда афсонага айланган. Кўргон бахшилари, хусусан, Жуманбулуннинг шухратини эшитиб қозоқ оқинларидан бири Кўргонга келибди. Баъзи манъабалар оқиннинг исмини Мойлихўжа деб атаган. XIX асрнинг ўрталари, айнан Жуманбулунга замондош достончи икки Мойлихўжа номи қозоқ фольклоршунослигида келтирилган. Уларнинг бири Келес агрофида, бошқаси Қизил Ўрда агрофида ўтган. Бизнинг назаримизда, Жуманбулун билан дўст бўлган оқин Қизил Ўрдалик Мойлихўжа бўлиши мумкин. Бизнинг назаримизда, оқин Нурота ва Қизил Ўрда оқини аччиқ билан бу худудлар ўртасида маданий-иқтисодий алоқалар до-сти бўлган.

Кўргоннинг исмида оқин Кўргонга яқин келган. Қараса, бир кек-кек аёл қулудан сув тортиб, новни тўлдирётди. Аёл – Султон кампир экан.

Оқини саломлашиб, отини новдаги сувга қўйиб, бу элнинг одами билан экан билайчи, деб аёлдан сўрабди:





*Сендан савол сўрайман турган зайит,
Ўси турган товларинг неча жасар?*

Султон кампир:

*Худойимнинг ишин кўр,
Фалакнинг гардишин кўр,
Мен билмайман ёшини,
Оезин очиб тишин кўр, —*

деб жавоб қилибди. Окин: “Бу элнинг номи чиқмаган аёли шунадай чечан бўлса, элга дoston Жуманбулбули қандай бўлди экан... деб изига қайтиб кетган экан. Кейинчалик окин Жуманбулбул билан дўст тутиниб, боришли-келишли бўлган, дейишади. Султон кампирнинг оқинга берган жавобда, оқиннинг бу жавоб қувганини англаб изига қайтишида улкан хикмат бор. Илк ибтидо, ёлми биру борнинг чеварлиги билан бунёд бўлган оламнинг сиру сирини атларини ҳеч бир ақл эгаси англаб ета билмайди. Бу хаёл оти олмайдиган гардишсиз фалакни қамраб оламан, дегандай беҳуда гап. Чорва илмининг билимдони бўлган халқ вақили хар қандаш молнинг тишини кўриб ёшини айтиши мумкин, лекин тоғнинг тишини топа олмайди. Аслида, тан олдирувчи кучдан тан олувчи куч ваг босим туради. У танийди, танитади.

Зар қадрини заргар, сўз қадрини доно билади. Султон кампир Тилла кампирлардан халқ орасида мерос қолган кўшиқлар уларнинг нақадар улуғ сўз усталари бўлганлигини намоён этади. Эргаш шoirнинг Ҳоди Зарифга айтган ушбу сўзлари фикримизни тасдиқлайди. “Ўғлим! Ёшликда билмабмиз, беш-олти оғиз кўшини ўрганиб олиб, шунга кўнглимиз ўсиб, ҳеч ерда болаларга таниб бераман, гап десанг, хирмони билан уйиб бераман”, — деган кета берибмиз, бу замонга келиб, керак қилувини билмабмиз. Ёш лигимизда элда юрган шoirларнинг қадрига етмабмиз. Отаимиз бечора, у ҳам шу гапни айтган эди: “Ёшлик қилдик, Тилла кампирдан биримиз — Булбул, Булбул билан кўшиқ айтишганда, ўртадаги бизникини қилади маъқул, Тилла кампирнинг ҳам тоғгани шу — деб ўта бердик. Сўнг билсак, биз той эканмиз, у — тулпор, биз



екан эканмиз, у — булок, биз дарёмиз деганда, у — денгиз экан”. Эргаш шoir, Жуманбулбулларнинг бу иқrorида тан олиш, таниш ва курашти турибди. Кўргон дostonчиларининг эпик репертуари ва шунадай танилган, тан олган, танилган эру аёл сўз уммонларининг манжаларидир.

Ҳоди Мирзаевнинг Ҳоди Зарифга нисбат бериб айтган гапига шундай қилайлик: “Эргаш ота Амин бахшининг шу тўртлигини кўп эрдан:

Арин буйида андиз,

Ари тубида кундуз,

Толарин осмонга отинг,

Шундай тўқилсин юлдуз.

Тўртликдан завқланиб, “Ана кўрдингизми, ҳатто тоғларни осмонга отинг, юлдуз тугдай тўқилсин, деган!” деб ўринларидан тугдай кетарди”. Эргаш шoirни ҳаёжонга, хайратга солган сўз кудратли бу хайрат Кўргон бахшиларининг ижодини чинаккам санъатга айланди, санъат эгасига айлангирди.

Жуманбулбул ўғли Эргаш мулла боболарининг изидан борсин, дoston ўнллари ўзининг йўлини давом эттириб, бахши бўлади, дoston оғузда, Эргашни мактабга қўйди, Бухоро мадрасасида ўқигди. Эргаш шoir Бухоро мадрасасида таълим олган даврда мударрислардан бирига отаси бахши эканлигини айтган экан. Мударрис бахшилик санъатига нисбатан бенисанд гап қилибди. Иттифоқо, Жуманбулбул ўғлини кўришга Бухорога келибди. Шунда Эргаш шoir кичик давра уюштириб, мударрисни ҳам таклиф этибди, дoston тинчул қилингандан сўнг, Жуманбулбулдан дoston қуйлаб беринини сўрашибди. Эргаш шoir отасидан “Кунтуғмиш”ни айтаёт беришни илтимос қилибди. Дostonнинг Кунтуғмиш болаларини айрилиб, кўкка мурожат қилган ўрни қуйланганда мударрис билан даврадан бош олиб чиқиб кетибди. Мударрис бир йилча аввал би ўғлидан жудо бўлган экан... Орадан бир неча кун ўтиб мударрис, аввал айтган гапи учун Эргаш шoirдан уэр сўраган экан. Жуманбулбулнинг бевакт вафоти Эргаш шoirга мадрасани тинчилаш имконини бермади. Шундай бўлса-да, Эргаш шoirдаги факулдада ноёб хотира, шoirлик таланти нафақат билимларни,



балки бахши боболарнинг меросини ҳам ўзлаштириб олишига вожлантиришга имкон берди. Шоир ижодини яқиндан ўриб уни ўзига устоз деб билган Ходи Зариф шундай ёзган: “Эргаш хофиза куватининг кучлилиги кишини хайратга солади. У ўз тилидаги бирор шеърий асарни иштиёқ билан бир-икки марта ўқичка, бошдан-оёқ эсда сақлаб қолар эди. Эргаш дoston “коррэм эмас эди. У устозларга катта хурмат билан қараган холда ўқийдиган дostonларини қайта-қайта ишлар, ижодий қобилиятини ишга солиб дostonларнинг бадий кимматини ошириш учун тиришар эди.”

Шоирни шундай талант, иқтидор билан сийлаган фалак “Ушуга танглайга берди-ю, манлайига бермади”. Эргаш Жуманбурақ ўғли ўзининг бу аччиқ қисмати ҳақида шундай айтган: “Мен бошимга тушган савдонинг адади, поёни йўқ. Мен бир катта ҳондан бир ўзим қолган. Икки ини, икки сингли, тўртта-бешта қиз, тўртта-бешта ўғилдан, хотиндан, боладан айрилиб, бир ҳондан бир ўзим қолиб, айрилиқ ўтига чидай олмай, хув, деб элдан чиқиб дашту биёбонларда, чўлларда, танимаган элларда сарсон-сарсон дон бўлиб улоқиб, хижрон-айрилиқнинг ўтига тутаб, алам, ситим қайгу, мотамлар билан кунларни, ойларни, йилларни ўтказиб ўзимга бирор мунғдош, ҳамдам, ҳамроз топмай, ғам лойига ийиб, айрилиқ ўтига ўртанганни тополмай, ўзимдай соп бўлганим кўролмай, жаҳон айвонини излаб, мендай бежигар бормикан, де элма-эл, юрма-юрт, шаҳарма-шаҳар, қўргонма-қўргон, овулма-вул довдираб юрган.

Эй ўртоқлар, жон биродарлар! Ҳар кишининг қанча ситам-алими бўлса, тилдан чиқади. Ҳар қандай вақтда ох тортиб, бир бай бир мисра ё бир мухаммас билан айтиб, ўз ҳолини билдирса, бир яхши кўрган одами билан мунглашгандай, бироз озайгандай бўлиб чиқолмай айтади”. Шулар сабаб ҳам эл “бузук (трагик)” дoston деб сифатлаган “Қунтуғмиш” Эргаш шоир ижросида мумтоз мақомда ўта юксак бадий даражада қуйланган.

Қуйган кўнгилнинг хили куй-кўшиқ гулҳанини ёқади, тафти бошқа кўнгилларга харорат беради, ҳар киши бу кўшиқ, қуйда у тақдирининг лаҳзаларини топади. Харорат кўнгилларда ёлқинланиб дарду ғам арийди, рух тозариб, юксак мақомларда озод парвоз этади. Эргаш шоир “Таржимаи хол” дostonида ўз кечмишини кўшиққа солган. Дostonнинг кунларим бўлими анъанавий:



Қўнғил бўлдим икки гавҳар донадан,
Қўнғиллар топиб манзил хонадан,
Қўнғил таваллуд топдим энадан,
Қўнғилнинг жисмига кирган кунларим.

Қўнғилни билан бошланиб, ҳар бир ёшга алоҳида тавсиф берил-

ди. Бу савкиё ёшимда отамиз ўлди,
Қўнғил “нодон” энди етим бўй қолди,
Қўнғил хўрлар энди ўртага олди,
Қўнғил бириман вағирлашган кунларим.

Қўнғил шоирнинг оғир кунлари ота вафотидан сўнг бошланди. Қўнғил синглилари ёш, фотиҳа қилинган қаллиғи отасининг уйида қўнғил Қолаверса, меросхўрларга борини талатган шоир ҳолини қўнғил баён этган:

Қўнғиллар” айтди: “Рўзгор қишолмас,
Қўнғил иккилик кунлар кўролмас,
Қўнғил эл ичида энди юролмас”,
Қўнғил маломат бўлган кунларим.

Қўнғилнинг қул олтин аёқдан сув ичар”, шоирнинг қайнотаси Ўта-қўнғил хатиб Жўш даҳасининг хатиби эди. Хатиб Жўшга қараган қўнғилнинг уйли халқдан хирмонга юриб қафсан олар эди. Олти қизи бор эди, қариганда икки хотини икки ўғил туғди. Шоирнинг никоҳи эди бўлганида ўғиллари бир яшар эди. Ўтамурад хатиб хотинларнинг маслаҳати билан Эргаш шоирни ёнига олди, қафсан йиғув-чи юлди. Орада амирлик амлақдори Кўзибекка Эргаш шоирнинг қул саводи хуш келиб хатибдан тилади. Уч йил Кўзибек қўлида қўнғиллик қилди.

Қўнғил дарғаси – бари урлади,
Уруғи тобора-бора зўрлади,
Қўнғил барқиси ангиб, топиб ол,
Қўнғил айбдор бўлиб терлади.





Менга ҳам иш берди, орқасин кўрди,
Урлиқ толмай охир ўзи тан берди...

Охири ихтиёрни берди қўлима,
Ишонди, ҳар не деб айтсам тилима,
Неча марта кўриб, айб тополмай,
Мени қўя берди ўзим йўлима...

Ҳалоллик, тўғри сўзлик, киши ҳақкига хиёнат қилмаслик Эргаш шоир табиатига қон билан ўтган эди. Қўзибек бошқа даҳага амалдор этиб тайинланди. У ўзи билан шоирни ҳам олиб кетмоқчи бўлди. Шоир рўзгоридан ортиб, бора олмаслигини айтиб узр сўради:

“Энди бунда биз бўп қолган рўзгордор,
Бу ватандан чиқмоғимиз кўп душвор”;
Чақирса ҳам боролмадик биз энди,
Биз — бечора, сипоҳлик на даркор?!

Шоирнинг бахти оиласида, ўз тенгини топганида эди:

Йиғитлик мавсуми очиган гўлдай,
Одамзоднинг умри ўтади селдай,
Ёмон бўлса ҳар кишининг рўзгори,
Бир куни бўлади, ёронлар йилдай.

Қобил бўлса эр йиғитнинг хотини,
Хотин чиқаради эрнинг отини,
Хотин қобил бўлса, эрга мувофиқ,
Битиб, ода қип бўлмас сифатини...

Аёлим, ёронлар, кўп мулла эди,
Эси-ақли бутун, кўп доно эди,
Ҳеч шидан кам эмас эди, ҳунардан,
Кўп хуисураат, тарифсиз барно эди...

Кўрғон муҳитида хат-саводли аёллар кўп бўлганлиги алоҳида диққатга лойиқ. Эргаш шоирнинг турмуш ўртоғи Зийнатой, киши



Зийнабойлар фикримизни тасдиқлайди. “Тулпор биядан — алп онадан” бола тарбиясида, унинг дунёқарашининг шаклланишида онадан ўрни бекиёс. Тилла кампир, Султон кампир, Зийнатой, Зарина қони аёллар оиладаги маънавий муҳитни яратганлар. Умуман эгалла оила, ота-боболар тарихини болалар онгига сингдиришда эрга, амма-холаларнинг ўрни бекиёс. Эргаш ота ва Кўрғон бахши-эрга оилда сўраб, суриштиришлар давомида Зиёд момо, Мукар-рза тола, Кенжа хола, Камолат амма, Турдой амма, Бибишой моллақонинг хотиралари, гап-сўзлари бебаҳо манбалар эди. Афсуски, бу мамбулбул васият қилганидек Эргаш шоир инилари Абдухалил ва Абдужалилларни бахши этиб тарбиялади.

Иновни ҳам ҳа деб дўмбира чертган,
Аҳр ким кеп эшитса, уни эритган,
Йир иситилар эди қобил, суҳбатли,
Йир хил бахшилардан эмас эсиритган!...

Чечанликда сўзга сувдайин оққан,
Айтелган сўзи ҳамма одамга ёққан,
Унчириши айтган сўзи адабли,
Сўзга либос бериб, гавахарлар таққан...

Амвал Абдужалил вафот этди. 1898 йил юртга чигиртка офати келди. Хатирчи бегининг талаби билан Тоғайбек чигирткага қарши қанлар уюштирди. Бек элни овутиш учун бахшиларни йиғди. Абдужалил шу хашарда қўшиқ айтиб, халқнинг олқишларини олдию, бевосилан дардга чалиниб чин дунёга кетди. Абдухалил жудолиги ўрни шоир қалбини ларзага солди. Унинг сингиллари тилдан келтирилган марсияси бу ҳолатнинг далили, исботидир:

Сувдан чиққан суйругим,
Юрtdан узган жуиругим,
Юдла кирар дейовчи эдим,
Нисирма бўлди буйругинг.
Олғир қушинг иунқори,





*Менга ҳам иш берди, орқасин кўрди,
Урлик тоғмай охир ўзи тан берди...*

*Охири иштиёрни берди қўлима,
Ишонди, ҳар не деб айтсам тилма,
Неча марта кўриб, айб тополмай,
Мени қўя берди ўзим йўлима...*

Ҳалоллик, тўғри сўзлик, киши ҳақкига хиёнат қилмаслик Эргаш шoir табиатиға қон билан ўтган эди. Кўзибек бошқа даҳаға амалдор эғиб тағйинланди. У ўзи билан шoirни ҳам олиб кетмоқчи бўлди. Шoir рўзгоридан орғиб, бора олмаслигини айтиб узр сўради:

*“Энди бунда биз бун қолган рўзгордор,
Бу ватандан чиқмоғимиз кўн дуғвор”;
Чақирса ҳам боролмадик биз энди,
Биз – бечора, сипоҳилик на даркор?!*

Шoirнинг бахти оиласида, ўз тенгини топганида эди:

*Йиғилик мавсуми очилган гўлдай,
Одамзоднинг умри ўтади селдай,
Ёмон бўлса ҳар кишининг рўзгори,
Бир кўни бўлади, ёронлар йиғдай.*

*Қобил бўлса эр йиғилиннинг хотини,
Хотин чиқради эрининг отини,
Хотин қобил бўлса, эрга мувофиқ,
Биғиб, ода қип бўлмас сифатини...*

*Аёлим, ёронлар, кўн муғлла эди,
Эси-ақли бутун, кўн доно эди,
Ҳеч шидди кам эмас эди, ҳунардан,
Кўн хушсўрвати, тарифсиз барно эди...*

Кўргон муҳитида ҳаг-саводли аёллар кўп бўлганлиги алоҳидликкагга лойиқ. Эргаш шoirнинг турмуш ўртоғи Зийнатой, кўн



шoirлар фикримизни тасдиқлайди. “Тулпор биядан – алп онадан” деган тарбиясида, унинг дунёқарашининг шаклланишида онадан ўрни бекиёс. Тилла кампир, Султон кампир, Зийнатой, Зарина каби аёллар оиладаги маънавий муҳитни яратганлар. У муманозил оила, ота-боболар тарихини болалар онгига сингдиришида аёллар айма-хोलаларнинг ўрни бекиёс. Эргаш ота ва Кўргон бахшилар оиласида сўраб, суриштиришлар давомида Зиёд момо, Мукаррам момо, Кежа хола, Камолат амма, Турдой амма, Бибишой момонининг хотиралари, гап-сўзлари бебаҳо манбалар эди. Афсуски, бу хотираниннинг мавжларинигина илғаб қолдик, холос. Абулбулбул васият қилганидек Эргаш шoir инилари Абдуҳади ва Абдуҷалилларни бахши эғиб тарбиялади.

*Нисковни ҳам ҳа деб дўмбири чертган,
Аҳр ким кеп эшитса, уни эритган,
Бир инсигилар эди қобил, сўхбатли,
Бир хит бахшилардан эмас эсиритган! ...*

*Чечиликда сўзга сувдайин оққан,
Ангилан сўзи ҳамма одамга ёққан,
Учирини айтган сўзи адабли,
Сўзга либос бериб, гавҳарлар таққан...*

Амвол Абдуҷалил вафот эғди. 1898 йил юртга чигиртка офати эғди. Хатирчи бегининг талаби билан Тоғайбек чигирткаға қарши эғди уюштирди. Бек элни овутиш учун бахшиларни йиғди. Абдуҷалил шу хашарда кўшиқ айтиб, халқнинг олқишларини олдино, эғди. Эғди давомида чалиниб чин дунёға кетди. Абдуҷалил жудолиги эғди шoir шoir калбини ларзаға солди. Унинг сингиллари тилдан келтирилган марсияси бу ҳолатнинг далили, исботидир:

*Сундан чиққан суйругим,
Иртдан ўзган жуйругим,
Итқа кылар деювчи эдим,
Нисарма бўди буйругинг.
Одеғр кўшининг ишқори,*



*Югурукларнинг туллори,
Эр йиғининг сардори,
Тенгхурлари тождори,
Шуқор акам, вай-вай,
Раҳбар акам вай-вай...*

Кувонч ҳам, ғам ҳам эгиз келади экан. Тез орада шоирнинг оиласи тутдай тўкилди. Унинг бир юпанчи сўз, қўшиқ бўлди. Ма-эл кезди, юртдан-юртга ошди. Сўзловчиларнинг маълумоти кўра шоир бир кетганида Афғонистондан ўтиб Мозондаронга (бузи) ҳеч тепамга келмади⁴¹, деб айтганини эслашади, одамлар биргина армон замирида шоирнинг кўнгил олами иқлимларини қанча турланиб, тусланганлигини англаш мумкин. Юлдуз тула нималарни истаган, қайси бир манзил-мақонларда кўним тош кимлар билан тиллашиб, сирлашган. Гўрўгли бўлиб Гиркўк бини Боғи Эрам, Кўхиқофу Торкистонларга неча бор бориб келган, Кувонч тугмиш бўлиб қаландарлик кўчаларида девонаҳол кезган...

Тақдир шоирнинг яқинларини олиб жабр этди, эвазига кўнгли калитини берди. Шоир суҳбатларининг қўри, куввати ушбу мулкка эғалигида эди. Бу қувват Эргаш шоирга қайси ерда бўлмасин қайси даврага кирмасин синик кўнгилларга рўшнолик олиб киришига, ғам лойига йиланган тақдирлардан шодлик уруғини топишига, ёруғ муродга ундовчи йўриқчи бўлишига куч берди. Инсон номини улуғ туттишига таянч бўлди.

*Мана турган Жўи элда,
Егани семиз гўи элда,
Ғамдан изласанг топмайсан,
Димоғи доим хуш элда.*

деб, доимо ёруғликни топишга ундади. “Мен шоирман, шундан айтсам ярашар”, дея қуйлаган бахши, шоирлик мақомини улуғ тутди, унга муносиб яшади. Шу қувват сабаб Эргаш шоир тузган дидарнинг сеҳри, оҳанграбоси бор эди. Шоирнинг невараси Абдуға-



на хотирлайди: “Эргаш ота шундай одам эдики, у одамнинг қандави экани билган одам кетмасди. Шу ерда бир достонни эслади. Тўрт киши бўлсак, бир одам иш учун “тўрс” этиб келган эди. У ҳам иши эсидан чиқиб ўтириб қоларди, бешов бўлайди. Тўрт одам, нингма-эшиг бешов олти, борки ўн-ўн беш бўлиб, одам билган одамни қоларди.

У одамнинг яна бир хислати, гапирганда бирор воқеа “бундай бўлган экан, ундай бўлган экан”, деб гапни эшитма гап қилмасди. Эргаш ота худди кўргандай, ўзи бирга аралашиб юргандай “шуй-шуй” деб гапни эшитиб, унинг юборди⁴², деб ўзи бирга бўлгандай қилиб айтарди. У ҳам эргашиб шу гапнинг ичига кириб кетаберардингиз⁴³. Эргаш отам катта табиб ҳам эди. Ҳар бир қишлоқда у киши қолган, дил тортар хонадонлар бўлган. Одамлар у кишининг келишини кутиб ўтиришарди. Бир кун Эргаш ота Қоратош қишлоғидан келиб, ундай хонадонлардан бирига борса, уйда хонадоннинг аёли қолди, деб ётган эмиш.

1 Қани болам нега ётибсан? – дебди.

2 Э мулла бобо, менинг ёганимга бир ойдан ошди.

3 Бир ойдан бери нима деб ётибсан?

4 Мен Топалиқдаги Бастамнинг уйига бордим. Хотини олача қўриб бер, деганди. Бозор кунни эди, Бастам бозорга бориб янги қўриқ хонадондан иккитасини олиб келган экан. Шундан хотини бир тилкани ўрмакнинг бошига олиб келди. Шундан хотини қўриқ туриб, тепамга чиқиб кетди. Бир бошим оғридики, на ерда тургани, на осмонга чиқа оламан, шу ётишим ётиш.

5 Э болам бунинг масаласи осон, сен тур, чой-овқатингни қилавер. Шу гапни айтиб ўзи ҳаётга⁴² тушиб кетди. Ҳаётдан бир баргга ўқшаи ўтнинг анчасини териб келиб: “Мана шунини бошингнинг сўзилаб оғриётган жойига торт”, деди.

У киши айтгандай бошимга ўтти тортиб ухлабман. Бу куниси-га уйғонибман. Пичоқ кесгандай, шу бошим қўйиб кетгани, қўйиб кетган. Бечора мулла бобом, уйғонганимча бошимда ўтириб чиқиб-ди⁴³. Эл орасида Эргаш шоирдан шифо топган одамларнинг хикояларини кўп эшитамиз.

“Эргаш отам кўклам келганда. Ўтлар гуллар арафалари тоғга ёнбақ тергани чиқарди. “Дори бўладиган ўт окшомлари ўзидан олов

⁴¹ Ҳаёт – бок, турли дарахлар, тоқлар, экинлар экналган жой.



чиқаради”, дер эдилар. Ўтларни териб ўзи билан олиб кетди. Шаҳардаги табибларга олиб бориб берадими, ишқилиб шундайларди”, – деб хотирлайди Абдугани ота.

Эргаш шоир болажон одам эди. Болаларни йигиб уларга могоялар айтарди. Абдусаъми Турдимурод ўгли шундай хотирлади: “Биз унча-мунча гапни эплаштиролмаيمиз. Гапир деса, гапимиз тополмай қоламиз. У одамга манави эшикни кўрсатиб, шунини рифланг, десангиз, не бир гапларни келтириб, бир дафтар кўриб олиб берадди. Алланинг ўзини эллик банд қилиб айтганман, айтувчи эди:

*Бешигин қилдим арчадан,
Кўрпангни қилдим нарчадан,
Алла болам аллаё.*

Бизларда эс қайда шунисини биламан. Яна ҳар бир ўсимлини жумбоқ (топишмоқ) қиларди.

*Жуммоқ кўйдим, жубини топ,
Жуммоқ бийнинг уйини топ.
Тоғи кўйдим, тоғин топ,
Тарлон бийнинг уйини топ.*

*Достори катта муллолар,
Шамол турса облолар
Мулла акамнинг отини топ.*

*Боласин қорнида ётир онаси,
Тарбият қилса булар бо боласи.*

Энди биринчиси нўҳат, кейин ловия, оқ жўхори, сўнггиси тирвузнинг тухуми. Яна кунжитни, маккажўхорини ҳам жумбоқ қилганди. Қўринган нарсани шеър қилиб кетаберар эди-да.

Пичот кишлоғида истиқомат қилган Болхон момо хотираасидан “Мулла акам уйимизга кўп келар эди. Чолимизга тобинлигим бора эди. Кўрнинишли одам эди. Бир гапирар эди, гапирса озига тикилиб ўтираверайдиқ. Эшитганимдан эсимда қолгани шулар:



*Тову тоғида дўланган,
Товуни Каримтоз?
Тову кўкка эланган,
Товуни Каримтоз?
Тову тирафга йўл солган,
Товуни Каримтоз?*

*Тову тоғида дўланган,
Товуни экан бўлмаса.
Тову кўкка эланган,
Товуни экан бўлмас.
Тову тирафга йўл солган,
Товуни экан бўлмаса.*

Мана бу жумбоқни ҳам айттич эди:

*Найим-найим нар пўшлар,
Даварасин сартўшлар.
Ашодаги юлдузини,
Даврин бирдай сер ташлар.*

Ўзиниларчи, дегич эди. Кейин ўзи жавобини айтарди:

*Найим-найим норда кўрдим,
Шоҳи зумратларда кўрдим.
Ўзини кўйган жумбоғингни,
Даворда отларда кўрдим.*

Буворда отларга ёпиладига зулнинг сочоқлари мунчоқли бўлган. Шунини жумбоқ қилганда.

Уш чевар одам эди. Битта нос кадини тонг оттунча кашталаб кетар эди. Бўлмай ётмас эди. Носкади ўзи муштаккина, бир кашталабди, ҳавасингиз келарди”.

Эргаш шоирнинг сувраг чизиши ҳақида ҳам кўплар гувоҳлик беради. У кишига аёллар кашталарнинг тарҳини чиздириб олишар





экан. Ўтган асрнинг бошларида Нурота худудидаги кўплаб сўра-лар, келинлар сепига қўйилган кашталарнинг тархини Эргаш шир-чи изган дейишади.

Абдуғани ота хотирлайди: “Эргаш ота расм соларди. И-кадиларга кашта чизарди. 1936 йил бўлса керак, Ялғаш Хўжабо-кишлоқ шўросига раис эди. Шу киши айтибди. “Муллака бир и-кади чизиб беринг, бир дафтарга шеър қилиб ёзиб беринг, мен-ни зиёфати”.

Эргаш ота бир кичкина кадини олиб, ичини тозалаб, мой со-кизиртириб, устини хашшамлаб; дутор, товус, каптар, каклик, б-дана, карчиғай, лочин – бутун қушларнинг расмини солибди. И-ни киёга келди.

6. Улум, бир дафтар обкел, мен шеър айтаман, ёзсан, – де-ди. Бир дафтарни тўлдириб шеър айтди, дафтар тўлди, олиб кет-дини.

Кичкина носкадим бор,

Бир киёнос кетади.

Агар қисариаб чекса,

Зўрга ҳафтага етади.

деган жойлари эсимда. У дафтар йўқ бўлиб кетди. Тўрт кў-кулишиб ўқишган кейин йўқолган. Эргаш отага булар сувдай га-п эди”.

Эл орасида Эргаш шоир номи билан боғлиқ шу хил ҳазил-му-тойиба гаплар ҳам кўп юради. Қўштамғали кишлоғидан Абдурауф Шукуров айтди: “Бир сигиримиз бор эди. Сузонгич чиқди. Эргаш отага айтган эдим, “Э, буни боқлаймиз, деди”. Мехмондорчилик-дан кейин бир тумор ёзиб берди. “Икки шохнинг орасига осиб қўйинглар юввош бўб қолади”, деди. Осиб қўйдик, тинчиди қол-ди. Кейин бу сигир йўқ бўлиб кетди. Орадан анча вақт ўтди. Бош-ка сигир олдик, буям сузонгич чиқди. Эргаш ота йўқ. Саъдулла махсим (Ўтамурод хатибнинг ўғли)га айтиб эдим, сузонгич си-гирни боғлашни билмайман, Эргаш язмамнинг тумори бўлса олиб келингллар қараб ёзиб берай, деди. Тумор эскириб, миҳда осилиб туриб эди, олиб бордим. Саъдулла махсим титилиб-титилиб кетган туморни амаллаб ўқиди. Туморга:



*Абдуғани жоним, дингилла,
Абдуғанисанг ҳам дингилла,
Абдуғанисанг ҳам дингилла.
Абдуғани тиндир, дингилла,
Абдуғани тиндир, дингилла...*

Бир кўн шеър ёзилган экан. У одамнинг бир хислати бўлса ке-либ бўлмаса шу шеърга ҳам сигир тинч қоладими?”

Абдуғани ноқеага ўхшаш ҳолатни Қоракса кишлоғида яшовчи Пирим Абдуғани ҳам ҳикоя қилди. “Эргаш ота Қораксада муаллимлик қил-ган вақтда Мулла Қарши деган мулла ҳам бўлган. Шунда бир мо-ментта сигирни ҳеч соғдирмас экан. Момо мулла Қаршидан тумор-лар берган экан, шундаям соғдирмабди. Бир куни Эргаш отага тумор-лар беринг, деб келибди. Эргаш ота бир коғозни тўлдириб, буклаб-буклаб берибди. “Тумор қилиб сигирнинг шохига осиб қўйинг”, деб-ди. Шунда кампирнинг сигирни тирп этмай соғдираверибди. Кампир ота Қаршини кўриб, “Сенам мулламан, деб юрибсанми, уч марта-сизер бердинг, наф қилмади, мулла Эргаш ёзган эди, индамай соғ-дираман”, дебди. Мулла Қарши “Қани, бу нимани ёзган экан”, деб-ди. Орадан ушлатиб, туморни ўқиб кўришса, шеър эмиш:

Курин кел,

Аксени теп,

Нингени тиндир,

Абдуғани тиндир...

Шундай, деб бир варақ тўлган экан”.

Бу кишлоқда Эргаш отанинг шу хил хангомалари борасида су-х-бат кўрганмишда, Абдусатми бобонинг кенжа ўғли Баходир айтди: “Эргаш ота аслида бу хил дуоларни билган, ўқиганиям рост. Фақат-шунинг одамларидан бири бўлмаса бошқаси қасдлашиб, буни-қасдлаб, дуо ёзибсан, деб айбдор қилади, – деб атайлаб шеър ёзган”. Эргаш шоирнинг нафаси ўткир табиб бўлганлигига, у кишининг-юмон чаккан кишини ўқиб, ўлимдан олиб қолгани далил бўлади.

Нингеной Қарши кизи хотирлайди: “Катта кайнотамиз сариқдан-деган, гўштдор, каллалари чорадай қатта, чиройли одам эди. Кўз-лари тиска, оқи кўпроқ эди.





“Кайкавус, Рустам Зол, деб бир дostonга соб кетар эди, бир мина га. Тушда, “Озодсиз”, дерди. Кейин яна бошлар эди, то кечин Мен дostonга кўл қизикмас эдим. Маталга эътибор қилардим. Жангали Мозондоронга, Қорли товга борганларини гапирар Мулла Эргаш бободан эшитганларимни болаларга ҳам айтиб бери ўтираман. Эргаш бобонинг нимаси қолди, шу гаплари қолди”.

Эргаш шоирнинг мактаб очиб болаларни ўқитган санасини Ход Зариф 1924-1925 деб кўрсатган. 1925 йилнинг кузида Ўзбеклар ўрганиш комитетининг ташаббуси билан шоир Самарқанд шаҳрида келтирилади. 1926 йил шоир Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пулкан ва Жассок шоирнинг ўғли Жолғош бахшиларни ҳам кўминга олиб келган. Шу йилнинг ёз ойида Самарқанд вилояти Булунгур туманининг Қирқшоди қишлоғида Пулкан шоир билан бирга дostonларни ёзиб қолдиришга киришади.

Тақдир риштаси Эргаш шоир ва Ход Зарифни бирлаштиришни, бир-бирига боғлагани ўзбек халқининг бахти бўлди. Натияжада Кўрган дostonчилик мактаби, унинг шоирлари, репертуари билан танишиш, таниш имкони туғилди.

Ход Зариф айтар экан: “Мен ҳаётимда икки фавқулодда ном дoston хотира эгаларини кўрдим. Бири – Эргаш шоир, иккинчиси – Евгений Дмитриевич Поливанов. Улар бир кўрган, ўқиган нарсаларини ёд олиб, бехато айтиб бера олишар эди”.

Бугунги кунда биз Эргаш шоир фаолияти, ҳаёт йўли билан танишиб бахши шоир шахси, сиймосини таниймиз. Бахшилик санъатининг сир-синоатларини тушиниб етамиз. Барча санъатнинг чекинакам вакиллари руҳан эгиз, бир иклим кишилари бўлишларини аниқлаймиз.

Эргаш шоир “Гўрўгли” (туғилиши ва болалиги), “Холдорхон”, “Хушқелди”, “Авазхон”, “Хасанхон”, “Далли”, “Равшан”, “Холдорхон”, “Қундуз ва Юлдуз”, “Нурали”, “Алпомиш”, “Юсуф-Алимад”, “Алибек билан Балибек”, “Қунтуғмиш”, “Якка Аҳмад”, “Имоммик-Узро”, “Қумри”, “Ошиқ Ғариб”, “Қижжибек”, “Тулуғмубин”, “Махтумқули” каби 20 дан ортик дostonларни, жуда кўп терминларни айтган. Бу асарларнинг ярмига яқини ёзиб олинди. Шунинг билан буларда, у куйлаб, ёзма ҳолда мерос қолдирган намуналар Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Ўзбек фольклорининг Навойиси” эканлигини тасдиқлаб турибди.



Эргаш шоир мерос қолдирган халқ дostonлари, терминлари, айтим-этишлари билан бир жихатдан тадқиқ этиш мумкин. Устод Ход Зарифнинг асарлари билан бир жихатдан нисбатан кам ўрганилган “Холдорхон”, “Гўрўгли”, “Холдорхон” дostonининг сюжет қурилиши, асослари, асослари билан бир жихатдан ақралиб турлади. Бунда дostonларнинг Қиримга бориши тасвири орқали бахшиларнинг асослари, асослари, ҳаёт ва ўлим, ўткинчи дунёда яхши ном қолдириш, асослари билан бир жихатдан армон ҳақидаги фалсафий қарашлари билан бир жихатдан, деб айган фикри шоир асарларига терминлар қарашга қарашли. Аслида, халқнинг борлик, ҳаёт, азал ва абад, инсонийлик билан бир жихатдан барча хулосалари унинг фольклорини топган. Эргаш шоир ва унинг сўз санъаткорлари меросида бадий ифодасини топган. Таниш танилади. Танилганнинг изи ўчмайди.

Эргаш шоир кўнглини баён этиб қуйлаган “Қунтуғмиш” дostonларини билан бир жихатдан ушбу байтларнинг маъно кўламлари бир ўзганга сингари, денгизлар, уммонларга уланади:

Эр, алам кўрган, қайдин келасан, айғил,

Кун ранжу ситам кўрган, қайдин келасан, айғил.

Кун эрдик эли сўлган, иум паймонаси тўлган,

Кун боласи ўлган, қайдин келасан, айғил.

Доридан айрилган, қанотидан қайрилган,

Бирдан айрилган, қайдин келасан, айғил.

Бил:

Қовдан қаламшир юклар қалачи,

Дурдондан анбар тоғнинг оғочи,

Анбулақ деб Мансур сенга осғиди,

Аслом алайкум, дорнинг озочи.

Дostonда Холбека тилидан, болаларини танмай дорга буюрган Қунтуғмишга қарата қуйланган ушбу муножот:

Мен сени шохода дедим, мард дедим,

Сен қандай сийнам қўйсан дард эдинг,

Чўқсин кўзинг, танимадинг болангни,

Не тилинган буни дорга торт, дедим.



мени мунча куйдирдинг,
 Аввад охиёр кўзининг ёшин куйдирдинг,
 Гаф билан кўзини, танимадинг болангни,
 Чиксин кўзиб, ўз болангни суйдирдинг.
 Подшо бўлиб, билаганим билдирдинг,
 Армон билдиб, кўзим ёшга тўлдирдинг,
 Зор икелган бун дорга торт, дединг,
 Не тилинги, ўз болангни ўлдирдинг.
 Подшо бўлиб юрар йўлдан тойирдим,
 Юра берманг, танимадинг болангни,
 Чиксин кўзи мен боламдан айридим,
 Армон билдиб, ороҳода дедим, мард дедим,
 Мен сени шороҳода дедим, мард дедим,
 Сен қандай сийнам кўйган дард эдинг.

Онаизорнинг оху нидоси шу қадар таъсирли, зорли ифода этганки, кўшиқ индивидуал маҳорати юксаклиги, инсон қалби, кечини шоирнинг ифодалашда беназир заргар эканлигини кўрсатади. Бу маларини ифода қилган муносиб ўринга эга бўла олмади. Кўшиқ XX аср барча ўлчамларда муносиб ўринга эга бўла олмади. Шундай бадий юксак, юракка яқин ўринларни Эргаш шоир кўйлаётган барча достонлардан кўплаб топамиз. Бахшнинг ўзи:

*Катта шайхларнинг йўли достоним,
 Байтларини мен ўзимдан бойладим.*

Даб таъкидлаганидек, бахши-шоир аъёналар изидан бориб шундай рухнинг юксак парвозларини сўз ва соз билан уйғунлаштириш чинакам санъат бўлган.

Эргаш Жамил эканлигига гувоҳ ўтади. Унинг достон, достон алломаси, ҳар соз ҳақида йўл-йўлакай айтиб ўтган фикрлари ҳақиқат, сўз ўтади. Эргаш шоир бадий Сўзни муқаддас билдириб бунини исбот қилди. Эронлар, Яхши сўзни қилинг хурмат, “Хар нарсани деб, таъкидлаган бахши шоирликни, достончилликни мат, ёронлар, бахшилик мезонларига амал қилиш шундай юксак мақомдир, ўзгаларга ҳам уқтиради: эканлигини”



*Мана сўзни кўрсам зардам қайнайди,
 Чошининг оғзида қисса ўйнайди.*

Шоир чала сўзни кўшиқ қилган ҳолатларни кўриб куйиниб, қандай дейди:

*Йонти ҳам йўқ, суҳан ҳам йўқ, йўл ҳам йўқ,
 Сандиратиб отин достон кўйибди...
 Яхши сўзни ёмон қилиб юрибди,
 Дово сўзни сомон қилиб юрибди,
 Назатли, хурматли улуғ эрларни,
 Хур қит, юзин туман қилиб юрибди.
 Шовлиқ ерга олиб келиб хўрликни,
 Сўзини барин сарсон қилиб юрибди.*

*Мана шунда катта-калта матални
 Чошинириб достон қилиб юрибди.
 Яналаса ортини йиғиб ололмади,
 Жамлай олмай байрон қилиб юрибди.*

Бахшилик санъатида мезон саналмиш бу талаблар Кўргон шоирларнинг асрий аъёналари, бадий-эстетик талабларидан келиб чиққан бўлиши шубҳасиз. Бу фикрлар “ўтган катта шоирлар”нинг бадий эканлиги ва нақадар баланд бўлганлигидан далолат беради. Ушбу мезонлар улуғ бўлиб “Алломиш”, “Гўрўгли” каби достонлар Алломиш ва Гўрўгли каби ашқлар Эргаш шоирдек “чечанликда сўзга сувдай мезон” бахши шоирларнинг таланти, меҳнати билан мумтоз шаклга эришди. Бахшнинг шахси бутун, кўнгли дарё бўлса, у ҳеч қачон Шовлиқ ерга хўрликни олиб келмайди. “Иззатли, хурматли улуғ эрларни хўр қилиб, юзин туман қилмайди”, достону эртақлар якулини айтилгандек, ҳар юмушни эзгу мурод-мақсадига етказди. Эргаш шоир шундай ижодкор эди, унинг “Кунтуғмиш” достонини:

*Яхши етсин муродга,
 Ёмон қолсин уятга,
 Ёмон фақир не қилти,
 У ҳам етсин муродга.*

Даб иқунлаши бахшнинг чинакам ҳикмат оламига ошно бўлганлигини далилдир. Устоз Тўра Мирзаев “Ҳоди зариф суҳбат-



лари” китобида устоднинг Эргаш шоир ҳақидаги қуйидаги сўзларини келтирган: “Эргаш шоирдан ёзиб олинган ёки ўчирилган асарларидаги ҳар бир сўз, ҳар бир рамз ва изоҳга алоҳидан эътибор бериш зарур. Бу заковатли инсон бадийий сўзни жулжадан сак даражада кадрлаган. Айтаётган сўзини ҳеч маҳал елга бермаган, шамолга учириб юбормаган. Шунинг учун ҳам у сўз билан бирга уларни ўрни-ўрни билан достонларнинг янги хам сингдириб юборган. Агар унинг асарларида қўлланган сўзга ҳақидаги атамалар, лексик бирликлар бир жойга жамланган достончилик санъатига доир кичик бир луғатчанинг юзага келиши шубҳасиздир”.

Эргаш шоир шундай ҳақим инсон, бахши шоирликда чинсан санъаткор эди.

Абдуғани ота хотирлайди: “Эргаш отам Тошкентга бориб келганларидан кейин биз дўмбира олиб беринг, деб юрдик. Чудоним битта дўмбира қилдириб кеб берди. Уни биз чертмоқ каяқда. Акамимиз – Бекпўлат ака чертиб юрди. Бекпўлат ака анчагина бахши эди. Айниқса, бор бахшиларни эриклаб, ҳаммасини худди ўзини овозини қилиб, элни кулдириб юарди.

Эргаш ота кейинги келганларида бир-икки кун уйда ётқиниб қўшиқ айтиб беринг, деган гапларни қилиб қолдик. Эргаш отам достончи бўлиш:

*Узоқдан келайтибман,
Ғаминг лойига ботибман,
Эй ёронлар, биродарлар,
Мен ёримни йўқотибман...*

“Равшан”нинг шу байтларини яхши билиб айтишдан бошланган Сен буниям айтолмадинг. Лекин бу бахши-шоирлик осмонда учиб юради. Уругимизнинг бировининг бошига қачондир қўнади. Қачон бўлсаям қўнади. Ерга кириб кетмайди, дедилар”. Қўргон бахшиларини солган из, Эргаш шоирлар ўтган йўл йўқ бўлиб кетмайди. Бу улар кан қувват санъат ва адабиётнинг янги шаклларига кириб авлодлар қониди уйғониши аниқ. Бахши-шоирликнинг илҳом қуши муносиб номзодни топиб қўнади.



Эргаш шоир 1937 йил невараси Абдуғани Турдимурод ўғлининг китобидан нафот этди. Шоирдан ёзиб олинган достон, термалар у асарлардан бошлаб бу кунгача узлуксиз равишда чоп этиб келимоқда. Алоҳида нашрлардан ташқари “Эргаш Жуманбулбул” деб янги журнал, “Булул тароналари” беш жилд, “Песня булбуля” деб янги (рус тилида) китоблари минглаб нусхаларда китобхонлар қўлига етган. Эндilikда бу асарлар янгидан нашрга хозирланиб келинмоқда... Шоир айтгандай:

*Ғани қули оти ўчар,
Ғани қолса менадан нойиб,
Ғанилар дуо қилса,
Ғани бўлса қўлин ёйиб,
Менига сўзим бир бўлакдир,
Ғанига сўзга кетар ҳайиб,
Ғанидан яхши от қолса,
Ғанига юрмас сарғайиб.*

Шоирдан эзгу сўз қолади. Эзгу сўз хамиша элда ардоқ топади, бу сўз эленини хам улуғлаб, азиз билади.





“МАИШАТМАН КАЙФУ САФО БИР ЁҚДА”

I

Атоқли тарихчи олимлардан бири “Тарих мавзуи табиии фанларнинг мавзуларига ўхшаб ўтлар, дарахтлар, тошлар эмас, унинг мавзуси жонли ва хилма-хил кайфият, майл, хис-туғнулар молик инсон жамоасидир...” – дейди.

Дарҳақиқат, биз мозийга юзланганимизда, энг аввало, инсон ҳаётига, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳволи беришга ўхшамайдиган, баъзан эса ниҳоятда кескин фарқланган шарт-шароитларда умр ўтказган инсонлар қисматига қизиқамиз. Ана шу қизиқиш канча кучайса, мушоҳада ўларок қанча чуқурроқ бўлади. Тарихни билиш – бу энг муҳим ва энг асосий тарихчи воқеа-ходисларни шакллантирган ва юзага чиқарган сабабларни билиш демак. Бунинг учун эса ҳар бир халқ ва миллат ўзининг тарихини аниқлик билан билиши зарур.

XX асргача бизда юрт, халқ ва давлат ҳаётидан баҳс юритиш бундай тарих ёзилмаган. Подшоҳ ва алоҳида ҳукмдорларга билиш зарур бўлган тарихий асарларнинг аксарияти мадҳ, воқеа ҳамда тарихнинг ҳаёти, қувончу кайғуси, дарду қулфатларини тўғри, ҳаққонанча тасвир қилишга қаратилган бўлиб, тарихнинг ҳақиқатини гавдалантириб беролмайдди.

5. Nəbiyev A. Azərbaycan xalq ədəbiyyatı. I hissə. Bakı, Turan, 2002, 680 s.
6. Pirsultanlı S.P. Azərbaycan türklərinin xalq əfsanələri. Toplayanı, tərtib edəni: S.P. Pirsultanlı, Bakı: Azərneşr, 2009.
7. Tahmasib M. Seçilmiş əsərləri. 2 cild. I cild. Bak, Kitab aləmi NPM, 2011.
8. Vinogradova, L.N. (2004). Prevrasheniye. Iz slovarya "Slavyanskije drevnosti" // Slavyanovedeniye . № 6, s. 67-70.





Тўра МИРЗАЕВ
Шахноза НАЗАРОВА

СУХБАТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ...

Шахноза Назарова: Қадимги юнон академияларида илм суҳбатларда туғилиб, суҳбатларда камолга етган. Ўқиш ва ўқитишнинг, ўрганиш ва ўргатишнинг бу анъанавий усули шарқ илм академиялари учун ҳам бегона эмас. Қурилган мадрасалар, хонақоҳлар, устоз уйидаги мактаблар бунинг исботи. Суҳбат асносида устоз шогирднинг нафақат билимига, муайян касбни эгаллашига, балки унинг инсоний фазилатларига ҳам ишлов берган. Устоз шогирднинг тақдирдошлик туйғуларини уйғотган.

Шу маънода академик Тўра Мирзаевнинг “Ҳоди Зариф суҳбатлари” китоби катта қимматга эга. Бу китоб ва китобдан жой олган суҳбатлар бизни бахшилар дунёсига боғлайди. Бугунги суҳбатимизда биз олим Тўра Мирзаев орқали ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф, Ҳоди Зариф орқали ўзбек бахшичилигининг булбули Эргаш Жуманбулбул ўғлининг дostonчилик оламига янада яқинлашишни ният қилдик.

Устоз, айтинг-чи, Ҳоди Зариф Эргаш Жуманбулбул ўғли билан илк марта қаерда кўришган, қандай танишган? “Ҳоди Зариф суҳбатлари”га киритилмаган хотиралар ҳам бордир?

Тўра Мирзаев: Суҳбатимизни саволингизнинг иккинчи қисмига жавоб беришдан бошлай қолай. Устоз Ҳоди Зариф билан менинг мулоқотларим, яъни устоз-шогирд суҳбатлари ўн бир йил муттасил давом этган (1961-1972). Ҳодидан бошқача ишлаш давомида деярли ҳар куни учрашиб турар эдик. “Ҳоди Зариф суҳбатлари” китоби эса бу мулоқотлар бўлиб ўтгандан қирқ йил кейин ёзилган. Айрим қайдларни ҳисобга олмаганда, бу суҳбатларни мен ўз вақтида ёзиб бормаганман. Шундай қилганим кейинчалик менга бир умр армон бўлиб қолди. Бундай ҳолатда суҳбатларнинг қай бирлари унутилган бўлиши, қайсиларидир китобга киритилмаганлиги табиийдир.

Жумладан, мен ҳали аспирантурага ўқишга кирмасимдан олдин, 1960 йилда Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Жало-



бир кишлоғида яшовчи Мамадрайим бахшидан (1889-1971) иккита фольклор асари ёзиб олган эдим. Бахши унинг биринчисини “Бир бой кизининг туши”, иккинчисини “Қадимги хикоя” дея айтиб бергани эди. Биринчиси шундай бошланади:

Қиз тушини чечасига айтиб тургани:

Оч газадан чанг чиқди,

У нимадир, чечажсон?

Жўра отли бир чиқди,

У нимадир, чечажсон?..

Шу тариха қиз ўз тушини ўттиз мисрада ўн беш савол тарзида биён этади. Чечаси (янғаси) ҳам уни шу маромда таъбир қилади:

Оч газадан чанг чиқса,

Совчи келар, она қиз.

Жўра отли бир чиқса,

Қуда келар, она қиз...

Иккинчиси айтишув тарзидаги яна бир бошқачарок намуна эди:

Эшикдан келди бир гадо,

Ҳассасин тираб: — Хув, — деди.

Үйдан чиқди бир моҳнора:

— Уйнинг эгаси йуқ, — деди.

Кейинчалик суҳбатларнинг бирида ушбу намуналарни устозга ўқиб бериб, уларнинг жанр мансубияти ҳақидаги мулоҳазаларини сўраганимда, шундай жавоб берган эдилар: “Бу намуналар қайси-дир эпик асарнинг узинди парчаларига ўхшайди. Улар қайси асар таркибига келганлигини, яъни асл манбани ҳозирча мен ҳам айта олмаймаман. Шу сабабли уларнинг биринчисини мавжуд мустақил ҳолида тўй маросими узвлари билан боғлиқ яхлит сюжетли, савол-жавобга асосланган мураккаб топшмоқ, иккинчисини айтишув тарзидаги лирик кўшиқ сифатида баҳолаш мумкин”. Ўшанда суҳбат давомида қутилмаганда, иккинчи намунанинг биринчи бандини ўзларича хиргойи қилиб, уни 1927 йилда Термиздан қайтиб келган таниқли фольклоршунос ва драматург Ғулом Зафарий қуйлаб берганлигини айтиб, ўзбек фольклорининг дастлабки





тўловчиси ва тадқиқотчиларидан бири Ғулум Зафарий ҳақида қизиқарли маълумотларни сўзлаб берган эдилар... Шунингдек, Элбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Шайхзодалар билан боғлиқ суҳбатлар ҳам китобга кирмай қолган. Улуғ олим билан бўлган суҳбат ва мулоқотлар мавзу доираси жиҳатидан кенг ва хилма-хил бўлганки, уларни бир китоб доирасида баён қилиш имкониятдан ташқари. Агар диққат қилган бўлсангиз, китобда маиший-ахлоқий мавзудаги суҳбатлар бутунлай четлаб ўтилган. Асосий диққат фольклоршунослар, фольклор ёки фольклоршуносликнинг айрим масалаларига Ҳоди Зарифнинг муносабати ва қарашларини баён қилишга қаратилган. Шу сабабли “Ҳоди Зариф суҳбатлари” китобининг тўлдирилган иккинчи нашрини амалга ошириш ёки бошқа бир китоб яратиш керак бўлади. Бу энди келгусининг вазифаларидандир.

Энди саволингизнинг асосий қисмига келсак, мен устоздан уш вақтида улуғ дostonчи Эргаш Жуманбулбул ўғли билан илк марта қаерда кўришгани, қандай танишганини сўрамаган эканман. Аммо шунки катъий айтиш мумкинки, Ҳоди Зариф Боқудаги Ўқитувчилар семинариясини битириб, 1926 йилда Ўзбекистон Маориф комиссияси Илмий Марказининг Ўзбекларни ўрганиш кўмитасида иш бошлаганининг дастлабки кунлариданок Самарқандда атоқли дostonчи билан танишган. 1927 йилнинг май ойида, иккинчи маълумотга қараганда, июль ойида Хатирчи тумани Қатагон қишлоғига – Пўлкан шоир ховлисига бориб, бу ерга етиб келган Эргаш Жуманбулбул ўғли билан биргаликда тоғ ошиб, Эргаш шоирнинг юрти – Қўшрабoт туманининг Қўрғон қишлоғига бориб, Қўрғон бахшилари билан учрашувлар ўтказган. Афсуски, бу учрашув ва суҳбатларнинг ёзувлари сақланиб қолмаган. Ушанда Ҳоди Зариф, ўзининг айтишича, профессор Абубақр Диваев маслаҳати билан ўзбек халқ мақолларини 1923 йилдан бошлаб йиғишга киришган, Боқуда бўлганида озарбайжон оталар сўзларини ўрганган, халқ ижоди намуналарини тўплашда муайян тажриба орттирган, замонавий билимларни пухта эгаллаган, 21-22 ёшлардаги навқирон йигит, Эргаш Жуманбулбул ўғли эса Бухоро мадрасаларидан бирида бир муддат таълим олган, бахшилик санъатининг барча нозикликларини ипидан игнасиғача пухта билган ўта маҳоратли дostonчи, 58 ёшдаги донишманд мўйсафид бўлган. Ёш жиҳатидан улар орасида катта фарқ бўлишига қарамай, бу икки буюк инсон



ларининг охиригача бир-бирларига нисбатан катта хурмат, шир-оқибат ва садоқат билан яшаганлар, ҳатто мен айтар эдимки, уларнинг ўзаро ижодий ҳамкорликлари ота-ўғил муносабатлари доражасидан ҳам юксакроқ бўлган. Чунки уларни бир олийжаноб нақсад – халқ дostonларини мумкин қадар кўпроқ ёзиб олиш ва келгуси авлодларга сақлаб қолиш, Эргаш ота таъбири биан айтганда, “маорифга хизмат қилиш” бирлаштириб турар эди.

Бундай ижодий ҳамкорликни Эргаш шоир дostonларини ёзиш вақтида қистирма мисраларда ва термаларида бот-бот такрорлаб берганлиги ҳам тўла тасдиқлайди.

*Бизлар суҳанварлардирмиз,
Шоирларга раҳбар Ҳоди,
Тошкент элда ўз хилига
Ҳаммасига сарвар Ҳоди.*

Ёки:

*Тўрт шоир келибди, Ҳоди раҳбари,
Лекин суҳанварнинг ўзган сарвари.*

Ёхуд: “Холдорхон” дostonини ёздирар экан, лирик чекиниш қилиб, фольклоршунос ва дostonчи муносабатларига доир қуйидаги мисраларни қистириб кетади:

*Суҳанвар ҳам айта берса,
Гапи кетмасин кўпайиб,
Бўлак сўзни айтибсан, деб
Мулла Ҳоди юрса койиб.
Энди гапни қуяйик,
Кетмасин гап кўп бўп бойиб.
Ўтган катта шоирларга
Гап айтмоққа менман ноийб.*

Ўз навбатида Ҳоди Зариф ҳам Эргаш шоир ижоди ва дostonчилик маҳоратига юксак баҳо бериб, уни доимий равишда тадқиқ этиб келди. Умрининг сўнгги йилларида шоирдан ёзиб олинган дoston ва термалардан иборат беш жилдликни нашрга тайёрлади. Шундан устозга: “Халқ дostonлари асрлар давомида қуйланиб келина-



ди. Уларни бир бахши муаллифлигидаги асарлар тўплами тарихда нашр этсак, қандай бўлар экан? Эргаш шоир ўтганларга нисбатан бир ижоддош-ку", - дея савол берганимизда, улкан олим шундай жавоб берган эди: "Йўқ, ундай бўлмайди. Беш жилдликка "Булбул тароналари", дея умумий бир рамзий ном берамиз. Чунки илгари ўтган бахшилар ҳам "Булбул", Эргаш шоирнинг ота-боболари ва момолари ҳам "Булбул", достончининг ўзи ҳам "Булбул". Тўпلامнинг бундай номланишида асрлар давомида халқимизнинг ҳамкорлигидаги оғзаки ижодкорлиги бардавонлиги ҳамда Эргаш отанинг улкан ижоддош-санъаткор эканлиги ўзининг яққол ифодасини тапади. Келгусида "Фозил шоир куйлайди" деган умумий ном остида улуғ бахшидан ёзиб олинган достон ва термалардан иборат ўн жилдликни ҳам тайёрлаш лозим". Шу тариқа "Булбул тароналари" беш жилдлиги 1971-1973 йилларда нашр этилган эди.

Бутунги кунда Кўшработ тумани, Жуш даҳаси, Кўргон қишлоғида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг уй-музейи ташкил этилган. Нурота тумани маркази ва Кўргон қишлоғида шоирнинг хайкаллари, Самарқандда эса улуғ санъаткорлар - Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоирларнинг суҳбатлашадиган ҳамда достон куйлаётган ҳолати тасвирланган монумент ўрнатилган. Ҳодиди Зариф тайёрлаган ва нашр этилган "Булбул тароналари" беш жилдлиги, шунингдек, рус тилида олим тартиб берган "Песня Бульбуля" номидаги уч жилдлик кабилар ҳам улуғ достончи хотирасига кўйилган ўзига хос бир тарздаги муносиб хайкалдири.

Бу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим: Ҳодиди Зариф вафот этгач, унинг қабрига ёдгорлик лавҳаси ўрнатишга қарор қилинди. Шунда хотира лавҳасида одатдаги расмий ёзувлардан қочиб, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг "Шоирларга раҳбар Ҳодиди" термасидан бир неча сатрларни ўйиб ёзишга келишилди. Натижанда, хотира лавҳаси куйидагича кўриниш олди: "Ҳодиди Зариф. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси. 20.3.1905 - 13.1.1972.

Ҳодиди элнинг билимдони,

Ҳодидидай эр йигит қани?!

Эргаш Жуманбулбул ўғли".

Бу ҳам рамзий маънода фольклоршунос ва достончи хотирасини абадийлаштиришнинг, улар орасидаги ижодий ҳамкорлик бардавонлигини авлодларга етказишнинг ўзига хос бир йўлидир. Зеро, яхши амаллар ҳамisha боқийдир.



Умуман олганда, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир ва бошқа бахшиларнинг аниқланиши ҳамда улар репертуаридаги достонларнинг ёзиб олина бошлашининг ўзи бир тарих. Ўтган асрнинг 20-йиллари қадар, бахшилар ўзлари ниятланган худудларда тўй-томшаларда, байрам ва тантаналарда танилган бўлсалар-да, уларнинг номлари, куйлаётган асарлари илм ақлига, кенг халқ оммасига маълум эмас эди, вақтли матбуотда ҳам бу ҳақда айтилмасди. Шу сабабли XX асрнинг бошларида хатто энг илгўр Европа фанида ҳам ўзбек халқ эпосининг жонли оғзаки эпик аъаналари сақланиб қолмаган, кўп асрлик мумтоз адабиёти ва юксак даражадаги шахар маданияти уни сиқиб чиқарган, деган хато фикр ҳукмрон эди. Шу маънода жонли оғзаки эпик аъаналар-да етиб келган халқ достонларини бевосита бахшилар оғзидан ёзиб олина бошланиши ўзбек фанининг буюк кашфиёти бўлган эди, дея дадил айта оламиз.

Шунинг айтиш керакки, бахшиларнинг, жумладан, Фозил Йўлдош ўғлининг биринчи аниқланиши Ғози Олим Юнусов номи билан боғлиқ. Олим 1922 йилнинг ёз ойларида хозирги Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва қисман Фарғона водийсида тўрт ой давомида халқ урф-одағлари, уруғлар, фольклор асарлари, атамалар тўплаш учун экспедицияда бўлган. Ўшанда биринчи марта Фозил Йўлдош ўғли, Ҳамроқул бахши билан учрашиб, "Алтоммиш" достонидан парчалар ёзиб олган ва бу парчалар "Билим ўчоғи" журналининг 1923 йил 1-2-қўшма сонида нашр этилган эди.

Кейинчалик Ўзбекистон Халқ Маориф комиссарлиги Илмий марказининг Ўзбекларни ўрганиш кўмитаси халқ достонларини мунтазам равишда тўплашга киришди. Ўшанда биринчи достон Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган. Ёзиб олиш ишлари асосан 1926-1928 йилларга тўғри келади. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоирларнинг ўзларидангина 40 дан ортиқ халқ достонлари ҳамда ўзларининг асарлари ёзиб олинган. Бу асарларнинг ёзиб олинishi бевосита Ҳодиди Зариф номи билан боғлиқ. Ҳодиди Зарифнинг ўзи Эргаш Жуманбулбул ўғлидан "Равшан", "Ҳолдорхон"нинг бош қисми, Фозил Йўлдош ўғлидан "Ёдгор", "Рустамхон", Пўлкан шоир ва Фозил Йўлдош ўғлидан "Юсуф билан Аҳмад" достонларини ёзиб олган. Бир қанча достонларни бошқа тўпловчилар ёзиб олган бўлса ҳам, шу ишни ташкил қилган олим Ҳодиди Зариф ҳисобланади.



гап юради. Шу маънода Ҳоди Зарифнинг халқ ижодининг бирча нозикликларини пухта биладиган чинакам олим бўлиб етишини халқ бахшилари, хусусан, Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Фозил Йўлдош ўғлининг катта ўрни бор. Халқ ижодининг моҳиятини туни равишда англашда улар катта кўмак берганлар. Шунинг учун ҳам олимнинг бахшилар ҳақидаги кузатишлари бугунги кунда ҳам ҳақ қийматини йўқотмаган.

Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Ҳоди Зариф муносабатлари, ҳам корлигидаги иккинчи босқич 1936 йилдан бошланади. Ҳоди Зариф тўрт бахши – Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Абдулла шoir ва Пўлкан шoirларни дostonларини ёзиб олиш учун Тошкентга олиб келади. Тошкентда бахшилар маълум бир муддат тургач, ўз юртларига қайтиб кетадилар. Эргаш шoir эса қолади ва 1937 йилнинг эрта баҳорига Ҳоди Зарифнинг уйида яшайди. Шу ерда олим ва бахши узоқ кечалар кўп-кўп суҳбатлар қилишади. “Булбул тароналари” 5-жилдига киритилган “Устозлар бисотидан” фасли ва “Ойсулув” дostonи ўшанда ёзиб олинган, “Хушкелди” дostonини шoirнинг ўзи ёзиб топширган. Эргаш шoir бу суҳбатларда олимга кўнглини очган, бутун аждоллари – булбулнафас Жуманбулбул, момолари Тилла кампир, Султон кампир тарихдан сўзлаган, армонлари ҳақида гапирган. Яхшиси, бу ҳақда Ҳоди Зарифнинг ўзидан эшитайлик: “Суҳбатларнинг бирида Эргаш шoir, – деб ёзади Ҳоди Зариф, – XIX аср ўзбек дostonчиларининг машхурларидан Катта Бўрон, Кичик Бўрон, Амин бахшилари буюк хурмат билан таърифлар экан, шу даврнинг кексаларидан Султон кампир ва Тилла кампир номи билан донг қозонган икки шoirа хотиннинг чечанлиги, таланти, дostonчиликдаги мавқеини устод даражасига кўтарди. Бу вақт ана шундай забардаст шoirларнинг шогирдларидан ёшликда кўпроқ таълим ололмай қолганига афсусланиб, менга шундай деган эди: – Ўғлим! Ёшликда билмабмиз, беш-олти оғиз кўшиқни ўрганиб олиб, шунга кўнглимиз ўсиб, ҳеч ерда болаларга гап бермай: “Мен Жуманбулбулнинг ўғли бўламан, кўшиқни ҳам ўзим топиб бераман, гап десанг, хирмони билан уйиб бераман”, – деб кета берибмиз, бу замонга келиб, керак қилувини билмабмиз. Ёшлигимизда элда юрган шoirларнинг кадрига етмадик. Отамиз бечора, у ҳам шу гапни айтар эди: “Ёшлик қилдик, Тилла кампирдан гап – кўшиқ ўрганмадик. Биримиз – Жоссок, шoirларнинг устоди. Биримиз –

булбул, булбул билан кўшиқ айтишганда, ўртадагилар бизникини қиладди маъкул, Тилла кампирнинг ҳам топгани шул, – деб ўта бердик. Сўнг билсак, биз той эканмиз, у – тулпор, биз жилга эканмиз, у – булок, биз дарёмиз деганда, у – денгиз экан”.

Шахноза Назарова: Ҳоди Зариф Фозил шoirни ҳам, Пўлкан шoirни ҳам яқиндан билган. Мени кўпроқ кизиқтираётган нарса шуки, олим Эргаш шoirнинг Фозил Йўлдош ўғлида ёки Пўлкан шoirда бўлмаган қайси хусусиятларини кадрлаган ва шунчалик ўзига яқин олган?

Тўра Мирзаев: Ҳоди Зарифнинг Эргаш Жуманбулбул ўғлидаги энг кадрлаган сифатлар унинг маҳоратли дostonчи бўлиш билан бирга дунёвий ва диний илмлар, шунингдек, мумтоз адабиётнинг пухта билишлигидир. У бошқа бахшилардан фарқли равишда фольклор асарларини ўзига хос равишда баҳоловчи ижодкордир.

Бу ўринда Ҳоди Зариф мақолаларидан каттарок бир хулосавий кўчирма келтириш билан юқоридаги мулоҳазаларни тасдиқламоқчимиз: “У устозларига катта хурмат билан қараган ҳолда ўрганган дostonларини қайта ишлар, ижодий қобилиятини ишга солиб, дostonларнинг бадий қимматини ошириш учун тиришар эди. Эргаш ёзма адабиётдан ҳам баҳраманд бўлгани учун Навоийдек улўғ шoirларнинг санъатларидан озикланганидан шерикларига нисбатан яна ҳам сўзга бойроқ эди. Унинг дostonлари “Равшан”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Далли”, “Қунтуғмиш” ва бошқалар републикамиздаги бизга маълум халқ шoirларининг дostonларидан бадий ишланиши жиҳатидан анча устун туради. Дostonларимизнинг кўлида шеър тузилишида примитив шакллар кўзга ташланиб тургани ҳолда, Эргаш дostonларида шеърларнинг маълум бир қолипга солингани ва аксар дostonларда шеърларнинг маълум кўраминиз. Эргашда кофиялар ранг-баранг. У рафидан кўп фойдаланиш билан баробар қийин шаклларни ҳам топиб ишлата билади. Эргаш дostonларидаги вазн ҳам бошқа дostonларимизга нисбатан бойроқ. Эргашнинг катта талант эгаси эканини унинг ҳамма асарларида кўриш қийин эмас. Шеърда сўзларни мумкин қадар иқтисод қилиш, ортиқча сўзлар билан тизимни чўзиш каби ҳоллардан қочиб, ҳар нарсанинг ўз характерини ифода эта биладиган сўзларни танлаб, бир-икки байт ёки банд билан бутун бир ҳаётий лаҳза беришга интилишда Эргаш ҳамма дostonчиларимизга намуна бўла олади”.



“Эргашдаги хофиза қувватининг кучлилиги, — деб ёзган Ҳоди Зариф, — кишини хайратга солади. У ўзбек тилидаги бирор шеърин асарни иштиёқ билан бир-икки маротаба эшитса ёки ўқиб чиқса, бошдан-оёқ эсида қолар эди”. Устоз Эргаш шоирдаги бу тенгсиз қобилиятни, унинг бадиҳагўйлик санъатини оғзини суҳбатларда ҳам тез-тез такрорлаб турарди: “Мен ҳаётимда нобой хотирага эга икки кишини кўрганман. Бири — тилшунос Е.Д.Полванов, иккинчиси — Эргаш отадир. Эргаш ота бир кўрган нарсани ипидан-игнасиғача хотирасида сақлаб, батафсил айтиб бериши қобилиятига эга эди”.

Бахшилар бир-бирларидан ўрганар, ўзаро суҳбатларда бўлар эканлар, эпик асарлардаги баъзи чиройли тасвирларни, ҳатто бутун достонларни айрим етакчи, истеъдодли шоирлар номлари билан боғлайдилар. Уларнинг умумий тан олишича, “Алпомиш” достонининг бадиий жиҳатдан энг юксак талқинини Булунғур достончилик мактаби вакиллари берган бўлса (бу нарса Фозил Йўлдош ўгли вариантда ўз ифодасини топган), “Равшан” достонининг бадиий баркамол талқини Қўрғон достончилик мактабининг мевасидир (бу ҳолатни Эргаш Жуманбулбул ўгли вариантти ўзида тўла саклаган). Ҳатто “Равшан” достонини Жуманбулбулнинг “уч ҳайдаган шудгори” ҳисоблайдилар. Эргаш шоир янада аниқроқ килиб, “Равшан” достонидаги “Бизнинг ёрни кўрган борми, Ёр дарагин берган борми?”, “Қалпоқ бозори қайсиди?”, “Кундуз билан Юлдуз” достонидаги “Занги билан парвоз килиб, Устингдан Юлдуз ўтди-ми?” каби шеърин парчаларни Жуманбулбулнинг устоди Бўрон бахши (Кичик Бўрон) номи билан боғлайди. “Алпомиш” достонидаги қалмоқ аллларининг муболағавий портретлари тасвирини XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган муболағавий услубининг йирик намояндаси Амин бахшига нисбат беради. XVIII асрнинг охири ва XIX асрда ўтган бахшиларга нисбат берилган бундай парчаларни Эргаш шоир Ҳоди Зарифга айтиб берган, олим уларни ёзиб олиб, кейинчалик “Булбул тароналари”нинг 5-жилдида эълон ҳам қилган. Эргаш ота Амин бахшидан мана бу муболағавий парчани айтиб юришни яхши кўрар экан:

*Ариқ бўйида андиз,
Дарё тубида кундуз,
Тогларни осмонга отинг,
Тутдай тўқилсин юлдуз.*



Шу тўртлик айтилганда даврада ўтирган Эргаш ота завқдан “хм...м, хмм...м, хмм...м” деб чайқалиб кўяр, “Мана кўрдингизми, ҳатто тоғларни осмонга отинг, тутдай тўқилсин юлдуз, дея тасвирлаган-а”, дея тўлқинланиб, харакагларда ҳам кўрсатиб берад экан.

Эргаш шоир айтиб берган ҳамда Ҳоди Зариф ёзиб олган, ўтган шоирларга нисбат берилган у ёки бу бадиий парчаларни айнан ўша бахшилар яратиклари намуналари тарзида қараш тўғри бўлмайди, балки улар аниқ бир ижрода бадиҳа йўли билан намоён бўлган ижод (қайта ижод) лавҳаларидир. Масалан, “Алпомиш” достони вариантларини қиёсий ўрганиш, шунингдек, Амин бахшига нисбат берилган парчаларни Фозил шоир ва бошқа бахшилар вариантларининг айни ўринларига солиштириш шунинг кўрсатдики, қалмоқ аллларининг муболағавий тасвири анча қадимий бўлиб, улар Амин бахшигача ҳам бўлган. Амин бахши эса уни янада чиройли, бадиий гўзал бир тарзда куйлаган бўлиши керак. Кичик Бўрон, Жуманбулбул ҳақида ҳам худди шунини айтиш мумкин. Чунки “Равшан” достони жонли отзаки анъанада илгаридан куйланиб келинган. Кичик Бўрон ва Жуманбулбул эса уни янада бадиий баркамол бўлишига, поэтик сайқалланишига улкан ҳисса қўшганлар. “Жуманбулбулнинг уч ҳайдаган шудгори деганда, илгаридан мавжуд “Равшан” достонини у янада бадиий юксакликка кўтариб, унга ўзининг ижодий ҳиссасини қўшиб, маҳорат билан куйлаганлиги таъкидланган.

Эргаш Жуманбулбул ўгли достончилик фаолиятига яхлит баҳо берсак, у ўз репертуаридаги анъанавий достонлар ва термаларни куйлаш, янги асарлар яратишда ўз замондошларига нисбатан анча олға кетди, достон ва достончиликни эстетик баҳоловчи халқ доғишманди сифатида майдонга чиқди. Унинг ўз авлоди, хусусан, отаси Жуманбулбул, укаси Абдухалилнинг санъаткорлиги ҳақидаги мулоҳазалари ўтган бахши-шоирларга баҳо беришда нақадар одиллик билан йўл тутганлиги ва уларнинг достончилик услубидаги жуда нозик томонларни зийраклик билан фарқлай олганлигини кўрсатади. Шоир бешинчи отаси Ёдгорга “чечанликда ҳеч ким баробар бўлмаган” лигини, тўртинчи отаси Лафас “ўз вақтида сўзини элдан ўтказиб, тўйларда ўланини, гапни ўйлаб турмаган” лигини, учинчи отаси Мулла Тош “доно, оқил, соҳиби кенгаш” эканлигини, бобоси Мулла Холмуроднинг “сўзга дехқон” лигини, амакилари Жоссоқ “шоирликда кўп шогирдлар чиқарган” бўлса, Ёрлақабнинг



“тамом умри элга шоирлик килиб” ўтганлигини алоҳида тавона
лайди. У отаси Жуманбулуннинг элга машхур бўлиб, достончи
лик учун жуда муҳим бўлган сөз ва сўз, куй ва овоз бирлигини тўла
сақлай олганлигига алоҳида эътибор беради:

*Довуши сөз эди, қулоққа майин,
Довушига мувофиқ сөз чертиши.*

“Элида Булбул атанган” бу шоирнинг “овозаси жуда узаб кел-
ди”. Чунки:

*Йиғирма хил оҳанг билан сўз айтиб,
Йиғирма хил нағма дўмбира чертиб,
Хоҳи катта, хоҳи кичик эшитса,
Ҳар қандай одамни балқитиб, эритиб,
Шўйитиб ўтган у замони Булбулнинг.*

Эргаш шоирнинг таъкидлашчи, отаси Жуманбулбулдаги бу сир-
фатлар укаси Абдухалилда ҳам мавжуд эди. Чунки у ҳам достон-
чилик йўлларини пухта ўрганган бўлиб, “созини кўшиққа мувофиқ
килиб” ўтган бахши. Худди Жуманбулбулдай:

*Дўмбирани йиғирма хил чертади,
Шу чертишга мувофиқ қиб айтмади,
Ҳар усулга солиб кўшиқ айтган сўнг,
Ким эшитса, нағма-оҳанг эритади.*

Эргаш шоирнинг кузатишича, Абдухалил достонларни жуда ҳам
жозибали, лирик қўйлаган. У “ҳар нима деб сўз даштида улоққан
сандировчи” бахшлардан кескин фарк қилиб, достончиликда ўз
йўлини топган ижодкордир. Унинг йўли, амали эса ижодий харак-
терга эга. Шунинг учун ҳам бу йўл ҳаммага маъқул ва эътиборли-
дир:

*Чечанликда сўзга сувдайин оққан,
Айтган сўзи ҳамма одамга ёққан,
Ўтириши, айтган сўзи адабли,
Сўзга либос бериб, гавҳарлар таққан.*



Шоирнинг Абдухалилнинг достон қўйлаш услуби, манераси,
ингловчилар диққатини тўла сақлай олиш қобилияти ҳақидаги қу-
луқлари ниҳоятда характерлидир:

*Бир фаёл итлатиб, бир дам кулдириб,
Ҳаммасига чечанлигин билдириб,
Гоҳ бўш қилиб, узун-чўзиб айтмади,
Гоҳ вақтида чўрчитиб, сакраб, елдириб.*

“Узун-чўзиб”, “бўш қилиб”, “ийглатиб”, “кулдириб”, “чўрчи-
тиб”, “сакраб”, “елдириб” қўйлаш достон ижроси билан боғлиқ
турли ҳолатлар бўлиб, бахшнинг ижрочилик ва ижодкорлик
маҳорати шулар билан белгиланади. Эргаш шоир шеърятга, поэ-
тик сўзга жуда юқори баҳо берган ижодкордир. Унингча:

*Сўз деган бир қимматбахо гавҳардир,
Сўзини фарқ қилмаган, дўстлар, бекордир,
Асли билса, суҳанварнинг фарқи кўн,
Ким айтмади: “Ҳамма сўз баробардир”.*

Улуғ шоир бадий асарнинг, демакки, фольклор намунасининг
халққа мақбул ва манзур бўлишини асосий талаб қилиб қўяди ва
ўзи ҳам шунга ҳаракат қилади. Унинг таъкидлашчи, ўтган шоир-
лар халқ достонларига мукамал бир тартиб бериб, уни қўйлаш ва
ижро этишда муайян услуб яратганлар. Бахшнинг вазифаси ана
шу йўлни ҳалоллик билан давом эттириб, унга содиқ қолиш, сўз ва
суҳан кадрини баланд кўтаришдир.

Бу ўринда яна бир масалада ойдинлик киритишга тўғри келиб
қолди. Гап шундаки, Эргаш шоир тахминан қирк ёшларидан кейин
достон қўйламай қўйган. Аммо достонларни ўрни келганда озга-
ки, дўмбирасиз айтиб беришда ва шоғирлар тарбиялашда давом
этган. Унинг шоғирларидан Раҳматилла Юсуф ўғли улуғ шоир-
нинг ана шу йўлини давом эттирган. Раҳматилла Юсуф ўғлининг
гувоҳлик беришича, унинг бошқа бир шоғирди – Уста Холқул до-
стонларни маҳорат билан қўйлашда қарийб Пўлкан шоир даража-
сида бўлган. Шоир умрининг кейинги йилларида, қарийб ўттиз йил
давомида сурункали достон қўйламай қўйганлигига асосланиб,



ундан ёзиб олинган ёки ўзи ёзиб берган дostonларга соя ташлаш улардан қандайдир ўзгача маънолар кидириш мумкин эмас. Шoir дostonларига қайси нуқтаи назардан ёндашсак ҳам улар фольклор асарлари бўлиб қолаверади.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушиб қолди: 1974 йилда таниқли хайкалгарош Ахмад Шоймардонов “Ўзбек бахшилари” монументини ярапти. Унда улкан ўзбек халқ дostonчилари – Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом Назар ўғли ва Пўлкан шoirларнинг давра куриб, дoston куйлаш ва тинглаш ҳолати тасвирланган. Тасвирда Эргаш шoir кўлида дўмбира, дoston куйламоқда, бошқалар уни тингламоқда ҳолат. Ушанда Эргаш шoir дoston куйламаган-ку, бу тарихий ҳақиқатни бузиш, деган бахоналар билан монументни ўрнатишга қаршилиқ бўлди. Охири соғлом фикр гойиб келди ҳамда монумент Самарқанд шахрининг Регистон майдонини ўрнатилди. Ҳозир ҳам бу монумент юксак даражадаги бадий ёдгорлик сифатида виқор билан шахар хуснига хусн кўшиб турибди.

Гапнинг индаллоси шуки, Эргаш ота 1937 йилнинг апрелида Октовнинг нариги бетда яшайтган Жуманбулбулнинг шогирдлари – уста дўмбирачиларни топиб, улар ёрдамида ўзининг дўмбири чертиш салоҳиятини янада юксалтириб, янгидан кўлига дўмбири олиб, Тошкентга қайтиб келишини айтиб, Ҳоди Зариф билан хайрлашади...

Шундай қилиб, Ҳоди Зариф Эргаш шoirни билимли, дostonларнинг бадийлигига алоҳида эътибор берадиган санъаткор, дoston ва дostonчиликни халқона баҳоловчи донишманд сифатида эъзозлаган. Биз Эргаш отадан аввал айтилган дostonларни билмаймиз, кейингиларидан хабардормиз. Агар Эргаш шoir куйлаган асарларни, дейлик Пўлкан шoirдан ёзиб олинган намуналар билан қиёласак, композицион жиҳатдан ҳам, шеър қурилиши, шеър вазнлари хилма-хиллиги, шеърый бандларнинг изчиллиги, ҳатто 50-60 мисрали триадаларнинг мавжудлиги, кофияларнинг такроланмаслиги ва оригиналлиги жиҳатидан ҳам алоҳида ўрин тутадик, Ҳоди Зариф Эргаш шoir дostonчилик маҳоратидаги мана шу томонларни алоҳида кадрлар эди.

Шахноза Назарова: Устоз, фикрларингиздан олим ва бахши бир-бирини шакллантирган, бир-бирини тарбиялаган, кўмак берган ва ўртада шу илм юзага чиққан, деган хулосага қелишимиз мумкинми?

Тўра Мирзев: Бундай хулосага қелиш бир томонланган. Балки тўғри эмасдир. Чунки фаннинг янги йўналишини, эди, унинг фольклоршунослик илмининг шаклланиши ва юзага келиши, бу йўналиш омиллари билан боғлиқ. Юқорида баён қилинган шoirнинг дoston ва дostonчилик ҳақидаги мулоҳазалари, бундан айтаётгани айтаётгани, эргаш шoirнинг бадий-эстетик қарашлари билан айтаётгани, аслини олганда фольклоршунос ва дostonчиликнинг бир жиҳати, ҳолос. Аслини олганда фольклоршунос ва дostonчиликнинг ўртасидаги ўзаро таъсир биз ўйлагандан бошқачароқ. Саволинига бир мисол билан жавоб бераман. 1937 йилдаги суҳбатнинг биринчи берида Эргаш шoir бахшилар орасида кенг тарқалган дostonларнинг тилидан айтиладиган “Армоним қолмади” термасини айтиб беради. Уни тинглаган Ҳоди Зариф: “Ота, жуда яхши терма. Лекин унинг айрим бандларида бироз умидсизлик руҳи бор. Биз мана шуни ўқиб, музний пурқаб гурурланиб юрган Гўруғлида умидсизлик қаифияти сезилади”, – деган.

Ушанда Эргаш ота бу эътирозга муносабат билдирмаган. Аммо бироз жиддийлашганилиги, эътирозни тўла маънода маълумотлашганилиги қиёфасидан билиниб турган. Бунда муайян асос ҳам таъсир эди. Чунки бу терма бахшилар орасида мустақил равишда бор куйланиши билан бир қаторда айрим дostonларнинг якуни қиёбида мослаштирилган ҳолда турли ҳажмларда ижро этилган. Жумладан, Эргаш шoirнинг ўзи ҳам шу термани 1927 йилда “Хордорхон” дostonи таркибида 103 банд, 1926 йилда “Қундуз Бондюз” дostonи таркибида 43 банд ҳажмида айтиб берган. Бу термадаги гурур ва армон руҳи бахшилар орасидаги “Қундуз Бондюз” дostonи таркибидаги “Султоним”, “Борми жаҳонда”, “Тўғри”, “Қунларинг”, “Тўраман”, “Султоним” номлиги мисраларнинг хасрати қаби термаларда ҳам ўз ифодасини топаётган.

Эртасига шoir шу термани “Армонинг қолмасин” номида қайта айтиб беради ҳамда 37 бандли бу асарни Ҳоди Зариф ёзиб олади. Бундан шoir янгидан нималарнидир ижод қилмади, балки Гўруғ мисрали бандларнинг тўғрича мисрасидаги сўзларнинг шакли ўзгартирган ҳолда янги маъно ташувчи бешинчи мисрали яради. Бундан бирор сўз қўшилмайди, балки тўғри сатрдан иборат бўлган бандлар беш мисрали тизимга айланади. Терма аввалгисидан шундай бошланган:

*Аввал бу дунёга келдим,
Мисли гулдай бун очилдим,*



*Душман элда гариб бўлдим,
Бўлдим, армоним қолмади.*

Кейинги, қайта айтилган вариантда:

*Аввал бу дунёга келдим,
Мисли гулдай бўп очилдим,
Душман элда гариб бўлдим,
Бўлдим, армоним қолмади,
Бўлма, армонинг қолмасин.*

Ёки:

*Хитой, Хўтан кезиб юрдим,
Осмон остини қидирдим,
Ер юзини бир-бир кўрдим,
Кўрдим, армоним қолмади,
Кўргин, армонинг қолмасин.*

Қаранг, Ҳоди Зарифнинг биргина эътирози термага янги руҳ бахш этган. Агар терманинг айрим бандларида умидсизлик кайфияти сезилган бўлса, унинг номининг ўзгартирилиши ҳамда тўрт мисрали бандлар охирига бир мисра қўшилиши билан, айтиш мумкинки, янги бир асар пайдо бўлган.

Устозим менга буларни сўзлаб бераётганларида сўрадим: “Домла, бахшилар айтганини ўзгаришсиз ёзиб олиш керак дегандингиз-ку. Ўзингиз матнни бузган бўлиб чиқмайсизми?” “Йўқ, — дедилар, — қўшилган бир мисрани мен тўқиганим йўқ. Термада фақат шу бир мисрани қўшиш орқали янги бир асар яратган. Бу аралашини ёки тахрир эмас”. Бу бахшнинг ўзи кечаси билан ўйлаб, “**Шахноза Назарова:** Устоз, Эргаш Жуманбулбул ўғлини Ҳоди Зариф ўрганди, сизлар ўргандингиз. Кейинги авлод фольклоршунослари бахшнинг қайси жиҳатларини ўрганиши керак, нималар қилиб кетди, деб ўйлайсиз. Устозингиз қайси томонлари етарлича тадқиқ этилмади, дея армон қилган эдилар?”

Тўра Мирзаев: Саволни шундай қўйдингизки, унга жавоб бериш учун бутун бошли китоб ёзиш мумкин. Чунки ўзбек халқ достончилиги, жумладан, Қўрғон бахшилиқ мактаби, шу мактабнинг улкан ижодкори Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди шу қадар поёни-



ли етиб бўлмас хазинаки, уни ўрганганимиз сари кам билишимиз, инҳоятда кам ўрганганигимиз, улар қўйлаб келган асарларнинг янги ярминигина ёзиб олганлигимиз аёнлашаверади. Бу ўринда бир-икки жиҳатни қайд этиш билан чекланаман.

Аввали шуни айтиш керакки, Эргаш шоир ижодини, умуман, фольклор масалаларини тадқиқ этмоқчи бўлган ҳар бир киши аввало Ҳоди Зариф тадқиқотларини пухта ўрганиши лозим. Чунки биз бугунги кунда ўтган олимлар, жумладан, Ҳоди Зариф асарларини мутлақо ўқимай кўйдик. Эргаш шоирнинг:

*Тоғнинг адирли ўради,
Ўрага кўйлар ўради,
Уч тол қишиб санамлар
Чўчини майда ўради, —*

деган бир тўртлиги бор. Шоир ижодининг бундай намуналарини Ҳоди Зариф “тажнисли тўртликлар” деб атаган. Шу тўртликка бағишланган Ҳоди Зариф таҳлилларини тўла келтиришни лозим кўрдик. Зеро, Ҳоди Зарифдаги масалага кенг ва ҳар томонлама ёндашиш, фольклор асарларини халқ маиший ҳаётининг турли жиҳатлари билан боғлаб ўрганиш, биринчи навбатда уларнинг бадий-эстетик маҳиятига алоҳида эътибор бериш бошқа тадқиқотчиларнинг ҳам эътиборини тортса. “Биринчи сағрдаги ўра сўзи от бўлиб, — деб ёзган эди Ҳоди Зариф, инсон ва хайвон учун машаққат билан аста-аста кўтариладиган юксакликни билдиради. Жумланинг бошланишидаги *тоғнинг адирли*, деб қайд этилиши (сўз ҳар бир адир устида эмас, кир адирлари ҳам кўп. Унга чиқиш учун кўп уриниш ҳам керак эмас) ҳавас билан, завқ, тилак билан юқорига интилиш, кўтарилиш, бу эса фазилатда юксалиш символи сифатида кенг маънога эга. Бу ҳол айниқса ўзбек халқ достонларида қаҳрамоннинг ўз орзу-тилақларига эришиш учун сафарда тоққа кўтарилиши эпизодларида ҳам анъанавий бадий бир услуб даражасида мустаҳкам ўрин олган.

Иккинчи сағр ана шу тилак билан боғлиқ. Ўзбекистоннинг жуда кўп ерларида кун қизиги билан дашт ўтлари тезда қовжираб қолиб, чорва моллари тоққа қараб хайдалар эди. Чорва озиқ учун кўк ўт орзусида секин-секин тоғ ораларига ўрмалардики, бу табиий талаб айрим жойларда ҳозир ҳам бор, чунки ҳаёт шуни талаб қилади.



Тўртинчи сатрдаги саъжли қофия аёлларнинг соч ўриши ҳақида бўлса ҳам, бунинг юқоридаги икки сатрга манتيкий боғланиши бор, деб тушунамиз. *Уч тол қилиб санамлар, Чочини майда ўриди* жумласидаги мавҳумларга фольклоршунос сифатида назар ташласак, ўзбек кизларининг қиёфий гўзаллик белгиларидаги нафосатдан кичкина, лекин муҳим, эътиборга лойиқ этнографик деталлар кўз ўнгимиздан кечади. Қора сочни икки ўрим қилиб саллонийш гўзаллик меъёрларидан бири сифатида аёлни ҳам, эркакни ҳам қанчалик ўзига жалб этса, сочининг бир неча толасини бирлаштириб, силай-силаи гўё бир толга келтириб, уч толни бармоқлар орасида унисидан-бунисига, у қўлдан бу қўлга ўтказа-ўтказа майда қилиб ўриб чиқиш, кейин қирқ кокилни орқа бўйлаб ёйиб, завқ билан юриш ўшанчалик жозибадордир. Бунда гўзаллик, завқ-шавқ тажасуми бор. Энди кўкаламзор тоғ бағрига ўрмалаб турган қўйларни, уларнинг хатти-харакатларини узоқдан кузатилгандаги завқни эсласак, бир-бирига мутлақо алоқаси бўлмагандай икки байтдаги параллелизм бир даража англашилади”.

Эргаш шоир ижоди ва репертуарининг биринчи тадқиқотчиси Ҳоди Зарифнинг биргина тўртлиқ таҳлилга бағишланган мулоҳазаларини тўла келтиришдан мақсад, бир томондан олим тафаккур доирасининг миқёсдорлигини кўрсатиш бўлса, иккинчидан, унинг фольклорга ёндашув усулини тарғиб қилиш, ундан ўрганишга даъватдир. Чунки ҳар қандай янги тадқиқот мустаҳкам илмий асосга эга бўлиши зарур. Зеро, шоир ижоди ва репертуарининг салмоғи, унинг ғоятда бадий ўзига хослиги янги-янги тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда.

Тўғри, Эргаш шоир ижоди ва хаёти, унинг бой репертуарини ўрганишда ўзбек фольклоршунослигида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ундан ёзиб олинган асарлар деярли тўла равишда нашр этилди. Аммо унинг “Ҳолдорхон”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Далли”, “Хушкелди” каби кенг миқёсли дostonлари ҳамон тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Шоирнинг шўро даври ўз ижоди ҳам янгича баҳолашни талаб қилмоқда. Шоир қолдирган улкан адабий мерос асосида фольклор поэтикаси ва бахши бадийяти, анъанавий жанрлар ва поэтик жанрлар ривожини, дostonчиликнинг стадиял тараққиёти, бахшлик мактабларидаги услубий ўзига хосликлар ва бошқа ўнлаб муаммолар бўйича янги тадқиқотлар яратилиши зарур.



ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Эргаш Жуманбулбул ўғли 1868 йил Самарқанд вилояти (Нурота) Қўшрабoт тумани Қўргон қишлоғида туғилган.

1875/1876 — ёш Эргаш қишлоқ мачити хузуридаги мактабга ўқишга борган.

1884-1885 — Эргаш шоир Бухоро мадрасасида таҳсил олади.

1885 — Эргаш шоир мулла Ўтамурод хатибнинг қизи Зийнагойга уйланади. Зийнагойнинг вафоти XX асрнинг бошида.

1886 — Эргаш шоирнинг отаси — Жуманбулбул вафот этади.

1986-1887 — шоир дехқончилик билан шугилланади.

1887-8891 — Ўтамурод хатиб тавсиясига кўра Нурота беклиги амалдори Кўзибекка мирзалик қилади.

1891 — Эргаш шоирнинг қизи Зарбиби туғилади. Вафоти 1929 йил.

1889-1917 — шоир ўз қишлоғида дехқончилик ва дostonчилик билан машғул бўлади. Оила аъзоларининг вафоти сабабли кўп йиллар қишлоқма-қишлоқ дарбадар юради. Бахшилик ва табиблик асосий амалига айланади.

1918-1922 — Бухоро амирлиги чегарасидан Зарафшон ва Самарқанд округлари худудига ўтиб шахар қишлоқларни кезиб юриди. Бахшилик ва табобат билан машғул бўлади.

1922-1923 — шоир ўз қишлоғи Қўргонга келади. Дostonчиликда шоирлар етиштиришда давом этади.

1924-1925 — Қоракса қишлоғида мактаб очиб, болаларга дарс беради.

1925 — Ўзбекларни ўрганиш кўмитаси ташаббуси билан шоир Самарқанд шахрига келтирилади.

1926 — Булунгур туманининг Қирқшоди қишлоғида бошқа бахшилар қатори ўз репертуарини ёздирлади ва ўзи маълум асарларни ёзиб беради.

1925-1928 — шоир фольклоршунослар билан алоқада фаолият юритади.

1929-1936 — шоир эл орасида кезиб бахшилик ва табиблик билан машғул бўлади.



1936 йилнинг охири 1937 йилнинг апрель ойларига қадар Тошкентда шоир Ҳоди Зариф билан ҳамкорликда халқ дostonларини ёздирши ва ёзиб бериш билан банд бўлади.

1937 апрел ойида шоир ўз юртига қайтади, 1937 йилнинг 12 май куни навераси Абдуғани Турдимурод ўғлининг хонадонида вафот этади.

Эргаш шоир “Гүрўгли” (туғилиши ва болалиги), “Холдорхон”, “Хушкелди”, “Авазхон”, “Ҳасанхон”, “Далли”, “Равшан”, “Хиромон”, “Қундуз ва Юлдуз”, “Нуралли”, “Алпомиш”, “Юсуф-Ахмад”, “Алибек билан Болибек”, “Кунтуғмиш”, “Якка Ахмад”, “Вомик-Узро”, “Қумри”, “Ошиқ Ғариб”, “Қизжибек”, “Тулумбий”, “Махтумқули” каби 20 дан ортиқ дostonларни, жуда кўп термаларни айтган.

Эргаш шоирдан “Равшан”, “Кунтуғмиш”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Хон Далли”, “Хушкелди”, “Холдорхон”, “Якка Ахмад”, “Алибек билан Болибек”, “Ойсулув”, “Алпомиш” (Пўлкан шоир билан биргаликда), “Таржимаи ҳол”, “Қизжибак” каби дostonлар ва эллиқдан ортиқ турли мавзулардаги термалар ёзиб олинган ва улар ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг фольклор архивида сақланади. Ушбу дoston ва термаларнинг асосий қисми турли даврларда алоҳида-алоҳида чоп этилган.

Шоирнинг мероси “Булбул тароналари” беш жилдлик, “Эргаш Жуманбулбул ўғли” икки жилдлик ва “Песня Булбуля” уч жилдлик шаклида нашр қилинган.

- 1859 -



МУНДАРИЖА

Сўзбоши..... 3

I. Илмий мақолалар

Ҳоди Зариф.
Улкан халқ санъаткори..... 5

Тўра Мирзаев, Маматқул Жўраев.
“Кунтуғмиш” дostonи ҳақида баъзи мулоҳазалар..... 34

Шомирза Турдимов.
Мен шоирман, шундай айтсам ярашар..... 54

Норозим Ҳаққул.
“Маишатман кайфу сафо бир ёкда...”..... 82

Мўҳаммадали Қўшмоқов.
Мулла Эргаш – булбул Эргаш..... 88

Омонилла Мадаев.
Ўзбек адабиётининг хат-саводли вакили..... 93

Жаббор Эшонқулов.
Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Хон Далли” ва “Равшанхон” дostonлари ҳақида..... 100

Шомирза Турдимов.
Эргаш шоирнинг миллий маънавиятдаги ўрни..... 106

Фаррух Жабборов.
Эпос сюжети структураси хусусида айрим кузатишлар..... 110

Селами Фидакор (Туркия).
Эпик формула назарияси ва ўзбек дoston ижрочилиги..... 118

Гульнар Юлдыбаева (Россия).
Башкирский архаический эпос “Акбузат” как часть духовного наследия башкир..... 128

Элмира Мамедова – Кекеч (Озарбайжон).
Türk Dünyası Açıklarının Yaşanmalarinin Arketipsel Çözümlemesi..... 140

Асель Исоева (Кыргызстан).
Релекты шаманизма в фольклоре кыргызов..... 147

Асмар Алиева (Озарбайжон).
Azerbaycan ve Özbek aşral efsanelerinde dönüsum motifi..... 162

II. Сухбатлар

Тўра Мирзаев, Шаҳноза Назарова. Сухбатлар давом этади..... 170

III. Мухим маълумотлар

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар... 189





ЎЗБЕК
ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ
МАСАЛАЛАРИ

VIII китоб

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг 150 йиллиги муносабати
билан чоп этилган илмий мақолалар тўплами
(илмий нашр)

Илмий нашр

УЎК: 398(=512.133)(08)
КБК: 82.3г(5Ў)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти давлат корхонаси
Тошкент – 2018

Нашриёт лицензияси А1 № 266, 15.07.2015 й.
26.11.2018-йилда босишга рухсат этилди.
Қозғ бичими 60 × 84 1/16; “Times New Roman” гарниураси.
Келги 11. Шартли босма табоғи 12. Адади 100 нусха.
Буюртма рақами № 24 Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти давлат корхонасида нашрга тайёрланди.
100047, Тошкент ш., Яхё Гуломов кўчаси, 70-уй.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти давлат корхонаси босмахонасида чоп этилди.
100047, Тошкент ш., Яхё Гуломов кўчаси, 70-уй.

21.0000

ISBN 978-9943-19-448-9



9789943194489

